Э. Тўрақулов, Н.Сафаров, Н.Тўрақулова

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ



Самарқанд – 2004

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Э. Тўрақулов, Н.Сафаров, Н.Тўрақулова

МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ
МАХСУС КУРС

Ўқув қўлланма

Самарқанд 2004 й.

Элмурод Тўрақулов, Нусратулло Сафаров, Наима Тўрақулова. Мутахассисликка кириш. Махсус курс. Ўқув қўлланмаси. Самарқанд. 2004 йил. - 100 бет.

Қўлланмада педагогик ўйлар, тарихий ва бадиий масалалар берилиши, бўлажак ўқитувчини касби барча билимлардан хабардор бўлиши лозимлигини англатадиган йўриқнома бўлиш билан бирга, китобхонни зериктирмаслик мақсадида ҳам қўл келади деб ўйлайман.

Қўлланма педагоглар, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, талаба ёшларига барча муаллимларга мўлжалланган.

Тақризчилар: Педагогика фанлар доктори, профессор
Х.Ибрагимов
филология фанлар номзоди, доцент
Э Мухамадиев.

Чиқиш белгилари:
Қоғоз бичими А-4. Буюртма № [illegible]. Нусха 100 дона,
ҳажми 6,25 б.т.
СамДАҚИ босмахонаси, Лолазор 70.

КИРИШ СЎЗ

Ўзбекистонда 16.00.00 таълим соҳасининг барча йўналишларида янги ўқув режалари, дастур ва дарсликлари илғор педагогик технологиялар ривожланган демократик давлатлар талаблари даражасида тайёрлаш имкони яратиляпди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурда ўқув жараёнига, тарбия ишига доир ўқитишнинг турли йўналишлари, модул технологияларини яратишга аҳамият бериляпти. Хусусан таълим соҳасининг 90 дан ортиқ касбий мутахассислик йўналишлари бўйича ўқитувчи бакалаврлар тайёрланмоқда.

Маълумки бу шарафли, улуғ вазифаларни бажариш ўқитувчи педагоглар зиммасида.

Ўқитувчи, устоз, мураббий! чуқур мазмун, юксак ифтихор ва чексиз ҳурмат туйғусини ўзида мужассам этган ана шу қалбга яқин, ер юзидаги ҳар қандай касбдан юқорироқ турадиган мўътабар касб кишиларидир.

Ушбу ўқув қўлланма ўқитувчилик касби, мухандис муалим ва уларнинг фаолияти, ўзига хос педагогик психологик, шахсий хусусиятлари, меҳнатини баҳолаш мезонлари, касбга лаёқатлилик талаблари, педагогик маҳорат масалалари мантиқан бой тил ва мисоллар асосида тузилган.

Қўлланмада педагогик ўйлар, тарихий ва бадиий масалалар берилиши, бўлажак ўқитувчини касби барча билимлардан хабардор бўлиши лозимлигини англатадиган йўриқнома бўлиш билан бирга, китобхонни зериктирмаслик мақсадида ҳам қўл келади деб ўйлайман.

Қўлланма педагоглар, касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари, талаба ёшларига барча муаллимларга мўлжалланган. Ушбу ишни ёзишда доцент Э.Тўрақулов ва қишлоқ ўқитувчиси Наима Тўрақўловаларнинг моҳирона меҳнатлари намоён бўлган.

Профессор, педагогика фанлари доктори, ***Н.С.Сафаров***

МУАЛЛИМ ҚАСИДАСИ

Ассалом муаллим, ассалом устоз,
Истиқлол қўлимга берди олтин соз.
Шаънингга шеър битай, куйлай довруғинг,
Қалбимда сен ёққан ҳеч сўнмас чўғинг.
Чироқсиз уй эди бу дунё азал,
Боболар ёқдилар илмдан машъал.
Мозийга қарайман, қавмим Зарнужжий[1]
Илк дарсни толибга у этмиш жорий.
Бир-бирин таниди бу оми мардум,
Бири толиб, бири устоз-муаллим.
Қўлимга тутқазиб илк бора қалам,
Тилимга бердинг сен энг қайноқ калом.
Мактаб сўқмоғидан ҳижжалаб ўтиб,
Йўлим катта йўлга туташди бориб.
Англадим Темурдек бобом борлигин,
Назмда Навоий улуғворлигин.
Хоразмий ҳисоби қолди зикримда,
Улуғбек юлдузи чақнар фикримда.
Дунё китобини ўқитдинг бир-бир,
Менга аён бўлди, фандаги кўп сир.
Муаллим – оламнинг ёниқ чироғи,
Муаллим сўзлари – ҳаёт булоғи.
Муаллим – қалбларда фахр ва ғурур,
Муаллим – кўзларда порлоқ, тоза нур.
Муаллим чорласа «лаббай» деб туринг,
Муаллим сабоғин юз бор ўрганинг,
Ҳар шогирд муаллим кўзи қараси,
Муаллим – болажон жигарпораси.
Муаллим шуури – сўнмас аланга.
Зиёси таралар Ўзбекистонга.
Муаллим – шогирдлар қалбида меҳмон,
Муаллим болалик тахтида султон.

---

[1] Зарнужжий Марғулоний. XI аср охири XII аср биринчи ярмида яшаб ижод этган олим, мударрис.

Муаллим – дунёнинг юраги гуё,
Муаллим илмидан яратар дунё.
Муаллим хўрланди, лекин сўлмади,
Муаллим ҳақ томон, таслим бўлмади.
Муаллим куч берди руҳга, имонга,
Муаллим одоби – оройиш жонга.
Муаллим бор экан, авлод суюкдир,
Илм-фан инсонга мангу шерикдир.
Муаллим – ҳаётнинг тиргак, устуни,
Муаллим – келажак, яратар уни.
Муаллим зеҳнидан гул очгай чаман,
Кенгликлар ободдир, ободдир Ватан.
Юрак осмон бўлса муаллим – қуёш,
Йўлда ёлғиз бўлсанг муаллим йўлдош.
Муаллим – забонинг, муаллим – урфинг,
Муаллим – миллатинг, тикланган қадринг.
Муаллим – маърифат, муаллим – нажат,
Муаллим бахш этар орзу ва қанот.
Устозни унутса хастадир юрак,
Устозга бош эгмоқ инсоний тилак.
Боболар курашган истиқлол келди,
Момолар тилашган нур, иқбол келди.
Муаллим уйида истиқлол нури,
Тиниқлашиб борар бола шуури.
Ҳофизим куйлагин муаллим учун,
Шоирлар кўрсатган ашъорда кучин.
Дардига малҳам бўл, жон шифокорим.
Муаллимни қўлла, халққа сардорим.
«Муаллим бўлмаса дунёда агар,
Ҳаёт ҳам бўлмасди, гўзал бу қадар».
Муаллим изламас савобдан бўлак,
Қалбига лағча чўғ, офтобдан бўлак.
Устозим, иқболинг саодат, сабр,
Ҳур Ўзбекистон бор, топгайсан қадр!

1. ТАЛАБАНИНГ ОЛИЙ МАТАБ ШАРОИТИГА МОСЛАШУВИ ВА АҚЛИЙ-КАСБИЙ МЕҲНАТГА ТАЙЁРЛАШ

Режа:

1. Ёшларни талабалик даврига мослашуви зарурлиги.
2. Оила, мактаб шароити билан олий мактаб тарбиявий муносабатлари бирлиги ва фарқлари.
3. Ёшларнинг бўш вақти ва уни намунали ўтказиш.

Сизларга маълумки тирик организмларнинг барчаси ташқи муҳит шароитига мослашиш хусусиятига эга бўлади. Бу, албатта, тирик мавжудоднинг сезгирлик қобилиятига кўпроқ боғлиқдир. Мослашув "Адаптация" тушунчаси (adaptatio) мослашмоқ, созланмоқ деган маънони англатади.

Адантация тушунчасининг икки хил маъноси бор. Яъни бир томондан сезги органлари (анализатор-таҳлилловчилар)нинг таъсирот кучига мослашуви натижасида муайян сезгирликнинг ўзгариши дейилса, иккинчи томондан, ижтимоий жиҳатдан қараганда мослашув шахснинг ижтимоий фаолиятининг маълум бир турига янги шароит, муҳитга ва жамоага мослашиб кетиш тушунилади.

Олий мактаб, коллеж талабалари янги шароитга мослашиб кетиши учун, у шу ижтимоий муҳитнинг тажрибасини, ҳаёт тарзи, меҳнати ва бўш вақтини қандай ўтиш ва бошқаларни тез ўзлаштириб олишлари керак бўлади. Бу жараён баъзиларда секин, бошқаларда тез амалга ошиши аниқ.

Эндигина мактаб партасидан, олий, ўрта махсус ўқишга келган талаба биринчи ўқув кунидан бошлаб, ўқув шароитига, махсус фаолиятга мослашиш жараёнини бошдан кечира бошлайди. Бундай мослашув ўз-ўзига пассив ҳолатда эмас, балки бўлажак мутахассиснинг ўзи танлаган касбига интилиши, қизиқиши туфайли янги муҳитга ижодий кириб келиши юз беради.

Шунинг учун ҳам талаба ўқув режада белгиланган фанлар нинг ўрганишига киришади: маърузалар тинглайди, амалий, семинар ва тажриба машғулотлотларга, мустақил таълимга, мустақил ўқишга, илмий-тадқиқот ишига, жамоадаги жамият ишларига қатнашиб боради.

Талаба биринчи курсдан бошлаб, ўзининг бўш вақтини режали ва фойдали ўтказишга ҳаракат қилади. Бу даврда талабада ташкилотчилик, коммуникативлик ҳамда олий мактаб ички тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиб ўз қобилияти ва истеъдодини, мутахассислик ўқувини, жавобгарликни англаш жараёни кечади.

Фанлар сирларини, тушунча ва атамаларни мутахассислик сирларини билишга бўлган ҳаракатларда намоён бўлади.

Шахсининг бир ҳаётий муҳитдан иккинчисига, яъни оила ва мактаб ҳаётидан, олий ўқув хоналари ва талаба уйлари шароитини психологик педагогик жиҳатдан тўла ўрганилган соҳа бўлмасада, бу масала шу кунда ҳам долзарб, уни ўрганишни тақозо этади.

Хўш! Бу масалани моҳияти ва аҳамияти нимада? Ушбу савол муаммоли бўлиб, бу ҳақда талабалар билан мустақил суҳбат ўтказиш масалани бир оз ойдинлашувига ёрдам беради.

Ёшлардан оила, боғча, ясли, мактаб муҳити ҳақидаги қарашларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Шунингдек талабада атроф-муҳит ва жамоани кузатиш зарур деган хулоса чиқаришга олиб келади.

Ушбу суҳбатдан сўнг биринчи курс талабасини янги муҳитга мослашувини касбий ва ижтимоий педагогикк-песихологик томонларини диққат билан кузатиш, ўрганишга бўлган йўли уқтирилади. Шундан сўнг, талабанинг янги шароитга касбий жиҳатдан мослашувини бошқариш жараёнлари ҳақида маълумот бериш керак. Бу асосан: 1. Танланган касбга касбий - профессионал жиҳатдан яроқли, лаёқатли эканлигини белгилаш; 2. Таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш; 3. Талабаларнинг мустақил ишларини тўғри юритиш; 4. Ўқиш-ўқитиш жараёнини ва илмий-тадқиқот, текшириш ишларига ижобий ёндошиш; 5.

Талабаларнинг кунлик режимларини тўғри ташкил этиш, бўш вақтларидан унумли фойдалана билишга ўргатиш, меҳнат ва ижтимоий ишларнинг касбий йўналишни таъминлаш.

Ушбу кўрсатилган жараённи таҳлил қилиб чиқиш маърузадаги асосий муаммони ечишга хизмат қилади. Шунга кўра талаба уларнинг ҳар бирига мустақил равишда далил ва мисоллар келтириши талаб этилмоғи лозим.

Демак, Касбий таълим ўқитувчи бўлишга ҳавас қўйган шахс: соғлом, интилишидан ва жисмоний кучли, касбий билими ва методикаси юксаклиги билан, ўз ўқувчиларини ҳурмат қила оладиган даражада касбга лаёқатли шахс бўлиши ҳақида мисоллар келта оладиган бўлсин.

Ижтимоий-психологик жиҳатдан мослашув олий мактабнинг жамоавий ҳаётига осонлик билан кўникиш учун талаба шундай даражага етиши керакки, у ўша жамоанинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўла олсин.

У жамоада дўстлар орттира олсин, унинг ҳар бир ҳаракати жамоаники билан ҳамоҳанг бўла олса, ундаги кўникишни ижобий боҳолаш зарур бўлади.

Ижтимоий психологик жиҳатдан мослашувнинг яна бир кўрсаткичи – талаба ўзи танлаган мутахассислиги бўйича ўзлаштириш даражасидан, ҳам курсдошлари, ўқитувчилар билан ўзаро муносабатидан, ўз олдига қўйган ҳаётий режаларининг маваффақиятли бажарилиб боришидан, ўқиётган гуруҳи, факултети ва олий даргоҳда тутган мавқеидан мамнун бўлиб юришида ҳамдир.

Хўш, олий мактаб, коллежга кирган йигит ва қизларнинг бирданига янги муҳит, шароитга мослашуви осон кечадими? Албатта йўқ. Баъзи ёшлар ўртоқларига қараганда тез кўникиб боради, тезроқ мослашади, иккинчиси-қийинчилик билан секин мослашиб боради. Бошқа бири иккиланиб қолиши ҳам мумкин. Демак, ёшларда муҳитга нисбатан ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик, қатъиятлилик, кўникиш - динамик стреотип - юнонча dinamikos - кучга оид юз беради. Бунда ирода, диққат, тасаввур, тафаккур кучи, касбга бўлган мойиллик кучи назарда тутилади,

кўпроқ.

Академик, табиб, педагогик-психолог И.П.Павлов буни яъни динамик стреотип таълимотида таълим тарбия жараёнида тез-тез ва кутилмаган кескин равишда бузилиши, кўнгилсиз ҳодисаларга яъни кишининг ўз кучига ишонмай иродасизлик қилиши ҳафсаласининг пайдо бўлишига, лақайдликка ва ҳаттоки умидсизланишига олиб келади.

Янги жамоага бирлик, яъни сўз билиш бирлигига эриша олмаганлик, меҳнат интизомининг бўшлиги, ўқитувчиларнинг тез-тез алмашуви жиҳатдан талабаларга ягона талаб қўйилмаслик, касб сирларини пухта билмаслик, ишдаги қийинчиликларга дуч келиши "ҳаяжонга тушиш" ва ҳоказоларда талаба мослашувида салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин.

Хўш! Муаммо, нима қилсак бу ҳолатдан чиқамиз? Жавоб равшан. И.П.Павловнинг психологик-педагогик таълимоти динамик стреотипни пухта ўрганиб олиш ҳар бир талаба учун долзарбдир. Бу ёшларни янги жамоага кириширб, мослашиб кетишига ёрдам беради.

Талабаларга мурожаат қилиб дастлабки даврда қандай қийинчиликларга дуч келганликларини ва уни ечимини қандай қилиб ечиш ҳақида муаммоли сўровнома ўтказганда, янги фаолият шароитига мослашиш жараёни, қуйидагича фарқлар аниқланди.

1. Олий мактабда ўрта мактаблардагига нисбатан ўқиш, ўқитиш режими ўзгаради. Талаба 90 минутлик маъруза, семинар, амалий лаборатория, ёки тажриба ишига одатланмаганлигидан қийланади. Бу вақтда катта куч сарфлаб чарчайди. Диққатини 90 минунгача тўплаб тура олмайди. Диққат фикрлаши сусаяди, оқибатда технологик ахборотни ўзлаштирмай қолади. Баъзан ўқитувчи бу биринчи бор аудаторияда ўтирган ёшлар психологиясини ўрганиб бўлмай, ўз маърузасини ёмон ўзлаштирилганини талабалар зиммасига қўйиши ҳам мумкин бўлади. Бу ҳол талабани қийнайди.

2. Олий таълим фаолияти ва методикаси ўрта мактабникидан кўп фарқ қилиши, талаба конспект ёзиш, конспекни олиш

техникасидан хабарсизлиги, баъзан ўқитувчи фикрларини сўзма сўз ёзиб олишга ҳаракат қилиб, бу соҳада қийналиши, ўқитувчига эргаша олмай азоб ейиши, конспектидан жумлаларни ёзиш охиригача етмай қолиши, фикрлар чалкашиб кетишини кўриш мумкин. Конспекни мукаммал ёзиш техникасини билмаслик, фан ва илмларни муваффақиятли ўзлаштиришга салбий таъсир этади.

3. Олий мактабда ўқув хоналар ўқув бинолариии тез-тез алмашинуви, талабани кўчиб юриши, янги шароитга мослашувини орқага суради. Бу ҳол талабани психологик жиҳатдан маслашувини секинлаштиради. Диққатини бир марказга тўплашга халал беради.

4. Талабанинг ўқиш фаолиятини текшириб, назорат қилиб туриш методикасида анча ўзгариш юз беради-ки у мактаб шароитида тўла бошқа хил назорат яъни кунлик сўраш, баҳолаш, мактабда амалга оширилса, олий мактабда бу деярли йўқ. Бу тартибда одатланган бола олий мактабдаги тартибда қийналади. Ундаги одат ва шартли рефлексларга кўникиб боради. Баъзан "бу ерда ҳар кун сўралмас экан" деб қувониб ҳам қўяди.

Талаба сессия ва рейтинг вақтида ўтилиб кетган кўп материалларни такрорлаб, ўзлаштиришдан қийналиб қолади.

Биринчи курс талабаларига таълим бериш усул ва методлари ҳам турлича. Энг аввало: Маъруза, лекциялар шакли "академизмга" айлантириб юборилмасдан, балки аста-секинлик билан осондан-қийинга, яқиндан узоққа қараб мураккаблаштириб боришини талаб этади. Шунга эришиш ва ўқитиш керакки, биринчи курс таълим-тарбияси, ўрта мактаб юқори синфлари (X-XI синфлар)даги усул ва услубдан, методлардан унчалик узоқланмаслиги керак. Акс холда фанга ўқитишга, ўқитувчига бўлган қизиқиш сусаяди.

5. Баъзи олий мактаб ўқитувчиларининг талабаларга бўладиган психологик, педагогик мулоқот ва муносабатларининг ўрта мактаб ўқитувчиларининг ўқувчилар билан бўладиган муносабатларидан фарқ қилган ёки унга мувофиқ келмаслиги, жумладан ҳомийликнинг восийликнинг, ҳамкорлик педагогикасининг

кам бўлиши, гуруҳ раҳбарининг назоратни бўшаштириб юбориши, талабалар олдида ҳаётий, зарурий перспектив масалаларни тизимли қўйиб бормаслик, ёшларнинг ўқишдан, танлаган мутахассислигини муваффақиятли эгаллашдан кўнгил совишига олиб келади.

Биринчи курс талабаси ўқитувчи - раҳбар ва гуруҳ раҳбарларидан ҳар куни йўл-йўриқ олиш, маслаҳат ва ёрдам олиш ва баъзан қўллаб-қувватлашни кутиб, бажарган ишн учун уни баҳолашни, керак бўлса жиддий насиҳатомиз гаплар эшитгиси келиб боради.

Агар олий мактабда бундай ва бошқа мақсадли таъсир, тадбирлар кўрилмаса, талаба ичдан куйинади, ёки қувонади. У шунга одатлантирган масканли, ўқиган мактаби, ўқитувчисини синф раҳбарини меҳрибонлигини қумсайди. Олий мактаб, коллежда профессор-ўқитувчини талабага бир хил талаб қўймаганидан, ўзи эркин ҳаракат қилишга уринади. Бу ходисалар талабаларнинг дарсларга тизимли қатнашмаслигига, топшириқ, уй иши, мустақил ишларга одатланишини сундиради. Бунинг натижасида у билим ва дунёқарашида пассив бўлиб боришига сабаб бўлади.

6. Талабаларнинг ҳар қайси ҳудуддан, туман, вилоятлардан келганлиги, бир-бирини яхши билмаслиги, турли психологик хусусиятларда эканлиги, бир бутун жамоа ташкил қилишда катта қийинчилик туғдиради. Бу гуруҳ раҳбарларидан (кураторлардан) маънавият ишлари маъсулларидан талабаларнинг уй шароитини педагогик-психологик ҳолда чуқур ўрганиб билишини талаб этади. Шунингдек, талабалар уйи тарбиячилари, камолот ёшлар қумитаси касаба иттифоқ ташкилоти, кафедра ва деканат вакиллари ёшларни ҳар хил ижтимоий фойдали йўналтиришлари маданий, мафкуравий тадбирлар ўтказишга алоҳида эътибор беришлари, тарбиявий, маданий тадбирларни тез-тез уюштириб туришлари лозим. Акс ҳолда талабалар зерикиб қолади. Бу ўз уйидан, ота-онасидан биринчи бор узоқда яшаётганлари сабабли уйни, яқинларини тез-тез қумсайди. Шу сабабли институт ёки коллежга, ётоқхона ҳаётига тез кўникмай

юришига сабаб бўлади.

Демак, ўқитувчи, тарбиячи, раҳбарлар ана шундай зерикиш, қумсайишни олдини олиш учун талабалар билан тез-тез учрашиб, уларни яқиндан англаб, амалий маслаҳатлашувлар ўтказиб туриши жуда зарур. Суҳбатлар тарбияланувчини ҳар томонлама билимга ва ҳар томонлама мақсадли таъсир кўрсата олишга қаратилиб, талаба муаммоларини тўла ечишга бағишланмоғи лозим.

Биринчи босқич талабаларининг олий ва ўрта махсус ўқув юрти шароитига тез кўникиб, мослашиб, адабтациялашувининг асосий шартлари:

а) Янги келган талабаларни, энг аввал юқори босқич талабалар, ўқитувчилар жамоаси билан факултет лабораториялари, ўқув хоналари, бошқа ёрдамчи хизмат кўрсатув жойлари, жиҳозлари билан яқиндан таништириш, кутубхона ҳаёти, кутубхона библографияси, китоб билан ишлаши зарур материални ва адабиётни тез топиш йўл ва усулларини ўргатиш, уларни аҳамиятини тушунтириш, ўқув юрти анъана ва қадриятлари билан, жиҳозлар, ахборот техникалари, ўқув техник база билан таништириб, уларни сақлаш, муомалада бўлиш, зарурияти ҳолда ривожлантириш ҳақида сўзлаб, тушунтиришлар қилиш талабани олийгоҳ муҳитига мослашувини тезлаштиради;

б) Талабаларнинг янги мақсадидаги ҳар бир ҳаракатини, фаолиятини режалаштириб, "яхши ният", "яхши сўз", "яхши иш" қобилидаги муносабатларини шакиллантириб бориш;

в) Талабаларни биринчи босқичиданоқ илмий-тадқиқот ишларига, асосли, далзабр мавзуда ишлашга, талабалар илмий анжуманларда қатнашувини ташкил эта бориш керак;

г) Талабаларнинг дарс машғулотлардаги ҳолати, ўзлаштиришга доир методлар билан танишувини тўғри йўлга қўйиш, рейтинг, тест, мусобақали назорат ишларни мунтазам, режали, олдиндан огоҳлантириб ўтказиб бориш, ўзлаштирилган билимлар қотиб қолган, ўзгармас бир нарса эмаслигини, ривожлантириш мумкинлиги ва ҳаётда қўллаш лозим эканлигига ишонч уйғотиб, ошириб бориш шартларини англаб олишга сафарбар

этиб турини, уларда пайдо бўлаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Хулас, Олий мактаб, коллеж ҳаётига талабани биринчи курс (босқич)дан ҳақиқий кўникиб кетишини, фанларни ўзлаштириш билан бир қаторда, у ўқиётган гуруҳ, факултетда дўстлик, ўртоқлик, педагогик ҳамкорлик каби тарбиявий муносабатларининг самимий бўлиши ва мақсадли, режали таълим-тарбияга тизимли ва илғор ахборот технологияларидан унумли, қулай фойдаланиб боришни талаб этади. Шахсни ўрганиб, билиб ва шундагина унга тез - амалий ҳамкорлик билан таъсир кўрсатиш мумкин деган қоидага қатъий амал қилганда янги шахсни, янги жой, муҳитга мослашувини самарали ўтказиш мумкин бўлади.

Сиз таҳлил олмоқчи бўлган Самарқанд архитектура-қурилиш қурилиш институти буюк олим, подшоҳ Мирзо Улуғбек номи билан аталади. Бу даргоҳ 1966 йилда 2 та факультет билан иш бошлаган эди. Бугун институтда 6 та факультет, кундузги, сиртқи бўлимлар 22 та мутахассис муҳандис касбига бакалавр ва 8 та касбга магистрлар тайёрланмоқда. Институтда аспирантура, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети, профилактория-соғломлаштириш мажмуаси, ётоқхона, китобларга бой кутубхона мавжуд. Институт қошида лицей-интернат, менежмент мактаби ишлаб турибди. Бир нечта спорт тўгараклар, стадион, спорт майдончалари, Улуғбек боғи бунёд этилган.

Институтнинг касбий таълим факультети 1998 йилда ташкил топган. Факультетда 3 та кафедра мавжуд. Педагогика ва психология кафедраси институтнинг барча факультетларида фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда муҳандис қурувчи, санатшунос, экология йўналишида ўқитувчи кадрлар тайёрланмоқда. Бу факультет йилдан йилга кенгайиб, ўсиб борадиган истиқболга эга. Ана шундай улуғ даргоҳда ўқиб, билим ва мутахассислик эгаллашда сизларга омад тилаймиз.

2. МУТАФАККИРЛАР КАСБ-ҲУНАР АҲАМИЯТИ ВА МЕЗОНЛАРИ ҲАҚИДА

Режа:

1. Марказий Осиё мутафаккирлари касб-ҳунар аҳамияти ҳақида.
2. Касб-ҳунар илмининг моҳияти ва аҳамияти.

Ўзбек халқ педагогикаси Марказий Осиё ижтимоий ҳаётига боғлиқ ҳолда шаклланди, ривожланди. Маълумки, Ўзбекистон заминида ҳам ҳали ибтидоий тузуми даврида ишлаб чиқариш кучларининг тараққий этиб бориши билан жамоа аъзолари зарур воситаларни-оддий қуролларни ясашга киришганлар. Уларнинг бу ҳаракати жамият тараққиётига таъсир этган албатта.

Кейинчалик жамиятда ишлаб чиқариш қуролларининг мукаммалашиб бориши билан жамоада меҳнат тақсимоти ўзгарди. Деҳқончилик, чорвачилик, овчилик билан боғлиқ ишларни бажарадиган меҳнат қуроллари, техника деб аталадиган воситалар мавқеи оша борди.

Ўзбекистон ҳудудида эрамиздан аввалги VII-VI асрларда суғориш ишлари ривожланиб, хўжалик аъзолари боғдорчилик, полизчилик билан шуғуллана бошлаганлар. Бу давда Хоразм, Суғд ва бошқа вилоятларининг иқтисодий – жўғрофий харитаси, қазилмалардан олинган мис, қўрғошин, қалай, темирдан турли қурол ва рўзғор буюмлари ишлана бошлаганидан дарак беради.

Эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда пайдо бўлган XVI асрларга қадар Узоқ Шарқ, Хитой, Япония, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ билан боғланган "Ипак йўли" ўлкада савдо, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, ва маданий алоқа йўли бўлиб мамлакатлар шаҳарлар, халқларнинг, жумладан, Марказий Осиё, Эрон, Туркия халқлари ҳунармандчилигида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эрамизнинг VI-VII асрларида Марказий Осиёда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ортиши билан деҳқончилик анча юксалди. Далаларни сунъий ўғитлаш усули жорий қилинди, суғориш ишлари, тўқимачилик, асбоб созлик ривожланди. Ипак-газлама корхоналари, қоғоз ишлаб чиқариш, меҳнат қуроллари тайёрлаш каби кичик-кичик устахоналар бунёд этилди. Олтин, темир, қўрғошин, кумушлардан турмуш учун керакли буюмлар ясалган.

XI-XII асрларда Ўзбекистонда феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг тараққий этиши, ички ва ташқи савдонинг ўсиши деҳқончилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, ўймакорлик санъатининг ривожига жиддий таъсир этди. Самарқанд, Бухоро, Марв, Ўзган, Хива каби шаҳарларида Сарой, Масжид, Сардоба, Мадраса каби бинолар қурилган.

Амир Темур ва унинг авлоди ҳукмронлик қилган XIV-XV асрларда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётида қайта тикланиш ва ривожланиш бошланиши билан илм-фан, меъморчилик, тасвирий санъат, наққошлик, хаттотлик, китобсозлик мусиқа соҳасида асбоблар ишлаб чиқиш юксала борди.

Темурийлар даврида бунёд этилган "Бибихоним" жоме масжиди, "Гўри Амир" мақбараси, "Шоҳизинда" бинолари Бухора, Самарқанд, Хива, Ғиждивонда қурилган мадрасалар ўлмас обида ёдгорликлар - халқнинг ҳунармандчилик тараққиётидаги хизматларини кўрсатиб турибти.

Демак, касб эгалари бўлган алломалар ўз фарзандларини амалий меҳнатга, касбга тайёрлашни, уларга меҳнат малакасини ва турли хил меҳнатларни бажариш қобилиятини шакллантириш ва камол топтиришни, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашни ўзларининг оталик бурчлари деб билганлар. Улар болалар онгига: "Сени иш енгмасин, сен ишни енг", "Ёшликда ўрганган ҳунар ўзингга ўлжага қолар", "Қунт билан ўрган ҳунар, ҳунардан ризқинг унар" каби мақолларни моҳиятини ўргатиш билан, касб-ҳунарга тайёрлаганлар.

Ўзбек халқи асрлар давомида деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик, ипакчилик, тикувчилик, темирчилик, мисгарчилик,

дурадгорлик, ўймакорлик, заргарлик, тўқимачилик касби билан шуҳрат қозониб келмоқда. Ушбу касб-кори билан бола тарбиясида ҳам алоҳида ўрин тутади.

Шу ўринда биз ўзбек мутафаккирлари, шоир ва адиблари, алломалар касб-ҳунарнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида айтган баъзи мулоҳазаларни келтирамиз.

Буюк философ-педогог **Абу Наср Форобий (873-950)** инсоннинг касб-ҳунар ва санъатдаги фазилатига боҳо бериб, бу фазилат "туғма" эмасдир, акс ҳолда инсоннинг фикрий фазилатида "мутлоқо куч ва улуғлик бўлмас эди", дейди. "Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшолар подшоликни ўз иродалари ёрдамида қўлга, киритмас эдилар, яъни ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас балки подшолик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди", деб ёзган.

Агар инсонда гўзал фазилатлар бирлашса, уйғунлашса шундан сўнг у ўзидагидек фазилат ва иродани халқлар, шаҳар аҳлларида ҳосил қилиш йўлини ўрганиши керак. Лекин халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русм, касб-ҳунар, одат ва ирода ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади.

Бу икки йўл билан яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назорий билимларни бирлаштириш, тарбияга эса, шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир" деган эди. Таълим-тарбия қилиш орқали ёшларда шу миллатнинг амалий малакалари, иш-ҳаракатлари, касб-ҳунарлари ўргатилади ва ўрганилади.

Форобий касб-ҳунар ва унга доир аҳлоқий фазилатлар муайян ҳаракатларни такрорлаш, машқ қилиш йўли билан пайдо бўлиши уқтиради. У "Аҳлоқий фазилатлар аҳлоқий ҳаракатларни, ишларнинг бир неча марта такрорланишида ва узоқ давом этиши жараёнида вужудга келади ва мустаҳкамланади. Агар қилинаётган иш хайрли бўлса, унда фазилат келиб чиқади, агар

ёмон бўлса, унда разиллик келиб чиқади", дейди.

Шунинг учун ҳам Форобийнинг фикрича "...кимки энг гўзал ва фойдали нарсани кашф этиш фазилатига эга бўлса, кашф этган нарсани чиндан ҳам ўзининг истагича ва бошқа бировнинг истагича мувофиқ бўлса ёки уни бошқаларнинг хоҳишига мувофиқ деб гумон қилинса, кашф ёки ижод этилган нарса (ҳунар маҳсулоти) ҳақиқатдан хайрли ва фойдалидир"[2].

Форобий касб-ҳунар аҳлининг аҳлоқий фазилатлари тўғрисида мулоҳоза юритар экан,"...касб-ҳунарни эгаллаш ва камолотга ўз ихтиёрича ҳавас билан интилган кишилар ҳақиқий фазилат эгалари ва ҳақиқий санъат аҳилларидир... улар амалий иш билан шуғулланувчи, касб-ҳунарга берилган кишилардир" дейди.

Форобий инсон фақат ўзининг эҳтиёжи бўлган касбни эгаллаши ва ўзи қизиққан иш билан шуғулланиши зарурлигини, одам барча ҳунарларни бирданигина эгаллаш имкониятига эга эмаслигини кўрсатиб: "Ҳар бир кишига биркитилган ишни кечиктирмасдан ўз вақтида бажарсин" дейди. Бу ўринда педагог Форобий ҳар бир киши ўзи ёқтирган касбни эгаллашдан олдн ўзини шу касбга лаёқатлигини англаши, кейин ўзига топширилган ишга нисбатан юксак маъсулиятни ҳис этиши ва ўз касб-ҳунарини мукаммал билмоғи, ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи керак деб таъкидлайди.

Ўрта асрнинг буюк педагог олими Форобий ворисларига мурожаат қилиб: "Ҳар кимки илм-ҳикмати, касб-ҳунарни ўрганаман деса, уни ёшликдан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, ...илм-ҳунарли ва доно кишиларни (устозларни) ҳурмат қилсин, илмдан мол-дунёсини аямасин..." дейди.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам мамлакатнинг ободончилигини, кишиларнинг бахт-саодати ва камолотини ҳалол меҳнат қилишда ва касб-ҳунар ўрганишда деб билган. Олим

---

[2] Абу Наср Форобий. Рисолалар. Тошкент. Ўқитувчи " 1975, 99 бет. 2 ва 3 цитаталар ҳам ўша рисолалар"дан олинди.

касб-ҳунар ихтироларига, турли асбобларни ясашга бағишлаб 9 та асар ёзган. "Астролябия тайёрлашнинг турли методлари", "Астрономик асбоблар ва улардан фойдаланиш", "Астролябияларни текшириш усуллари" шулар жумласидандир.

Берунийнинг "Геодезия", "Минерология" каби асарларида ҳам ўзи яшаб турган даврдаги ишлаб чиқариш ва маданиятнинг ривожи ва касб-ҳунарга оид қимматли маълумотлар берилган. Масалан, "Минералогия" асарининг "Темир ҳақида"ги бобида темирни ишлаш усуллари - темур асбоб-ускуналар турли, пўлат ишлаб чиқариш технологияси тўғрисидаги маълумотлар ҳозирги кунда ҳам қимматлидир. Моддаларнинг солиштирма оғирликларини анча мукаммал ҳатто бизнинг кунимиздаги ҳисобларга тенг ҳолда аниқлаган тарози ўлчовлари, махсус хилма-хил қолиплар ясаш методларига оид билимлар ниҳоятда қизиқарли илм бўлиб турипти.

Олим ушбу асарида бир неча ҳунарлар ва ҳунармадлар ҳақида ҳикоялар келтиради. Жумладан, у ёзган: "Марваритнинг боҳосини ким яхши билса, у киши уни тешиш ва силлиқлаш, сайқал бериш ишлари билан ўзи шуғулланмай, баҳосини билмайдиган шогирдларига топширади. Бунда шогирдларнинг қўллари қалтирамайди, қўрқмай ишлайдилар. Агар бу ишда ҳавфсираш, қўрқиш билан бажариладиган бўлса, марваридлар синиб, парчаланиб исроф бўлиши мумкин. Баъзан уста шогирдларига шапалоқ - тарсаки тушириб туради, сабаб уларни ҳавфсираш ўйларидан холос этиб туришдир. Марварид тешилиб, сайқал берилиб бўлингандан сўнг ҳар қандай ҳавф йўқолади".

Маълумки марваридлардан безаклар зеби-маржонлар, сирғалар турли тақинчоқлар тайёрлашган. Бунинг учун уни тешиш, силлиқлаш, тарашлаш ишлари бажарилган. Бу иш жамоа ҳолда кетма-кет бажариш усулида ишланган. Бунда эркакларга нисбатан аёллар кўпроқ ишлаганлар. Улар уста ва шогирдлик мактаби йўлида меҳнат қилганлар.

Берунийнинг деҳқонлар, чорвадорлар, ҳунармандлар, темирчи, заргар, бўёқчи, пардозловчи, муқовачи, китобсозлик, хаттот, сув остига шўнғувчи (вадалазлар), ойна ясовчилар ва

ҳоказо-ҳунармандлар ҳақида билдирган фикрлари бугун ҳам касб фаолиятнинг мазмуний ўлчамлари, мезонлари, касбий фаолиятда ўзлаштириши шарт бўлган билимлар мазмуни, касбий мезон масалаларни аниқлашда қўл келади.

Беруний меҳнат ва касб-ҳунар кишилар (ёшлар) томонидан эркин, яъни ихтиёрий равишда, қобилиятига қараб танланиши зарурлигини таъкидлайди: "Бировни зўрлик билан ва ёллаб ишлатиш доимий бўлмайди, тўғри ҳам келавермайди". Олим бу фикри билан мажбурий меҳнат, мажбуран олинган касб-ҳунар самарасиз ва беқарор яъни кишини фаолиятини самарасиз қилади, бахт-саодатдан узоқлаштиради. Ҳалол меҳнат ва тўғри танланган касб-кор эса кишини ақл заковатини, қобилиятини, қудратини оширади, бахт-саодатга эришгиради. Бу билан у киши меҳнатини ва касб-ҳунарини ғоятда қадрлайди.

Агар инсон меҳнатсиз ва касб-ҳунарсиз бўлиб, ота-бобо касби билан мақтанмоқчи бўлса, уни ўзи ўлик бўлиб, ота-бобоси тириклигидан нишонадир, деган кўрсатмасида касб-ҳунарни юқори даражада улуғлайди.

Абу Али ибн Сино (980-1037) "Одам ижтимоий жондир" деган фикрни олға сурди. Шунинг учун ҳам олим фикрича, одамнинг яшаши учун энг зарур нарса фойдали меҳнат ва улуғловчи касб-ҳунар эканлигини таъкидлади. Ибн Сино ўзининг "Китоб уш-Шифо" асарида давлат тузуми кўринишини чизиб, унинг фикрича, бу давлатнинг ҳар бир аъзоси жамият учун фойда келтирувчи меҳнат ва бирор бир ҳунар билан пухта шуғулланиши керак. Одамни шундагина одам дейиш мумкин, дейди у. "Бировлар ҳалол меҳнат ва касб-ҳунар билан жамиятга фойда келтирса, бошқалар текинга яшаса бу адолатсизлик" деб таъкидлайди.

Олим "Тадбири манзил" асарининг "Афсофий баҳтарин занҳо" бўлимида барча жамият аъзолари ишлаб чиқариш меҳнати билан, касб-ҳунарни улуғлаб машғул бўлиши зарур. Чунки ҳалол меҳнат ва касб-ҳунар безаги кишининг аҳлоқи ва руҳига яхши таъсир этади, деган фикрларни баён этади. Демак, аллома

фикрича ва бизнингча ҳам меҳнатсиз, касб ҳунарсиз ҳаёт кишини жисмоний ва руҳий томондан зайиф қилади.

Абу Али ибн Сино фикрича, болага ёшлигидан маълум бир лаёқатли касб-ҳунар ўргатилиши керак. Бола уни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг болани мустақил ҳаёт кечиришга ўргатилади.

Бола ўз касб-ҳунари туфайли мустақил турмуш кечириб, унинг дастлабки манфаатини кўргандан кейин, ўз касб-ҳунарига янада маҳкам боғланиб, унга нисбатан муҳаббати ортади ва ҳунарни такомиллаштиришга интилади.

Яшаш такомили ўз зиммасига юклатилгандан кейин ўз касб-ҳунарига одат ҳосил қилади, деб ёзган эди аллома.

Демак, Абу Али ибн Сино таълимига кўра, илм-маърифат ва касб-ҳунар эгаллаган киши ҳаётда ҳар қандай қийинчиликни мустақил дадиллик билан енгади ва у ҳунари туфайли ҳечам хор бўлмайди. Шунинг учун ҳам "Ёшларга илм бериб бориш билан, деган эди ибн Сино, - яна уларга ҳунар ўргатмоқ муҳим, маъсулиятли ишдир. Ҳунар ўрганиш билан бирга Ёшлар ҳар қандай ножия ҳатти-ҳаракатлардан ҳоли бўладилар". Унинг хулосасида:

Олтин олмагину ўргангин ҳунар
Ҳунарнинг олдида хасдир олтин-зар[3].

X асрда, Марказий Осиё халқларининг ифтихори, севимли шоири **Абулқосим Фирдавсий (934-1020)** 60 минг байтни ўз ичига олган "Шоҳнома" асарида меҳнат ақлига меҳр-муҳаббат билан қараган ва касб-ҳунарни эгаллаш масаласига бағишланган кўплаб мисраларни ўқиймиз.

Бир гавҳар киритди қўлга у бошдан
Илм-ла айирди темирни тошдан.
Ривожнинг мояси бўлди бирма-бир,
Карс тошдан чиққан ярқирар темир

[3] С.Раҳимов. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. Тошкент "Ўқитувчи" 1967, 95-бет

Темирчиликни шоҳ айлабон теша,
Ясаб берди болта, арра ва теша.
Сўнг чўлга дарёлар сувин чиқарди,
Ариқ қазиб чўллар чувин чиқарди.[4]

Шоир "Ақлдан, ҳунардан қирқ бўлинар қил", - дея касб-ҳунар аҳлининг ажойиб ҳислатларини шундай ифодалайди:

Ҳунарда тинимсиз, ишчан, донишманд,
Тоза руҳи доим фикру ўйга банд.

Фирдавсийнинг фикрича, касб-ҳунар аҳли учун худбинлик ва ўзига бино қўйиш ёт нарсадир. Шу боисдан у кишиларга қараб:

Ҳунарингга бўлма кўп мағрур,
Оёғингда мустаҳкамроқ тур,- деб насиҳат қилади.

Шу даврда яшаган **Насир Хусрав (1004-1088)** ижодида ҳам дунёда энг олийжаноб ва олийҳиммат кишилар, ҳунармандлар ва деҳқонлар, косиблар ва бинокорлар, ва бошқалардир.

Косибдин шоду хуррам йўқ жаҳонда,
Ҳунардин яхши дур ҳам йўқ жаҳонда.
Бутун кун ризқининг боғбони бўлғай,
Кечин ўз уйининг меҳмони бўлғай...
Арзир унинг бўлса боши осмонда,
Усиз яшай олмас шоҳ ҳам жаҳонда[5]

Шоир деҳқонлар ҳақида, дейди:

Косибдин ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ,
Қушу жондарға этмиш ризқ тортиқ...
Жаҳоннинг шодлигин боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор, боғу бўстон.
Бу ишдин яхши оламда не бордир,
Одам наслига бу иш ёдгордир.

---

[4] А.Фирдавсий. Шоҳнома. Тошкент.1984, 19-20 бетлар.
[5] Ш.Шомуҳамедов. Гуманизм-абадийлик ялови. Тошкент,1974, 90-бет

Муслиҳиддин Саъдий Шерозий (1184-1292) доно мураббий, шоир ва улуғ руҳшунос. У ўзининг асарларида кишиларни меҳнат қилиб, касб-ҳунарни мукаммал ўзлаштиришга чиқаради.

Ақлли кишилар ҳунар ортирар,
Қорингга қул эрса, ҳунарсиз қолар.
Емак, ухламак - ваҳший ҳайвон иши,
Шу одамни қўллар ақлсиз киши.
Бўлур бахтиёр, кимки хилват аро,
Билимдон олур ҳиссасин доимо.

Шоир Саъдий илм-ҳунарни ҳамма нарсадан юқори қўяр экан, "Гулистон" асарининг "Тарбия таъсири" бобида қўйидаги ҳикоя келтиради.

Бир донишманд ўз ўғилларига шундай насиҳат қилар эди: "Болажонларим, ҳунар ўрганинг, чунки дунёнинг мулку давлатига ишониш ярамайди, олтин-кумуш ҳам бу сафар диёрида хавфу хатардир. Ё ўғри бирдан олиб кетади ё эгаси оз-оз хашлаб тагига етади. Аммо ҳунар қайнар булоқ ва битмас давлатдир. Агар ҳунарманд киши давлатидан ажраса на ғаму на офатдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. У қаерга борса, қадрини топади, мансабга миниб бахти чопади, беҳунар доимо қаттиқчилик кўради ва сарқит теради."

Шоир илму ҳунарга жуда юқори боҳо беради. Илму ҳунарни ўрганиш йўлида ҳар қанча қийинчиликлардан чўчимаслик, сабр-бардош билан ҳунарни ўрганишни таъкидлайди.

Бўлса бир ҳунаринг, ҳамда юз айбинг...
Дўст наздида ҳунар ёпар юз айбинг.
Ўтай яхши ном бирла десанг агар,
Сен ўғлингга ўргатгин илму-ҳунар.

Шоир ва руҳшунос, педогог Саъдийнинг "Ҳунарга эга бўлган донишманд киши учун ҳаётда икки умр керак, токим бирида тажриба ҳосил қилсин, иккинчисидан шу тажриба асосида иш кўрсин" деган фалсафий бой фикрлари ҳозир ҳам ўз ахамиятини йўқотган эмас.

Абдурахмон Жомий (1414-1492) ўз асарларида инсонни бош мавзу қилиб олар экан, меҳнатни ва ҳунарни ҳаёт роҳати деб талқин этади. У касб-ҳунар ва илм ўрганишга ёшликдан киришиб, ёшлик куч ғайратини ана шунга сарф этиш кераклигини уқтиради.

Ўз-ўзидан равшанки Жомий ўша даврда билим ва касб-ҳунар эгалламай, ўзининг насл-насаби билан мақтаниб юрган, ота-онасининг молу-давлатига ишониб таралла-бедод қилиб юрган ёшларни (бундай кишилар бизнинг давримизда ҳам йўқ эмас Э.Т.) танқид қилади. Улар ҳосил бермайдиган дарахт каби, одамларга, жамиятга нафи тегмайди, дейди.

Қайси фарзанд фазлу ҳунарсиз бўлиб,
Отадан лоф урса, одамдан йироқ.
Мевали дарахтнинг мевсиз шохи,
Ўтиндан бошқага ярамас мутлоқ[6]

Шунинг учун ҳам Жомий ўғли Зиёвуддин Юсуфнинг билимли ва касб-ҳунарли бўлишга даъват этиб, ўзининг "Фарзандимга" деган шеърида ёзган:

Белингда қуватинг бор, айла ғайрат,
Ҳали ёшлик замонинг, катта давлат.
Билиб иш қилки бўлсин фойда ғоят,
Ёғилсин охири бошингга раҳмат.
Адам бандида қолма, қолма ҳарчанд,
Чиқиб бўлғил ҳунар илмига фарзанд.

Нодонлардек отангнинг кимлигини пеш қилма,
Ўзингга сен ҳунардан ўзгани ота билма.
Тутун гарчи оташнинг фарзанди бўлса ҳам, бас,
Не фойдаки тутунга, оташ зиёни юқмас!

Жомий XXI аср ёшларига ҳам мурожаат қилгандек:

---

[6] А. Жомий. Асарлар. Тошкент,1971, 138-бет

Одамнинг қиймати эмас симу зар

Одамнинг қиймати билим ва ҳунар, - деб кишиларни касб-ҳунар эгаллашга чақирган.

Абдураҳмон Жомийнинг дўсти **Алишер Навоий** ақл идрок, тафаккур касб ва ҳунар мадҳини "Ҳайрат ул-аброр" асарида қуйидагича тавсиф этади.

"Шундай қилиш керакки, бундай одам бормаган, тариқат йўлини ривожлантирмаган водий қолмасин.

Камолот касб этмагунга қадар бундай одам ҳамма ҳолатларни кўриб, уни эгаллайди, шундан сўнггина у "одам қубри" лақабига сазавор бўлади".

Шу достоннинг ўн биринчи мақолати илм ҳақида бўлиб, илм йўлининг олис ва машаққатли экани, аммо унинг шараф ва обрўга лойиқлиги таъкидланади.

"Лайли ва Мажмун" достонида ҳам илм-ҳунар, билим ва билимдонлик мавзуси алоҳида ёзилган. Мажнун 4-5 ёш орасида мактабга берилади, муаллим:

Топилди ҳунарвар устоде,
Одам ичида малак ниҳиде.

У ниҳоятда зеҳнли, қобилиятли бола эди:

Таълимига белин чуст қилди,
Не ул деди, бу дуруст қилди,
Ҳар неча сабоқ дебон фузунроқ,
Ҳамдамлари бу ҳолатидин,
Ожиз эдилар ҳижолатидин,
Кун бор эди ким, беш ўн сабоқни
Англаб, эвурур эди варақни
Оз вақтда айлади замона
Они бори илм аро ягона.

Илм - касб-ҳунар тасвири "Садди Искандарий"да бошдан охиригача қаҳрамоннинг илм, касби тавсифланади. Навоий Искандарни олимлар муҳитида чизади. Унинг атрофида Арасту, Платон, Сукрот ва бошқа олимлар сингари "бирликдан ҳар бири

бир жаҳон олимлар бор эди", - деб ёзади.

Новаийнинг "Арбаъин" ("Ҳадислар") асарида ҳам ҳалол меҳнат ва ҳунар ҳамда пешона тер билан топилган бир бурда нон улуғланади. Ўз касб-ҳунари билан мутазам шуғулланиш, иш унумини ошириб, иш сифатини такомиллаштириб, баракотлар келтириши ҳақида фикр билдиради.

Субҳ уйқусин улки айлар тарк,
Ризқу рўзин ўзига тўш Кўргай.
Улки ғафлатдин этди навми сабуҳ,
Бу шарафни маъарки туш кўргай.

Демак, саҳар чоғи уйқуни тарк қилган киши ўз ризқу рўзини кўлга киритади, аксинча саҳар чоғи ғафлат уйқусида бўлганлар бундай шарафни яъни ўз ризқу рўзига эга бўлишни фақат тушларидагина кўрадилар.

Алишер Навоий ўз ҳаёти ва ижодида турли касб-ҳунар эгалари билан учрашган, уларнинг ҳунарларни улуғлаган. У қайси ҳунар, мавзу ҳақида ёзмасин, биринчи навбатда одам яъни Ҳазрати инсон ҳақида, унинг буюклиги тўғрисида сўзлаб, унга шараф ва обру-этибор келтирадиган фазилатлар, касблар ҳақида мулоҳазалар билдиради.

Мирза Абдулқодир Бедил (1644-1721) ўзининг "Ғазаллар" "Руборйлар", "Қасидалар", "Чор унсур", "Ирфон", "Нукот" каби асарларида халқпарварлик, инсон камолати йўли меҳнатсеварлик, ҳунармандчилик ва бошқаларни инсон учун қадр-қиммати ҳақида фикр билдиради.

У ҳунарсиз кишиларни, бирор меҳнат тури билан шуғулланмайдиган кишиларни қоралайди. Бедил, сув набобатга қанчалик зарур бўлса, ҳунар ҳам инсонга шу даражада зарур дейди. Меҳнат билан банд бўлмаган одам марваридсиз чиғаноқдек бефойдадир. "Намсизликдан илдизлар қурийди, гавҳарсиз садаф сафол бўлади",- дейди олим.

Бедилнинг фикрида. "... Бир бой бор эди. У бойлигини ҳар хил маиший кечалар, базмлар уюштиришга исроф қилар эди. Охирида у ҳеч бир нарсасиз қолди. Бой бирор касбни ҳам бил-

мас эди. Бой на темирчиликни, на тўқимачиликни, на наввойчиликни биларди. Натижада, бой уй-жойсиз, аёқ яланг тиланчига айланди, хор бўлди"[7]. Бу ҳикмат воситасида Бедил ҳукмрон доирадаги кишиларнинг ақлига таъсир қилиб, ҳолол меҳнатни улуғлаб, уларни ҳам касб-ҳунар билан, деҳқончилик ёки ҳунармандчилик билан шуғулланиши давлатни бойитиб, мустаҳкамлайди деган ҳукмни уқтирган.

Демак, шоир Бедил ҳар бир инсон ҳаракат қилиб деҳқончилик ёки ҳунармандчилик каби, математика ёки каллиграфия санъати билан шуғуллансин, дейди. У ёшларни санъаткор, котиб, ёки ақли ўткир шоир, ё нозик рассом, ё ажойиб наққош, зўр олим бўлишини истайди.

Бедил "Ирфон" асарида деҳқончилик ва деҳқонлар, ҳунармандчилик ва ҳунармандларнинг келиб чиқишларини, жамиятда одамлар табақалланишини таҳлил қилади. У инсондаги муҳтожлик, эҳтиёж, қизиқиш ва билим ўз қийинчиликларига қарамай, ўзи учун неъматлар яратув ҳаракатлари туфайли табақалашув вужудга келди, улар у ёки бу соҳа билан шуғулланишига мажбур бўлдилар, дейди.

Ҳожа Самандар Термизий (XVII аср) "Дастур ал-мулк" асарида меҳнат ва касб-ҳунарда ақлни "тарбиялашни тарғиб этиб, аввало, уларни тажрибакор, ақлу фаросатли ва мардумарйон бўлишга, ҳунарни ардоқлаш, ўз элининг маъмурчилиги йўлида жонидан кечиб бўлсада... муроду мақсад сари қўрқмай ҳаракат қилишга чақиради. "Азизим, дейди Термизий, - ҳунар ақлининг тарбиясига саъйи ҳаракат қил. Ҳунарсиз кишиларга отасининг хизматлари туфайли эътибор қилма. Одамларни отасининг хизмати туфайли эмас, ўзларида бўлган қобилият (ҳунари) туфайли таниб, тарбиялаш лозим.

Истеъдод (касб-ҳунар) эгалларининг тарбияси шундай бир қимёдирки, қора тупроқни тоза олтинга, ноқас тошни эса айбсиз гавҳарга айлантиради. Чунончи айтадилар:

---

[7] И.Мўминов. Танланган асарлар, I-жилд, Тошкент. "фан" 1969, 105-бет.

Тарбиатда тупроқ гавҳар бўлади,
Ноф ичра кон мушки анвар бўлади.
Қимматсиз қора бир темирни иксир
Тарбия айлагач соф зар бўлади.

Азизим, ҳунар билан буюкликка эришилади. Буюкликнинг сабаби яна ақл ва адабдир. Кимки соф ақл ва комил фаросатга эга бўлса, пастлик даражасидан улуғлик мартабасига эриша олади.

Инсоннинг шарофи ақлдан маҳкам
Ундан обрў топар ҳар қандай одам.

Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) Мунис "Ул-ушшоқ" девонига кирган асарларида меҳнат аҳлига қайғуриб, касбкор инсонларнинг орзу-армонлари ҳақида сўзлаб, уларнинг бошига тушган кулфатдан холос этишга ошиқади.

Ҳақиқатдан ҳам Мунис яшаган замонда инсоний фазилатлар яъни меҳнат аҳлининг касб-ҳунари, илми, ахлоқи, ҳалол меҳнат қилмай кун кўрувчи жаҳил, нодон, пасткаш кишилар томонидан қадрланмас эди. Шоир бундай разилликларни қаралаб:

Не натижа берур адаб, ҳунаринг, назарга кирар
насаб гуҳаринг,
Баис эрур бу замонда бисотинг аро ўлса қаро
сийму заринг.

Бу даврон ичрадур баским ҳунар-айб,
Ҳунар аҳли киби йўл элда маъюб
Неча арзи ҳунар қилсам сўз ичра,
Тутарлар ул ҳунарга айб ила ном.

Нола булбуллар чекиб кўрмай ҳунардан нафълар,
Беҳунарликдин топиб тожи зумрад сожлар.
Баски даврон эрур ҳунар душман,
Кўрар фазлидин зиён шуларо.

Халқпарвар шоир косиблар, ҳунармандлар, деҳқонлар кучининг зўрлигини, бу кучни ҳеч қандай куч енга олмаслигини тўғри тасаввур этган.

Мунис, дейди: "Подшоҳлик неъматини топган киши айни замонда чўпонлик ҳунарини ҳам касб қилсин, у раитга тишини қайрайдиган бўлса, қўйга қурт ёпишгандай бўлади."[8]

Шоир - педагог ёшларга қараб: "Илм ҳунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати" "фасли шабоб" - ёшлик давридирким, илм ҳунар ўрганишда бу ғанимат даврни қўлдан бой бермаслик лозимлигини уқтиради.

Камол касбида Мунис шитоб қилки эрур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шабоб, -деб ёзади, ва ёш ўтгандан сўнг бундай ишларга берилиш беҳуда деб:

Изҳори ҳунар айлама ҳар сифлаға, аммо
Ёшурма матоингни харидор етушгач.

Ўзбек шоираси **Нодира (1792-142)** халқ манфаатларига оид, инсоннинг қадр-қиммати, улуғлигини шарафлайди. Ҳукмрон шахсларни адолат ва инсофга чақиради.

Муродингни ҳаётинг ичра ахтар
Ки мавҳум илм ичинда бўлма ахгар.
Машақатсиз ҳунардан чиқмагай дур,
Ҳаётсиз илм дурдин кўп эрур дур.

Ватани Марғулонни таърифлар экан шаҳарнинг ҳунарманд ва косибларининг ота-боболари ҳам шу ҳаёт зарурий касб билан ном таратган, дейди.

Марғилон, дейди шоира, она каби аройиш берувчидир, у, имкон борича нимаики кийдирса яралгани хушдир, - деб ҳунарманд тўқувчиларни улуғлайди.

Инсонпарвар шоир **Муҳаммад Эрниёзбек ўғли Огоҳий (1809-1874)** бойлик, одамни одам томонидан эзиш ҳукм сурган

[8] Абдуллаев В.А. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент. 1980, 233-бет

ўша жамиятда фозил кишилар, касб-ҳунар аҳли инсон сифатида кўрилмаган ҳар қандай ижтимоий тенгсизликни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрича мол-дунё ортиришга бўлган ҳирс, ҳар қандай инсоний фазилатларнинг ўрнини эгаллайди.

Олим ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи касб-ҳунар аҳлига хос ахлоқий фазилатлар - камтарлик, қаноат, сабр қилиш эканлигини уқтиради. Бойлик истаган ҳунарманд илм-маърифат ва касб-ҳунарни пухта эгаллаш орқали эришмоғи мумкин, деб билади.

Аҳмад Дониш (1827-1897) ўз ватандошларига дунёвий билимларни ва касб-ҳунар эгаллашни уқтиради. У "Наводир ул Вақос" асарида: "Биз, - деб ёзади олим, - дунёни гуллатиб, яшнатиб, денгизларни кезиб ўрганиш, ер ости бойликларини топиш учун, ернинг ҳамма қитаъларини ва аҳолисини билиш учун туғулганмиз"[9]

Ушбу асарида Аҳмад Дониш касб-ҳунарнинг муҳум аҳамиятига қарата фикр билдириб: "Киши ҳар хил илму-ҳунардан хабардор бўлиши шартдир. Айниқса, мусиқа илмида, чолғу ва ашула куйларидан баҳраманд бўлиши зарурдир.

Аҳмад Дониш ёшларни билим ва ҳунарни ўрганишга чақириш билан уларнинг эътиборини меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятига жалб этади. Демак у касбни эгаллаш зарурлиги ҳақида сўз юритганда жамият талабини, халқ манфаатини биринчи ўринга қўяди. Буни у ўз фарзандларига айтган: "Энди (ўғилларим), - дейди Дониш, - сизларга айтадиган менинг васиятим шуки, сизлар халқнинг ҳожатини чиқарадиган бир ҳунарнинг бошини ушланглар. Шу билан жамиятга, одамларга ёрдам қилган бўласизлар... Қайси бир ҳунар, қайси бир касбни қилмоқчи бўлсанглар, ундан кутилган мақсад халқ учун фойда етказиш бўлсин. Илм ўқиб, ҳунар орттиришда ватандошларнинг ҳожатини чиқаришни ният қилинглар..."

---

[9] А.Дониш. Наводир ул Вақос. Тошкент, 1964, 85-бет (бундан кейин парчалар ҳам ўша китобдан олинади).

Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунардан барака топа олмайди, деб ёзган.

Аҳмад Дониш касб танлашда унинг одамларга, жамиятга фойда келтиришга эътибор бериш зарурлиги қайта-қайта уқтиради.

Олим ўқитувчи касбига нисбатан жиддий талаб қўяди. У гўзал аҳлоқлик ва чуқур билимдонликни ўқитувчининг касбшунослик мезони деб билади. Аҳмад Дониш ҳарбий ва ҳунармандчилик, деҳқончилик касбларини - дунёни гуллатиб-яшнатадиган ҳунарлар деб билади.

Унинг ўзи ҳаттотлик санъатини мустақил ўрганганини шундай баён этади: "Бу санъатнинг шавқи кўнглимга тушди... ҳар ҳунарни ўрганиш керак деб, бунинг аҳллари билан аралашиб, уларга хушомадлар қилиб юриб, бир йил ичида бу санъатнинг бу ёғидан кириб - у ёғидан чиқиб камолига етказдим".

Аҳмад Донишнинг таъбирига кўра, ҳар бир мусулмон турли касбларни билиши фарздир. Шундан сўнг тирикчилик учун бирор касб-ҳунар ўрганиши лозим. Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан, ундай илм ва ҳунар ўз эгасини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қўллаб-қувватлайди. Агар илм ва ҳунар руҳга тарбия бермай танни семиртириб, орзу-ҳавасини кўпайтириб, нафси шайтонга ёрдам берадиган бўлса, ундай илм ва ҳунарлар эгасининг одати, ҳудонинг лаънатидир.

Унинг фикрича, ҳар бир одам бахтли бўлишни истайди. Аммо бахтни ҳам ҳар бир одам турлича тушунади.

Табиийки, дунёда заҳматсиз роҳатга, ташвишсиз неъматга, ҳалол меҳнатсиз бахтга эришиш мумкин эмас. Чунки ҳаётнинг ўзига яраша, ўзига хос сирлари бор. Одамлар уни тезда пайқаб ололмайдилар. Фақат бу сирни меҳнат ва касб-ҳунари, инсоншунослик билан англаб олишлари мумкин.

Зокиржон Холмуҳаммад Фурқат (1858-1909) яшаб ижод этган, демократ шоир бўлиб етишди. Унинг дунёқараши эркинлик, инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари билан меҳнат аҳлининг энг яқин дўсти ва ҳимоячиси бўлиб қолади.

Фурқат илм-фан тўғрисида фикр билдириб, уни ривожланиши, оламнинг обод бўлиши ҳамда ўқимишли, маълумотли кишиларнинг хулқ-атворида хушмуомалаликда ибрат бўлишлари лозимлигини айтади. У одамни фан ва ихтироларнинг яратувчиси, ижодкори деб ҳисоблайди. У ўқитувчи касби ҳақида сўзлаб, ўқтувчи Афлотун (Платон, Аристотел) каби олим бўлиши, бутун билимлари мукаммал бўлиши керак. Чунончи:

Мударислар ягона илму фанда
Этар мансух Афлотун(инг) номи, - деб муаллим етуклиги ва маҳоратини назарда тутади.

Фурқат кишиларни ўқимишли бўлиш билан бирга, ҳунарли бўлишга ҳам алоҳида эътибор беради. Унинг кўп шеърлари, жумладан куйидаги сатрларида ҳунарнинг қадр-қимматини, ҳунарли кишининг жамиятга этиборли бўлишини очиқ айтади.

Ҳар ким васфи бўлса ҳар забонда,
Қилурлар кўп қадрлар пайдо жаҳонда.
Ҳунарварға етар кўп наф андин,
Бўлур сўнгра мақоми раф андин.

У ёшларни илм-фанни, ҳунарни эгаллашга, "Илму-фандан боҳабар" ва шу билан бирга "Соҳибҳунар" кишилардан ўрнак олишга чақиради. Бу Соҳибҳунарлар ва "тариқа илму фандан боҳабарлар". 1890 йилда Тошкентда ташкил этилган саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмасига қўйилган нарсалари билан эл ичидв машҳур бўлдилар, дейди.

Эл ичра ўзларин манзур қилди,
Баҳор ҳоли ҳунар машҳур қилди, - деб таъкидлайди.

Мутафаккир илм ва ҳунарга интилишнинг нодир фазилат

эканлигини, бундай фазилатнинг донишмандларига, илм-фандан хабардор бўлган ёшларга хослигини ёзиб маъқуллаган.

Кими ким бўлса донишманд оқил,
Улар илм ва ҳунарга кўнгли мойил.

Мавзуга оид муаммоли саволлар:

1. Касб нима учун керак?
2. Касби борнинг бахти бор, дегани нимани англатади?
3. Касблар тарихи бизга нима беради?
4. Касб ҳақида, ҳунар ҳақида сизнинг мустақил фикрларингиз.
5. Сизнинг-ча қайси касб билан киши машҳур бўлиши мумкин?

3. МАКТАБ ВА ЎҚИТУВЧИЛИК ТАРИХИДАН

Режа:

1. Мактаб, мударрис тарихий зарурият.
2. Касбий таълим-тарбия, мутахассислик, эҳтиёждир.

Фан-илмий (назарий ва амалий) билимлар инсонларнинг дунёга нигоҳ билан қараши, ўрганиш ва билишга доир эҳтиёжлари асосида пайдо бўлганидек мактаб, таълим ва тарбия ҳам кишилар эҳтиёжини қондириш сифатида дастлаб (қулдорлик жамоасидаёқ) вужудга келди.

Қадимги Ғарб давлатларида, шу жумладан, Греция (Афина ва Спарта), Италия (Рим), Англия (Лондон) ва бошқа жойларда қулдорлик жамияти ривожланиб аҳолининг табақаланишига олиб келди. Халқнинг иқтисодий ўсиши ва насл насабига кўра гуруҳларга (имтиёзли ва имтиёзсиз синфларга) бўлиниши мактабларга ҳам таъсир ўтказди. Натижада уларда қуйидаги таълим тизими вужудга келди.

Жадвал 1

Аҳоли табақалари	Мактаби	Таълим мазмуни
1. Эркин жамоа аъзолари	Пулли, хусусий бошланғич мактаб	Ўқиш, ёзиш, ҳисоб илмини ўргатиш
2. Бой аслзодалар	Уй мактаблари	Лотин, грек, рим, араб, форс тилларини ўқитиш
3. Имтиёзли кишилар	Грамматика мактаби	Нотиқликка ўргатиш, адабиёт, тарих ва бошқалар.
4. Аслзодалар	Риторика, гимнастика, палестра, мусиқа, фалсафа	Риторика, фалсафа, ҳуқуқшунослик, математика, мусиқа ўргатилади.

Қадимги Шарқда, жумладан Турон - Мовароуннаҳр худудида энг қадимги даврларда қулдорчиликда жамият аъзолари:

1. Руҳонийлар, ҳарбийлар ва бой деҳқонлар;
2. Жамоачи деҳқонлар;
3. Савдогарлар;
4. Ҳунармандлар, қулларга бўлинган ҳолда шаклланган эди.

Ана шу табақалар ўз ворисларини мустақил ҳаётга, жамиятга тайёрлаш мақсадида мактаб таълим тарбиясини вужудга келтирганлар. Энг қадимда скифлар воми билан аталган аждодларимиз Амударёнинг қуйи оқимида - Хоразмликлар, Мурғоб дарёси водийсида - Маргиёнликлар, Фарғона водийсида - Паркан-лар, Зарафшон дарёси ҳавзасида - Суғдийлар деган номлар билан дунёга машҳур бўлганлар. Уларда, ҳар қайсисига хос ва мос ёзув ва мактаби, фани ва маданияти юксак даражада ривож топган, шаҳар ҳаёти ўсган. Шунинг учун ҳам бу ҳудудга чет элликларнинг босқинчилиги тез-тез амалга оширилиб турилган.[10]

Эрамиздан аввал VI-V асрларда Эрон босқинчилари

---

[10] О.Ҳасанбоева, Педагогика тарихи. Дарслик. Тошкент. "Ўқитувчи", 1999. 13-бет.

ҳукмронлиги ўрнатилган. Халқларга Зардуштийлик дини таъсири кенг ёйилган. (Аслида Зардуштийлик, унинг муқаддас китоби "Авесто" нинг ватани Хоразм бўлгани бугун тарихда ўз исботини топди.) Кейинчалик Туронда грек-юнон халқлари истилочиси Александр Македонский ҳукмронлиги 2-3 аср давом этади.

Эрамизнинг V-VII асрларида Шимолий томонда яшаган Туркий халқлар юриши бошланиб, Турк ҳоқонлиги даври ўрнатилади.

VIII-IX асрларида эса араблар юриши "Араб ҳалифалиги" давлати тасарруфида бўлиш, XIII аср тўлиқ мўғуллар ҳукмронлиги даври ва ниҳоят 1884-1990 йилларда руслар мустамлакаси сифатидаги замонлар Мовароуннаҳр тарихининг қора чизғилари бўлган эди.

Шубҳасиз, бу хавф-хатарликлар ҳудудда мактаб, маориф, фан тараққиётига салбий таъсир этмай қолмаган. Ҳа! 3 минг йиллар аввал пайдо бўлган ёзувга, ўқиш, ўқитишга қадимги "Ипак йўли" маданиятининг тугунида (марказида) жойлашган халқимиз маънавиятига чет эллар босқинчилиги катта салбий таъсир етказган эди.

Шунга қарамасдан Турон заминида яшаган халқлар қадимда индивидуал яъни якка-якка (оилавий) таълим - "Савод ўргатув" мактаблари, кейинчалик, бой қулдорлар ўз ҳовлисида ёзув мактаби, жисмоний-гимнастик ва ҳарбий тайёргарлик, касб-ҳунар мактаблари очиб болаларга таълим-тарбия беришни амалга оширган. Қадимги мактаблар Дабиристон ёзув-ўқув жойи, "Куттаб", кейинчалик "Қуръон мактаби", "Масжид мактаби", "Мадраса таълими" каби номлар билан аталиб келинди. Олий илмий мактаб сифатида IX асрлардан бошлаб "Донолар уйлари" ёхуд "академиялар" фаолият кўрсатди. Мадрасалар ривожланиб уч босқичли, учинчи босқич олий маълумот берадиган мактабга айланади.

XX аср 30 йилларидан бошлаб руслар сиёсати туфайли бошланғич мактаб ҳунар билим мактаби, етти йиллик, ўн йиллик, XI йиллик номлар билан аста-секин илмий мактаблар фаолият

кўрсатиб келди. 1918 йилда биринчи олий мактаб, Тошкент миллий университети иш бошлган эди.

1991 йилдан буён эса Ўзбекистонимизда мактабгача таълим, ва бошланғич ва ўрта мактаб, ҳунар-касб таълими, олий ва олий мактабдан кейинги таълим тизими амалда, бўлиб ривожланувчи босқичга кирди.

Маълумки, мактаб тарихи бевосита ўқитувчи (муаллим, мударрис, педагог) фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Мактаб - ўқитувчилик ажралмасдир.[11]

Қараб чиққанимиздек, ўқиш, ўқитиш, ўргатиш ва машқлантириш - мактаб иши, инсон фаолиятининг бошқа соҳалари сингари ижтимоий фойдали меҳнат бўлиб келган. Бироқ буни натижаси, самараси дарҳол бевосита кўзга ташлана бормаса ҳам, ижтимоий тараққиёт учун зарурлиги қатъий ҳисобга олиниб улар фаолияти давом этиб келган ва давом этмоқда.

Педагогика фан тарихи мактаб, таълим усуллари ривожланишига қараб мактаб тарихини шартли равишда қуйидаги босқичларга ажратиб, ўргатмоқда.[12]

I босқич, мактаблар (узоқ давр давом этган)да муаллим "ўз қўл кучи" билан ўқитиш ёхуд ўқувчи учун ягона ахборот (билим бериш) манбаи бўлгани (қулдорлик ва феодализмнинг биринчи босқичларида);

II босқич, мактабларида ўқув китоблари, дарсликлар, ёрдамчи адабиётлар ва бошқа ўқув воситалари яратилган ва ўқитувчига ёрдам, ўқувчига билим манбаи бўлган босқич (феодализм ва капитализм замонида);

III босқич, аудиовизуал воситалар (оддий техник жиҳозлар, механик асбоблар, новаторлик қурилмалар, техник кўргазмалилик) қўлланилган босқич (капитал ва социалистик ишлаб чиқариш усулида);

IV босқич, ўқитишни бошқаришда оддий автоматик воси-

---

[11] Э. Турақулов; Ўзбекистоннинг илм-маърифат тарихидан, ўқув қўлланма, 1-қисм, Самарқанд. 1993 й, 3-16 бетлар.

[12] М.Очилов;Янги педагогик технологиялар (маърузалар матни), Қарши "Насаф" нашриёти, 2000 й, 17-19 бетлар.

ларни (радио, кино, магнитофон...) қўллаш босқичи;

V босқич, ўқитишни ҳозирги замонавий ЭҲМлар, компьютер, Интернет, электрон дарсликлар телевидение ва видео каби, оргтехника орқали бошқаришни автоматлаштириш босқичи (демократик, инсонпарвар давлат ривожида).

Ҳа! Хақиқатдан дастлаб мактаблар тарихида ўқув-билим манбаи ўқитувчи бўлиб у ўз билими, тажрибалари билан ёшларга таълим-тарбия бериш амалда бўлган. Бу босқични "Ўқитувчи гегемон" давр десак ҳам бўлади.

Кейинчалик дунёвий ва диний мазмундаги қулёзмалар, китоб ва рисолалар яъни "Авесто", "Қуръон", "Ҳадисдлар", "Қобуснома", "Калила ва Димна", "Кимеи саодат", "Рушнойинома", "Саодатнома", "Гулистон ва бўстон", "Юлдуз", "Қутадгу билиг", "Воқфия", "Махбуб ул қлуб", "Тузиклар" ва бошқалар яратилди, лекин ўқувчи уларни мазмунини ўқитувчи ёрдамида ўзлаштирди.

Бундай ҳолат IX-X асрларда "Фалсафани ўрганишдан, аввал нимани ўқиш керак?" (Форобий), "Юлдузлар ҳақида фан" – ат-Тафхим (Абу Райҳон Беруний), "Уй-жой юритиш қоидалари" (Абу Али Ибн Сино), "Ўқувчига таълим йўлида қўлланма" (Бурхонидлин Зарнуножжий), Гарбда XVII асргача Ян Амос Коменский "Буюк дидактика" асарларида ўқувчи таълим олиши учун дарслик зарурлигининг исботлагунча давом этди.

2-босқич - қоғоз ўқув китоби даври ҳали ниҳоясига етказилгани йўқ, дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш мукамалликка эришилмаган. Ёзув қуроли "тош", "терилар", "мато", "тахтачалар", "дарахт барги" ва ҳоказолар ҳам бўлганини биласиз. Лекин кўрсатилган 1, 2, 3 босқичларга хос таълим воситалари мактабларда жадал ишлатилган. Биргина Абу Райҳон Берунийнинг "Ат-тафхим"и ўша давр дарслик китобида 168 та кўргазмали қуроллар тасвири берилган, жумладан - ер тасвири - харита ва глобус, чизмалар, диаграммалар, схемалар, асбоб ва ўлчов қуроллари ва уларни тайёрлаш, ишлатиш йўллари ҳақидаги мисоллар фикримизнинг исботи бўлади. Бундай мисоллар Ибн Сино ҳамда Аҳмад Дониш асарларида ҳам кўплаб

келтирилган.

Бизга яна шу нарса маълумки, таълим тизимидаги бу босқичларнинг ҳар бирида таълим мазмуни, тамойиллари, методлари, воситалари такомиллаштириб борилган. Бунда, албатта ўқитувчи бош меъмор вазифасини бажариб келган. Шу туфайли яъни таълим-тарбия ишининг заҳматкаш устаси ўқитувчи туфайли унинг ижодкор меҳнати орқали мактаб ўқувчиси эришган самарадорлик, таълим бериш, таълим технологик харитасини ривожланиши юқори даражада ўсиб келган.

Эндиликда анъанавий бўлиб келган таълимдаги 3-4 босқичларни четлаб, 5-боқич "Оргтехника"ларга асосланиб ўқиш, ўқитиш - мактаб ишини жадал суратда амалга ошириш мумкин бўлмоқда. "Компьютер", "Электрон дарслик", "Интернет" ўқувчиларга анча бой ахборотлар, билимлар беришни ижобий баҳоланмоқда.

Аммо, таълим-тарбия иши, воситалари қанчалик юксалиб, тараққий этиб бормасин ўқитувчи шахси, тирик, кўзма-кўз мулоқотда бўлишда, педагог, муаллимнинг ўрнини ҳеч бир бошқа восита тўла бажара олмайди.

Ўқитувчи-педагог таълим-тарбия ишида ташкилотчи, раҳбар, мураббий бўлиб қолаверади.

Билимли, иқтидорли ўқувчини шаклланишида билимли, зукко, қобилиятли ўқитувчи доимо керак. Қолаверса, ўқитувчилик - инсоният жамияти тарихи бошланганидан то ҳозирги кунгача ҳамма вақт жамият ва жамоатчилик томонидан эътиборга лойиқ, эъзозлаб келинган касбдир.

Тарих фани берган маълумотларга таяниб касб-ҳунар тарихи - ҳунармандчиликнинг деҳқончилик ва чорвадорлик машғулотларидан мустақил ажралиб чиққандан бошлаб давом этиб келаётир деб билиш асосан тўғри. Ҳақиқатда биздан 4 минг йил аввал (тарихий археологик манбаларга асосан. -Э.Т.) аждодларимиз томонидан ясалган ҳунармандчилик нарса ва буюмлар, техника мустақил соҳа, меҳнат бўлган.

Моддий ва маънавий маданият тарихи қайд этган, кўплаб

техник жиҳозлар: белкурак, ранда, теша, болта, арра, ўқ, милтиқ, замбил кабилар ҳам, хозирги трактор, ариқ, қазгич, пахта териш машиналари, самолёт, снаряд ҳам, бугунги радио, телевизор, компьютер каби оргтехникалар олий ҳазрат инсон меҳнати ва ҳунари маҳсулидир.

"Ўрта Осиё тоғларидаги ва бошқа регионлардаги жуда кўп қадимги кон қазилмалари - илгариги тоғ конлари (ҳунармандчилиги) нинг излари геологларга маълумдир. Кимки Чотқол тоғидаги Косонсой дарё водийсига борган ва Шуроб кони яқинидаги Конитут ғорига кирган бўлса, қадимда қазилган Лашкарак, Курамадаги Конимансур, Олойдаги Ҳайдаркон, Лоҳкон, Берксув конларидаги ва Косонсой дарёсининг бутун тоғлик қисми бўйлаб бир замонлар ювиб битирилган (таркибида олтин бўлган) миллионлаб кубометр шағалларни қаттиқ, тоғ жинслари орқали ўтган ва портлатувчи моддалар ёрдамисиз электр нури ва ҳаттоки мустаҳкам пўлат поналарсиз ковланган қайта ишланиб олтин олинган, чуқур ва катта шахталарини қуриб инсон мадхига минг бор тасанно ўқийди, киши"[13].

Буюк олим Абу Райҳон Беруний "Қимматбаҳо тошларни билиб олиш" (шартли номи "Минералогия" Москва. 1963) китобида: "Олтин тошга мустаҳкам ёпишган бўлади, уни тошдан ажратиб олиш учун, аввал тошни майдалаш зарур, бунинг учун тегирмондан ёки махсус ишланган ўғирлардан фойдаланилади, - сўнг олтин симоб ёрдамида тўпланади. Симобни ажратиш мақсадида бир қатор технологик машғулотлар ўтказилгач, соф олтин қолади[14].

Маълумки, олтин 1000 градусдан ортиқ температурада (ҳароратда) эрийди. Шундай экан соф олтин олиш учун зарур асбоб ва мосламалар керак. Демак аждодларимиз бунга эришган. Биргина ана шу икки мисолнинг мазмунидан ҳам, аждодларимизни юксак даражада касб-ҳунарли бўлганини англаб олиш қийин эмас.

---

[13] Р.Мусин. Сўз мағзидан ер бағрига. Тошкент. "Фан", 1967, 7-8 бетлар.
[14] Абу Райҳон Беруний. Минералогия. Москва, 1963, 218-220 бетлар.

Шубҳасиз бу касб-ҳунар илми ва амалиёти юксаклигини ва шунга мувофиқ мактаблар ҳам бўлганини исботлайди. Қайд этиш керак-ки, у мактабларда илмий тафаккурнинг ўсиши, фанний маслакнинг алмашуви, фан-предметларининг алоқаси ва дифференциаланиши, маданий алоқалар... тизимининг аҳволи кабилар ўз даври таълим-тарбия тизими салоҳиятидан маълумотлар беради.

Буни шубҳасиз, Турон заминида бола беш ёшга етганда, унга ёзув ва ҳисоб, тил ва арифметика илми ўргатила бошланган, бола балоғатга етганда савдогарчилик, тижорат ишлари билан шуғулланиб, тижорат иши билан бирга узоқ шаҳар, давлатлар кезиб илм ва ҳунарларни ўрганиб, қайтиш одат тусига киргани оқибатларидан деб, тушунмоқ мумкин.

Кайковус мактаби мазмунида, одам дунёни билишдан мақсад, ундан фойдаланишдир. Илм ва ҳунар эгаси бўлишдир... хусусан тиббиёт, астрономия, математика, мусиқа, ҳунар илмларини ўрганган ҳар бир ёш соғлом ва баланд мартабали (яъни комил инсон - Э.Т.) шахс бўлиб ўсади, дейилади.[15]

Шуниси муҳимки, ўрта асрларга келиб ҳунармандчилик мактаблари учун қўлланма китоблар, касбга хос рисолалар, низом ва қоидалар тузилиб, якка шогирдлик ва гуруҳли мактаб тизимида фойдаланила бошланади.

Ўша рисолаларда қоида ва тартибларга кўра, касб-ҳунар ўрганиш учун келган ёш ўзини ҳалол, покиза тоза тутиб, мусулмончилик дуо ва ўқувларини яхши билиб олиши, ишлаб чиқарган маҳсулотини сифати ва баҳосини билиши, қаллобликка йўл қўймаслиги ва ҳоказолар уқтирилган. Баъзи рисолаларда шогирдларни ўқитиш, тарбиялаш мажбуриятлари, бурчи ва маъсулиятлари белгилаб қўйилган. Шогирд (ўқувчи) эса уста айтганларга, кўрсатганларига диққат, эътибор билан қараб, тинглаб, билиб олиши шарт деб белгиланган., "Яхши уста (ўқитувчи - Э.Т.) шундай киши-ки, шогирдларига касб сирларини яхши ўқита олган бўлади" дейилади касбга оид рисолада.

---

[15] Кайковус. Қобуснома.Тошкент. "Ўқитувчи", 1992 й.

Ўша давр мактабида ҳар бир ҳунарманд-шогирд рисолани ўзи билан бирга олиб юриши, унга тез-тез мурожаат қилиши зарур. Агар ўзинг ўқий олмасанг, бошқага бергин-у у сенга ўқиб берсин, деб маслаҳат берилади ҳунармандчиликка оид барча китобларда.

Масалан, ўрта аср Шарқ олими, жаҳонда иккинчи муаллим деб ном олган (биринчиси юнонлик Аристотель) Абу Наср Форобий, "Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар" рисоласида, "Инсонда маълум касб-ҳунар фазилати раислик қилади, ва мазкур (касб-ҳунар) шундай санъатки, уни юзага чиқариш учун мувофиқ тушадиган ҳамма ҳаракатни, демак, ҳамма санъатларда бўладиган усул ва ҳаракатларни қўлламасдан иложимиз йўқ. Демак, бу санъат - ҳунар-касб, инсондаги барча санъатларнинг бошлиғи",- деб тавсиф берган эди.

Маълумки, хунармандчилик таълими узоқ асрлар устоз ва шогирд тизимида индивидуал (якка-якка) ва кам ҳолларда гуруҳли тизимида олиб борилган. Шарқ уйғониш даври ҳунар мактаби ҳақида Абу Райҳон Берунийдан қуйидаги мисолни ўқиш мумкин. Олим ёзган эди: "Марвариднинг баҳосини ким яхши билса, у киши (уста) уни тешиш ва силиқлаш ишлари билан ўзи шуғулланмай, баҳосини билмайдиган, шогирдларига топширарди. Бунда шогирдларнинг қўллари калгирамайди, қўрқмай ишга киришадилар. Ҳар бир иш хавфсираш, қўрқиш билан бажариладиган бўлса, марваридлар синиб, парчаланиб исроф бўлиши мумкин. Баъзан уста (ҳунарманд мактабдор.-Э.Т.) шогирдларига панд-насиҳат, кўрсатмалар берар, ҳатто шаполоқ-тарсаки тушириб туради, сабаб шогирдларни хавсираш уйларидан холос этиб туришдир.

Марварид тешилиб, сайқал берилиб бўлингандан сўнг ҳар қандай хавф йўқолади"[16].

Бу мисолдан кўринадики, IX-X асрларда уста-шогирдлик мактаблари, хусусан, марваридан сирға, узук каби аёллар зеб-зийнат буюмлари ясаб, ишлаб чиқаришган; Шу асарнинг "Те-

[16] Абу Райҳон Беруний; Минералогия. М.: 1963, 11-бет.

мир хақидаги" мавзусида темир, унга ишлаш усуллари, пўлатни тайёрлаш, ундан қурол-аслоҳа ишлаб чиқиш хақида ёзганлари ўша замон ҳунармандчилик мактабининг салоҳиятини кўрсатади.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда ҳунар-касб ўқув ва ишлаб чиқариши анча ривож топади. Бу албатта буюк Амир Темурнинг жиддий ҳатти-ҳаракатлари билан боғлиқ. Шу ўринда С.Бородиннинг "Самарқанд осмонидаги юлдузлар" асарини "Бозор" бобидан мисоллар келтирсак, Самарқанд ҳунармандчилик мактаблари ва уларда ишлаб чиқариладиган моддий меҳнат маҳсулотлари янада диққатлидир. Ёзувчи ушбу романни тарихий далиллар, ҳужжатлар асосида ёзгани ҳам кўриниб туради.

"Самарқанд бозори қизиб ола-товур бошланди. Ғилдиракли чархпалакдек келадиган катта аравалар қатнаб турар. Самарқанд савдо расталардаги деҳқонлар ипакли моллар, мис асбоблар, сернақиш эгар-жабдуқлар, турмакланган катта-катта гиламлар, олтин билакузук, бўйин гардонлар, маҳаллий косиблар ишлаган... мол матоларга лиқ, тўла...

Ҳунарманд ва косиблар ишлайдган кўримсиз дўконларнинг эшиклари юқорига кўтарилиб қўйилган. Темирчиларнинг ҳам дўконлари очилган, бу ерда халфа (муаллим-ҳунарманд.-Э.Т.) шогирдлар қураларга кун бўйи мўлжаллаб ўт қўймоқда ва қизил оловни яллиғлантириб босқон урмоқда...

Бешикчилар ясаган турли асбоблар, ранг-баранг ва ажойиб. Сандиқчилар қаторида мис қадалиб безалган сандиқ қутилар устма-уст тахланиб ётади. Булар орасида - билакузук, маржон, упа-элик солинадиган нозик безакли қутучаларгача топилади...

Ҳар бир растада бир хил ўймакор эшиклар, мўйналар, турли матолар, идиш-товоқдар, кулолчилик асбоблари, бақалоқ мис қувғонлар, кўкимтир Самарқанд ойналари, қизил борқутлар, темирчилик ускуналари ва наққошлик буюмлари сотилади.

Устолар ўз асбобларини, аравасозлар пой тешаларини, наққошлар қизларнинг кипригидек нозик қил чўткаларини, гилдиракчлар қайроғочдан ясалган катта тўқмоқларини қўлга оладилар, заргарлар эса илоннинг тилидек ўткир пўлат асбобларни

қайрайдилар"[17].

Ўша давр тарихчи олими Хофизи Абрўнинг қуйидаги сўзлари ҳам диққатли: "Кимхоб тўқувчилар кўчма тўқиш дастгоҳини намойиш қилиб, шу ернинг ўзидаёқ газлама тўқиишар эди."[18]

Демак, XV асрлардаги тўқимачилик ҳунар, устахона-мактабларида "Олача", "парча", "духоба", "катин-газмол", "чит", "тулли сатин", "дока", "бурмет", "буз", "атлас", "харо", "кимхоб" каби номларда газламалар тўқиб, сотилган.

Келтирилган мисоллар XIV-XVI асрларда Марказий Осиёда касб-ҳунар ривожланиб, ҳунар мактаблар фаолияти жуда фаол бўлганидан далолатдир.

Шарқ ҳунармандчилик тарихи мактаблари тажрибасини умумлаштирадиган бўлсак қуйидаги мисол янада дил тортади.

Шарқда машҳур буюк наққош Маоний чизаётган нақшини ёки бирор тасвирни чизиш муҳим аҳамятига эга эканлиги ҳақида шогирдларига дейди: "Агар кимки расмдаги ҳар бир чизиққа жон бағишлаб олар экан, у санъат калитини эгаллаган бўлади". Бу сўзлар шогирдларни қанчалик илҳомлантириши энди сизга маълум.

Ҳунар-техника таълими жаҳон мамлакатларида муайян тизимига солинади. Дастлабки ҳунар-техника мактаблари Россияда XVIII асрда пайдо бўлган. Булар Урал, Тоғли ҳудудда конҳунармандчилик мактаби бўлган. 1888 йил "Саноат билим юртлари ҳақида" қоидалар қабул қилиниб ҳунар касб мактабларига эътибор оширилади. 1898 йилда Россияда ҳаммаси бўлиб 32 та ҳунар-техника мактаблари бўлиб, уларда 6 мингга яқин ўқувчи таълим олган.

Машҳур рус педагоги К.Д.Ушинский 1868 йилда "Санкт-Петербургские ведомости" газетасида саводхон, малакали мастер-устолар тайёрлайдиган мактаблар очиш зарурати ҳақида "Пойтахт шаҳарларда ҳунар мактабларини очиш" номли мақо-

---

[17] С.Бородин.Самарқанд осмонида юлдузлар. 1-китоб. Т.: 1957, 19-21 б.
[18] Самарқанд тарихи, I-жилд, 201-202 б.

ласини эълон қилади. Унда Россияга чет эллардан мутахассислар чақириш ҳаракатдан фақат ҳунар мактабларини кўпроқ, очиш орқали холис бўлиш мумкин деган ғояни олға суради, олим. Лекин бу қимматли таклиф тезда амалга ошмайди. Шунга қарамасдан темирчи, слесар, дурадгор, ғилдирак ишловчи каби кўплаб касбларга мўлжалланган ўқув юртлар, ҳунар курслари бирин-кетин пайдо бўла бошлайди.

Октябр тўнтаришидан сўнг янги ҳукумат 1919 йилда Россияда "саводсизликни тугатиш ҳақида", "Профессионал техника билим юртларини ёйишга доир тадбирлар ҳақида" қонунлар қабул қилди.

1920 йилнинг ўрталарида "Ҳунар-техника таълим тизимини ташкил этиш хақида" деган қонун асосида ҳунар-техника таълимга эътибор берилади.

1921 йилда собиқ иттифоқ давлатида 43 та фабрика, завод ўқув юрти (ФЗУ) мактаблари ташкил этилади. Шу йилларда 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган фуқароларни мажбурий равишда профессионал-техника ўқувига тортиш йўлга қўйилади. Москвада индустриал педагогика институти очилиб, ўқитувчи тайёрлана бошланади.

1933 йилда (Собиқ СССРда) ФЗУ мактабларини қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилиниб, унга асосан ҳунар мактабларга ўқувчилар қабул қилиш 15-18 ёшдан кам бўлмаслиги қайд этилади.

1940 йилдан бошлаб ҳунар мактаблар меҳнат резерви деган ном билан аталиб сон жиҳатдан ўсиб борди.

Собиқ СССРда август 1948 йилда "Ҳунар-техника билим юртларида ва давлат меҳнат резервлари мактабларида малакали ишчилар тайёрлаш сифатини яхшилаш" тўғрисида қарор қабул қилиниб, ҳунар мактаблар тараққиётига ижобий муносабат билдирилди.

1953 йилда қишлоқ хўжалигини механизациялаш билан боғлиқ масалалар давлатда қараб чиқилиб мактаб тизими билан бирлаштирилади.

1978 йилда собиқ, иттифоқда 1 миллион 625 минг ёш йигит

ва қизлар ҳунар-техника ўқув юртларини талабаси бўлган. Шу даврда бу мактаблар шаҳардагина эмас, қишлоқ марказларида ҳам очилади.

Жадвал 2

1921-29 йилларда собиқ СССРда ҳунар ўқув юртлар[19]

Йиллар	ФЗУ мактаби	Ҳунар-техника	Ўқув ишлаб чиқариш мактаби устахонаси
1921	43 та / 2000	1349 / 67055	304 / 9200
1925	443 / 38460	243 / 27382	138 / 3409
1929	532 / 68689	228 / 59000	613 / 15500

1941-58 йиллар мобайнида меҳнат резервлари мактабларига 10.245 минг киши ўқиган. 1881 минг малакали ишчи тайёрлаб берилган. ФЗУ, РУ, ТУ, СУ каби ўқув юртларининг янги кўринишда очила бошланди.

1969 йил 2 апрелда ҳунар - техника таълим тизимида туб ўзгариш қилинди. Ўқув юртлари 3-4 йиллик тизимли мактаб даражасига ўтказилди. Эндиликда бундай мактабларда касбга оид, касбий политехник ва умумий таълим маълумот бериш йўлга қўйилади. Бу шу даргача ишлаб келган ҳунар мактабидан сифат жиҳатдан катта фарқ қиладиган бўлди. Собиқ иттифоқда амалда бўлган касб мактаблари ва ўқувчилар сони мустақилликдан кейин фақат биргина Самарқанд вилояти мисолида қуйидаги жадвалда келтирилган.

---

[19] Н.И.Макиенко. Ҳунар-техника таълими билим юртларида педагогик процесс. Т.: "Ўқитувчи", 1979 йил. 21-36 бетлар

Жадвал 3.

Йиллар	Коллежлар талабалар	Лицейлар ўқувчилар	Академик лицейлар ўқувчилар
1992	———	———	———
2000	———	———	———
2003	———	———	———

Ўзбекистан XXI аср бўсағасида мустақилликни қўлга киритиб, барча соҳалардаги каби мактаб ва маориф соҳасида ҳам сифат жиҳатдан тамомила янги жамиятга, чуқур интеграцилашган иқтисодий, сиёсий, маънавий маконга, ягона коммуникация ва ахборот тизимига кириш учун шахдам қадамларни босиб ўтмоқда. Мамлакатда туб ислоҳатлар давом этмоқда. Маориф соҳасидаги ислоҳатлар Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таминлай оладиган дадил, мустақил тафаккурли, малакали, билимли, тадбиркор мутахассис, айни пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб камолотга етган кадрларни тайёрлаш мақсадига қаратилган.

Бундай кадрлар тайёрлашнинг миллий модели: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш каби таркибий қисмлардан иборат.

Ушбу моделни муваффақиятли бажарилишида XXI аср мактаби - ўрта махсус, касб - ҳунар таълим тизимидаги фаолиятга боғлиқ. Мазкур таълим муассасининг тармоғи 2005 йилда 1611 та касб-ҳунар коллежлари ва 181 та академик лицейлардан ташкил топиб, таҳсил олувчи ўқувчилар сони 1 миллиондан ортиши кутилмоқда[20]. Бундай катта таълим муассасаларининг фаолияти ва унда хизмат кўрсатиш даражаси, қисқа вақтда республика-

[20] Халқ таълими. Журнал. № 2-3, 1999 йил, 97 - бет.

мизга 100 мингдан ортиқ педагог ва мухандис-муаллим тайёрлаб чиқаришни эҳтиёжга айлантирмоқда.

Шуниси аниқ-ки, ҳар бир жамиятнинг ривожланишида педагог-ўқитувчи, тарбиячиларнинг ўрни ва меҳнати асосий соҳа ҳисобланган. Бу бугунги , XXI аср - келажаги буюк давлатимиз тақдирини белгилашда ҳам ўқитувчининг мавқеи катта эканини кўрсатади.

Мутахассис олимлар ва тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига кўра XXI аср илғор технологиялар, фанларнинг интеграциялашуви, ахборотлар манбаининг энг юқори босқичга кўтарилиш асри бўлади.

Таълим-тарбия ишидан, айниқса касб - ҳунар таълимидан кўзланган мақсад сўзсиз, бу жараённинг бош иштирокчиси ва ташкилотчи раҳбари мураббийлар ва таҳсил олувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини янада жадаллаштириш яъни илгарлаб бориш тезкор таълим билан ҳар томонлама камол топган шахсни таркиб топтириш. Касб-ҳунар таълимида энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Бундан ташқари ҳозир дунё ҳақидаги янги ахборотлар соатига 200 миллион сўзга ортиб бормоқда, бу эса 5000 бет ёзилган матнга тенг, катта бир китоб. Инсон эса бундай вақт ичида ярим бетдан ортиқ бўлмаган янги илмий матнни ўзлаштириш қобилиятига эга.[21]

Бундан хулоса чиқарадиган бўлсак, ҳар бир ўқувчи талабада ва мударрисда электрон ҳисоблаш машиналарида дастурлаш, компьютер саводхонлиги -ахборот маданиятини шакллантириш бош вазифа ҳисобланади.

Худди шу ўринда Муҳаммад пайғамбар айтган: "Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда-йўлдош, бахтиёр дамларда - раҳбар, кайғули онларда - мададкор, одамлар орасида - зебу-зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир" - деган сўзлари ҳеч ҳам ўзгармайдиган вазифа

---

[21] В.П.Беспалько, Педагогика и прогрессивные технологии обучения. Москва, 1995, 21-бет.

бўлиб қолди.

Яна шу нарса ҳам муҳимки XXI аср замонавий мутахассис аввалги даврлардагидек, тор мутахасисликка эга бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Бугунги кичик усто 3-4 хил мутахассисликни эгаллаши керак ва таълим жараёни шунга жавоб берадиган бўлади.

Бу фикрлардан хулоса чиқарсак, даврга мос ва хос бўлиш, даврга мос ва хос ўқувчи тарбиялашдек улкан вазифа касбий таълим ўқитувчисининг зиммасига тушади. Демак, касбий таълим ўқитувчисига хос, уни шахси ва ижтимоий фаолиятига оид вазифалар мунтазам ошиб боради. Касбий таълим бўлажак ўқитувчисига хос жамият талаблари:

• бўлажак мутахассислар шахсини маънавий ва маърифий томондан ўқитиш ва тарбиялашга ўзини тайёр деб билиши, билими кенг ва чуқур, давлат таълим стандартига кирган фанлар асосларини эгаллаган бўлиши, педагогик маҳорат фанини пухта ўзлаштирган, тарихий ривожланишни пухта англаб бориши лозим;

• ўзи машғулот ўтадиган фанни яхши билиб, у соҳадаги жаҳон янгиликлардан хабардор бўлиб, уни талабаларга етказишга одатланганлик;

• компьютер саводхонлик, Интернет асосида шахсга йўналганлик усулларида дарсларни ташкил қила билиши;

• таълим жараёнида ўзи ва талабани ижодий ишлашни ташкил этиши, иқтидорли ёшни аниқлаб, унда фанга илмларга, касбий гўзалликка оид қизиқиш ва интилишларни (мотивларни) сингдира олиши;

• мустақил билим, малакасини ошириши, уни педагогик жамоа билан баҳам кўриб, педагогик ҳамкорликни йўлга қўя олиши;

• ўзида ташкилотчиликни намойиш этиб, бошқалардаги нодир ва бетакрор хислатларни англаши ҳамда янгилик, ихтиро ва ижод қилишга ўқувчиларни йўллаши;

• касбий таълимда бўлажак ўқитувчини тайёрлаш уни талабалар сафига қабул этиш, 1-4 курслар давомида ундаги педаго-

гик, психологик мотивларни ўрганиб, ривожлантиришига ҳисса қўшиб бориш;

• касбий педагогика мутахассислигига доир касбшунослик мезонлари (профессиограммаси) ташҳисга оид тадқиқотларни давом эттириб, ўқитувчи касбига лаёқатли ёшларни фаолиятини оширишда фаол қатнашиш.

Шу каби бир қатор муаммоли вазифаларни бажара бориш, мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да кўрсатилган Касбий таълим ўқитувчисининг, миқдор ва сифатини яхшилашга хизмат қилади.

4. ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГНИНГ УМУМИЙ ТЕХНИК ВА КАСБИЙ ТАЪЛИМГА ХОС ПРОФЕССИОГРАММАСИ

Режа:

1. Ким педагог фаолияти билан шуғулланиши мумкин?
2. Профессиограмма тушунчаси. Ўқитувчиликка оид махсус талаблар мажмуаси.
3. Умумтехник ва касбий лаёқатлилик. Ўқитувчи касбига хос зарур хислатлар.

Педагог фаолият билан машғул шахс:

- тегишли махсус маълумотли ва уни тасдиқловчи ҳужжат (диплом, аттестат ва бошқа)га эгалиги;

- юксак ахлоқий фазилатлиги;

- касб-корга тайёрлиги ва ўқитувчиликни тирикчилик учун эмас, балки шараф учун деб билиш, талаб этилади.

Педагог ходимлар битим асосида ҳукумат томонидан тасдиқланган Низомга мувофиқ ишга қабул қилинадилар, тайинланадилар.

Малакаси пастлиги ёки саломатлиги касбига оид вазифаларни бажаришга моделик қилаётганлиги туфайли ўз лавозимига номуносиблиги аниқланган тақдирда ёки ахлоқсизлиги туфайли

педагог қонунларда белгиланганидек ишдан четлатилади.

Ўзбекистонлик педагог-психолог олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ўқитувчилик учун энг зарур хислатларни аниқлаб олиш имконини берди. Олимлар Р.З.Ғайнутдинов, М.Г.Давлетшин, М.Воҳобов, С.Рахимов, С.Жалилова, Н.Азизхўжаева, А.Жабборов, М.Қоплонова, В.Каримова, Ғ.Шоғуломов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўқитувчилик касби атрофлича ўрганилиб, анча батафсил маълумотлар берилган.

Бунда гап ўқитувчилик касбининг профессиограммаси ҳақида боради. Профессиограмма - маълум тизимга киритилган, меҳнат психологик томонидан ўрганишга ва ундан келгуси амалий фаолиятда фойдаланишга қаратилган қисқа ва ҳар тарафлама батафсил кўрсатиб берилган ҳужжат демакдир.

Профессиограмма - психологик нуқтаи назардан ишлаб чиқариш фаолияти характеристикаси - яъни аниқ бирорта касб бўйича келгуси амалий ишлар учун зарур бўлган мазмундаги барча томонларни ўз ичига олган тавсифнома ҳақида гап бораётир.

Ҳар бир касб ихтисос эгаси бўйича - фанлар, соҳалар, лавозимлар бўйича ўқитувчининг касбий тавсифномасини кўзда тутган лаёқатлилик ёки профессиограммаси тузилади. Унда муҳим деб ҳисобланган хислатлардан фаолият давомида ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг профессиограммаси кўрсатиб берилади. Профессиограммада касбга лаёқатлилик, уни ижодий ривожланишига кирганлик, миқдор ва сифатда юксакликка эришганлик ижодкор, тадбиркор, моҳир, чин инсон хислатларига бойлиги кўрсатиб берилиши лозим. Умумпедагогик хислатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Педагогнинг шахсий хислатлари:

- Таълим олувчиларни яхши кўриши, уларга меҳрибонлик, меҳнатсеварлик муносабати;
- Юксак ахлоқий, ақлий, кучли, камтар, одамий дилкашлик;
- Мустақил, мўътадил характерга эга бўлиш;
- Доимо ўз устида ишлаб, касб-ҳунар бўйича назарий ва

амалий билимларини ошириб борувчи;

- Ватанпарварлик ва жамоавий фаолликка эгалик.

Машғулотларни давом эттириб, ўқитувчи ўсиб шахсий хислатларни ҳар бирига биттадан мисол топиш кераклигини аудиториядагиларга етказиб, муаммо қўядиган бўлсин.

2. Касбга хос билимлилик:

- Педагог таълимий, тарбиявий жараёнларни мақсад ва вазифаларни тўғри, тез англаб, тушуниб иш кўриши;

- Ҳозирги замон, миллий ва халқ педагогикаси, тарихий мерос асосларини билиши;

- Фанни, билимларни ўқувчи талабага етказиш метод ва методологиясини пухта билиши;

- Педагогик ва касб фанига оид илғор ахборотномаларга доимо эришиб бориш;

- Ўқувчи, талабага мақсадли, режали таъсир кўрсатиб, таълимий, тарбиявий ишни тўғри олиб бориши;

- Ўз касби, масалан инженер-қурувчи, инженер-санатшунос, инженер-эколог, ва ҳоказо соҳани барча қонун-қоидалари, тамойилларини онгли билиб ишлата олиши;

- Ўз ўқувчиларини ҳар тамонлама ўрганиб, билиб, кўп тамонлама ҳамкорлик қила олиши;

- Кузатувчанлик, диққатни доимо тўғри тақсимлаш, педагогик хаёлнинг ривожига эриша бориш, ўзига, ишига танқидий қарай олиш, педагогик тактли бўлиш, педагогик техникани мукаммал эгаллаган бўлиши.

3. Педагогик уддабурон - тадбиркор бўлиши:

- Дарс, таълим-тарбия жараёнининг мантиқий тугал, бир бутун, муайян вақт доираси билан чекланган. Дарсга "Бутун умр ва бир соат" тайёргарлик кўрдим деган хулосага итоат қилиш;

- Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини бошқара билиш, ўқув мақсадларини режалай олиш, ўқувчилар онгининг тараққий эттириб боришини истиқболли равишда ривожлантира олиш;

- Педагогик вазифаларни шакиллантириш ва тарбиявий ишларни ривожлантиришни билиш, ҳозир болаларни қандай ўқитиш керак, илмий ахборотларни кўпайтириш билан бирга

билим ҳажмини ҳам кенгайтириш зарурат деган саволларга ҳар доим, ҳар даврда бош қотира билиш;

- Техник билим малака ва кўникма шахс шакиллантиришда энг муҳим восита деб қараши.

4. Ташкилотчилик, коммуникатив малакалари:

- Гуруҳ, синф, меҳнат, ўйин, ўқиш жамоаларини уюштира олиши. Болаларни педагогик тамоилда фаоллаштира олиши;

- Ёшлар билан ишловчи педагог, аввало уларни ўзига, фанига жалб этишни билиши;

- Болаларни касб-ҳунарга қизиқтириб бориб, ўз касби билан бахт-саодатга эрушув мумкинлигини исботлай олиши;

- Ўқувчи, талаба ёшлар билан мақсадга мувофиқ педагогик ҳамкорлик ва мунособатларни доимо тўғри йўлга қўйиш;

- Ўзидаги техник, назарий, амалмий билимларни тез ва усталик билан моҳирона қўллашни билиши.

5. Гностик малакалари:

- Ёшлар, тарбияланувчиларнинг асаб-психик тараққиёти даражасини аниқлаб билиши;

- Ўз фаолиятига танқидий қараб, таҳлил қила олиши;

- Бошқа ўқитувчиларнинг тажрибаларини ўрганиб, ундан самарали, тўғри хулоса чиқара билиши;

- Ўқувчи-талабаларнинг педагогик, психологик тўғри тушуниб, уларга мақсадли, режали таъсир кўрсатиш услубларини билиши;

6. Педагогик ижодий хислатлари:

- Касбий таълим ўқитувчиси касб-ҳунар ва уларга оид мезонларни ўрганганлиги, ёшларда энг камида икки ихтисосга оид касбий мотив шакллантиришга эътибор қаратилиши;

- Педагогик ва касбий маҳоратини ошира бориши;

- Синфга, ўқувчига таъсир кўрсатишни олдиндан кўра билиши;

- Касбий ҳамкорликни педагогик ҳамкорлик билан ўйғунлаштириб бора олиши. Ўзини ўқувчи ўрнига қўйиб, ҳодисаларга унинг назари билан қарай билиши. Янгича қараш, янги билимлар ҳосил қилиб бориши, ижод қилишдан тўхтамаслик;

Кўрсатиб ўтилган профессиограмма моделини умумлаштирганимизда, унинг тузилиши қуйидагича:

1. Шахснинг жамоатчилик ва касбий йўналиши;
2. Педагогик ва касбий маҳорати;
3. Характерининг психологик хусусиятлари;
4. Билиш фаолияти, Дунёни ўрганишга доир ҳаракатлари;
5. Ўқитувчи шахсининг болаларни касбга тайёрлаш ишлари даражасидаги умумий тараққиёти.

Ана шу моделлар талабаларнинг ўзларининг келгусида ўқитувчилик касбини тўғри ва онгли ҳолда танлаб олишларига, педагогик ишга мослашиб боришларида ёрдам беради деяоламиз.

Бу профессиограммани, касбга хос лаёқатлилик мезонларни яхши ўқиб ўрганиш, ҳамда касбга хос ўқитишни ташкил қилишда таълимнинг самарадорлиги ва унинг оптимал методларини қўллаб билим ва кўникмаларига боғлиқ эканлигини англаб бориш жуда долзарб масаладир.

Тайёрланган касбий таълим ўқитувчи шахсининг юқоридаги модель талабларига мос келиши ёки келмаслиги олий мактабларда касбий таълим ўқитувчисини қандай сифатда тайёрланганлигини кўрсата олади.

Педагогик касб ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бу фаолиятга доим матив, мойил, интилиш ва қатий қарорга келган шахс - педагогик қобилиятга эриша олади. Қобилиятли педагог - бир умр ўқитувчилик қилади ва юқоридаги хислатларни бир умрга сақлаб қолади.

Педагогик қобилият юқоридаги профессиограмма талабларига тўла жавоб берган, ўқиш ва ўқитиш, ҳамкорлик қилишда муваффақиятли амалга ошира билган шахс қобилиятидир.

Бу қандай тузилган бўлади? Уни биз қуйидаги мавзуда кўриб чиқамиз. Ҳозир сиз юқорида кўрсатиб ўтилган профессиограмма моделини схемада хотира кучини ишлатиб чизиб, шарҳлаб чиқинг деган муаммоли савол қўйиб, уни ечамиз.

Ечиш давомида ҳар ким ўзича мустақил фикрда шарҳлаб, сўзлаб беради.

5. ЎҚИТУВЧИ КАСБИГА ХОС ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАШҲИС

Режа:

1. Касбшунослик профессиограмма барча касбларга хос долзарб масала.
2. Касбни тўғри танлаш ҳам бахт-саодат.
3. Касбий таълим ўқитувчиси ташҳиси.

Профессиограмма ҳар бир касбий тайёргарлик жараёнида долзарб илмлардан ҳисобланади.

Бугунги турмуш кадрларга нисбатан талабни муттасил ошириб боришни зарурат қилиб қўймоқда. Бугун жамиятга ғоявий сиёсий-маданий онглилик билан бирга касбий тайёргарликни ўзида мужассамлаштирган, иқтисодиёт, бозор сиёсати - маданиятни ривожлантириш масалаларини омилкорлик билан ҳал этишга қобилитли, бошқариш ва таълим беришнинг замонавий методларини эгаллаб олган шахслар кераклигини кўзда тутмоқда.

Ўқитувчининг **биринчи ва асосий вазифаси** айрим дарсларга ҳозирлик кўришдан ўқув йилига, бутун фанга тайёргарлик кўришга ўтишдир. Бу вазифа меҳнат шароитларни, ўқувчиларнинг ёш ва билимини, асбоб ускуналар ва кўргазмали ўқув қўлланмалари мавжудлигини ўрганишни, муаллимнинг педогогик-психологик билимларини такомиллаштиришни, фан ютуқлари билан танишишини, илғор тажрибалардан хабардор бўлишини, ўқув режа, дастур, ўқув воситалари ва ундаги талаб, муаммоли вазиятларни пухта ўрганишни ўз ичига олади. Ўз касбига лаёқатли ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёргарлик кўрганда: бу дарсда мен нималар қилишим ва мендан ҳам кўра кўпроқ

талаба ёшлар нима қилишлари керак? - деган ҳақ саволни ўзига бериб олиши лозим. Ўқитувчиниг ўз касбига юксак маъсулияти, маданияти, ҳис туйғулари, қай оҳангда, мантиқий ва содда ҳикоя қилишлари - унинг самарли фолиятини тъминлайди.

Мълумки дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни бошқариш ўқитувчидан касб-таълим муаллимдан бутун кучини ишга солишни, ўз кайфияти, ташвишларини, дарсга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсаларни синфдан ташқарида қолдиришга хос мустаҳкам иродани талаб қилади. Шундай қилаолмаса ўқитувчи бўлаолмайди, дарс маҳсулдор чиқмайди.

Ўқитувчи бутун билмини болаларга беради деган қоида бор, аслида эса болалар ҳам ўқитувчига кўп нарса ўргатадилар. Болалар дарсда муаллимга ижодий куч, педагогик маҳорат, илҳомбахш манбалар беради. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ижодкор, истеъдодга тез эришади. Шубҳасиз бу таҳлилдаги ижод таълимнинг ҳар икки қатнашувчисининг янгилик яратишига асос бўлади.

Шундагина ўқитувчи ҳам ўқувчи талаба ҳам Ватанга фойдали иш қилган бўлади.

Касбшунослик илми жамиятнинг барча фуқороларига зарур. Чунки, шу илм орқали шахс ўз касбини салоҳиятини жамиятда кўрсатади, ўрин олади, қадр топади. Бу илмни айниқса, ўқувчилар, янги тур мактаб илм толиблари талаба ёшлар, меҳнат таълим тарбиячи ва ўқитувчилари, назоратчилар, ота-оналар ва бошқалар яхши ўрганиб, ўз ворисларини ҳам шунга мувофиқ камол топтиришлари талаб қилинади.

Бизга маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий базисини металлургия, машинасозлик, энергетика, қурилиш, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказолар ташкил қилади. Ҳеч шубҳа йўқ-ки бу соҳа мутахассислари, кичик ва катта мутахассислар мактаблар ва олий даргоҳларда тайёрланади, мактаб уларга йўлланмалар бериб туради.

Демак, ана шу соҳаларда самарали меҳнат қилиб, бой ва сифатли ишлаб чиқаришга эришув кадрлар сифатига боғлиқ.

Табиатда бир хил инсон бўлмаганидек, касблар ҳам ихти-

сослар ҳам кўп. Шунга кўра одамлар ҳам ҳамма касбларга лаёқатли бўлавермайди. Қолаверса, инсоннинг қизиқиш ва интилишлари ҳам хилма-хил. Бу эса қобилият ва қизиқиш асосида касб танлашни зарурият қилиб қўяди.

Шундай экан, жамият аъзоси, фуқаро касбни нотўғри танлар экан, у ҳаётда кўп нарсага, энг асосийси бахт-саодатга эришаолмаслиги мумкин. Бундан чиқдики, касбпуносликни ўқиш ўрганиш, уни мезонларига риоя қилиш албатта даркор. Чунки, бу илм - ҳаётий амалий билим бўлиб бир умрга танланади. Бу илмни қонун, қоидалари, тамойиллари ва талабларини бажариш билан киши ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтиради.

Бундай талаб барча ўқитувчилик касбига, жумладан касбҳунар ўқитувчисига ҳам тегишли.

Педагогика, психология фанларининг предмети - инсон бўлганидек, ўқитувчи соҳа мутахассиси сифатида инсон билан доимо ва бир умрга ҳамкорлик қилади. Ўқитувчи ўз аксини шогирдларида кўради.

Қуйида биз ўқитувчи - мастер - тарбиячининг касбий тавсифномаси ҳақида сўз юритамиз.

Ўқитувчи касби ҳақида умумий маълумот.

Ўқитувчи - педагог, маълумотга эга бўлган ва умумий таълим, махсус ва олий таълим мактабларида таълим-тарбияга оид муайян ишлар олиб бораётган шахсдир.

Ўқитувчи сўзининг умумий маъноси (тор маъносидан фарқ қилиб) кишиларда билим, малака ва кўникмаларни таркиб топтираётган, ҳаётда мураббийлик қилаётган, билим бериб, тарбиялашда ҳамкорлик қилувчи шахсдир. Педагог, муаллим, мударрис каби сўзлар ўқитувчи сўзининг синонимларидир.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да инсон омилига ғоят катта аҳамият берилган. Унда асосий эътибор билимдон, ижодкор, ҳақиқий касб эгаси бўлган шахсни тарбиялаб етказишга қаратилган. Уни амалга ошириш билан боғлиқ муҳим муаммолар - ўқитувчи, тарбиячига бориб тақалади.

Мустаҳкам умумий маълумот ва чуқур касбий билимларни эгаллашга бел боғлаган ўқувчилар илмларни ўргатиш учун

ўқитувчининг ўзи шу хислатларга эга бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам мактаб ва билим юртларида ишлашни мақсад қилган кўп сонли ўқитувчиларни тайёрлаш ва бу соҳада сифат мезонларни ошириш долзарб масала сифатида қаралмақда.

Бугун ўқитувчи жамиятда бир қатор вазифалар бажаради:

- Синфдаги, гуруҳдаги ўқув жараёнини ташкил қилиб, бошқаради;
- Дарс пайтида ва дарсдан кейин қўшимча машғулот ўтказади;
- Ўқувчи-талабага керакли маслаҳатлар беради;
- Ўқувчи ёшлар ўртасида ўзаро мунособатларни йўлга солади;
- Болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан фойдаланади. Ёшларда шахсий сифатларни тарбиялайди;
- Педагогик жамоа аъзоси сифатида мактаб фаолиятини уюштиради, иштирок этади.
- Фан ўқитувчилари ва синф раҳбарларининг методик бирлашмаларида ишлайди;
- Ота-оналар жамоатчилик олдида маърузалар ўқийди;
- Педагогик, психологик ва методик билимларни тарғибот қилади;
- Жамият, раҳбарият, давлат топшириқларини бажаради;
- Ота-оналар ўқитувчидан унинг иш стажи, ёши, малакаси қандай бўлишидан қатъий назар фарзандларини Ватанга ва ҳаётга тарбиялашда ҳамкорлик қилишларини истайди, кутади.

Бу вазифаларни бажариш ўқитувчидан педагогик қобилият бўлишини талаб этади.

Қобилият - бу кишининг бирор фаолиятга (ўқитувчиликка яроқлилиги) ва шу фаолиятни амалга оширишидир.

Педагогик қобилият - шахснинг педагогик фаолиятга яроқлилигини ва шу фаолият билан муваффақиятли шуғуллана олишини кўрсатди.

Ҳамма ҳам бундай қобилиятга эриша олмайди. Унда педагогик кобилият қандай тузилган? Биласизми?

Бу муаммоли саволга ўқувчилардан қисман жавоб эшитиб,

ўқувчи уларни асосий таркибий қисмларини санаб таълим беради.

Педагогик қобилиятлар бугунги педагогик-психологик адабиётларда қуйидагича кўрсатилган. **Дидактик қобилиятлар, академик қобилиятлар, перцедив, нутқ, ташкилотчилик, авторитар, коммуникатив, педагогик хаёл, диққатни тақсимлай олиш** каби қобилиятлардан иборат.

Педагогик қобилиятни болаларга, инсонга бўлган зўр муҳаббатсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Педагогик фаолият самарадорлиги айтиб ўтилган қобилият ва малакаларнинг борлиги ва амалга оширилишига боғлиқдир. Ўқитувчи эга бўлган барча ижобий хислатлар ва қобилиятлар, унинг билим ва малакаси қанчалик бой ва иш натижалари кўп жиҳатдан унинг обрўйига боғлиқ бўлади. Унинг обрўйи мақсадли таълим тарбияда ўқувчиларга таъсир этиши билан ўлчанади. Ўқитувчидаги ижобий обрўй асосларининг хислат, фазилат, адолатлилик, демократлилик ва бошқаларни ўқувчи тан олганлигида ҳам кўриш мумкин.

Энди биз юқорида санаб ўтилган қобилиятларни ўрганамиз.

1. Дидактик қобилиятлар. Бу педагогик психология ва методикани эгаллаб олиш билан умумий касбий тайёргарлигини билдиради. Ўқув материалларини болаларга аниқ ва равшан, осон ва пухта етказиб бериш, уларда фанга қизиқиш уйғотиб, мустақил фикрлашни тарбиялайдиган қобилият ҳисобланади.

Дидактик қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи ўқув материалини ўқувчи -талабага осон, мураккаброғини соддароқ, тушуниш қийин бўлганини тушунарли, ўқувчига мослаштириб тушунтириб бера олади. Шунда ўқувчи талабалар, "бундай ўқитувчининг қўлида масза қилиб ўқигинг келади",- деб завқланишади. Шунинг учун ҳам XII асрда Бурхонуддин Зарнужжий фан, илм танлашдан олдин ўқитувчи танлаш ҳақида, айниқса, тажрибали, билимдон, кексароқ ўқитувчи танлаш кераклигини уқтирган эди.

Касбий моҳирлик ўқув материалини осон етказиш билан чекланмай, ўқувчиларнинг мустақил ишларни, билиш фаолли-

гини оқилона уюштириш ҳам зарур. Моҳир ўқитувчи дидактик талаблар дарсда яратилишини кутуб дарс беради.

2. Академик қобилиятлар. Кўпинча фан асосларини билиш, қомусийлик қобилиятлар киради.

Қобилиятли ўқитувчи фан бўйича материални яхши билади, ва яхши етказади., озгина тадқиқот ҳам қилади. Бундай кенг билимли ўқитувчи ҳақида илм толиблар: Элмурод ака худди профессорнинг ўзгинаси-я, биз унинг билмаган соҳаси бормикан деб тез-тез ўзаро мунозаро қиладилар. Баъзан эса бақир-чақир қиладию, аммо заррача билими йўқ дейилади бошқа бир ўкитувчи ҳақида.

3. Перцептив қобилиятлар. Бу қобилиятдаги устоз тарбияланувчининг ички дунёсига кира билиб, психологик кузатувчанлик, педагогик ўқиш билан шахсни нозик тамонларини билиб олади. Дарҳақиқат, таъсир кўрсатиш учун шахсни атрофлича ўрганган бўлиши керак. Ўқувчининг ҳолати, кайфияти ва билишга қаратилган ҳаракатларини бир қараш, кузатиш билан билса ҳам, ҳаммани кўриб тургандек қобилият - перцептив қобилиятли ўқитувчига хос бўлади.

4. Нутқ қобилияти. "Биз учун тарих ўқитувчимиз Асад аканинг дарсини эшитишдан катта лаззат йўқ. Улар шу қадар чиройли, равон, содда, тушунарли, мазмунли, хатосиз гапирар эдиларки, ҳатто танаффусга чалинадиган қўнғироқ ҳам халақит бермайди",- дейди ўқувчилар.

Қобилиятли ўқитувчининг нутқи дарсда фақат ўқувчиларга қаратилган бўлади.

Демак, бундай ўкитувчи нутқи жонли, жозибадор, образли, аниқ равшан, ифодали, эмоцияли, бой дона-дона бўлади. Шошқалоқ нутқ, стилистик ва грамматик хатоси бўлган нутқ ўқувчини толиқтиради, мия тормозланишини юзага келтиради. Мана шу ерда Насриддин Тусий деган-ки: "...ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда тез, заҳархандали, қўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчи ўзини тутаолмаслиги ишни бузиши мумкин..."насиҳати бугун ҳам қимматлидир.

5. Ташкилотчилик қобилияти - ўқувчилар жамоасини уюштира билиш, жипслаштириш, ўзини шахсий ишини тўғри ташкил қила олиш қобилиятларидир.

Демак ўқитувчи ўз ишини тўғри ривожлантириб, уни назорат қила олиши тушунилади. Тажрибали ўкитувчи дарс вақтини йўқотмайди, ундан тўла мақсадли фойдаланади. Бу ўқитувчи дарс материалини вақтга асосан ривожлантиради ва шунга эришади.

6. Авторитар қобилияти - яъни обрўй ортира билиш, ўқитувчи ўз фанини, касбий билимни мукаммал билиши, сезгирлиги ва хушмуомолалиги асосида обрўй ортиради. Бу қобилият ўқитувчининг ростгўйлиги, иродавий, уддабуронлиги, ўзини тута билиши, фаросатлилиги, талабчанлиги каби зарурий хислатлари ҳамда шахсий фазилатларига, шу билан бирга ўқувчилар таълим-тарбиясида жавобгарликни хис этиш; унинг эътиқоди, ёшларга маънавий, маърифий эътиқодни сингдира олганлигига ишонч каби хусусиятларга ҳам боғликдир.

"Унинг ажойиб хислати бор, у ҳеч қачон зарда ва бақирик, чақириқсиз ишлай олади; биз уни жиддийлиги, вазминлиги ва талабчанлиги учун жуда яхши кўрамиз", - дейди ўқувчилар.

7. Коммуникатив қобилият - бу болалар, талаба билан мулоқатда бўлишга, уларга ёндашиш учун тўғри йўл топа билишга, улар билан педагогик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ўзаро алоқа боғлашга, педагогик тактнинг мавжудлигига қаратилган қобилиятдир.

Хўш ўқитувчининг педагогик такти қайси тамойилга асосан қурилган? Ўқитувчининг адолатлиги, сўзи билан иши бирлиги, рағбатлантириш, жазолаш, панд-насиҳат кабилар. Кўрсатилганлардан энг асосийсини топиб айтишни ва уни мисоллар билан исботлаш муаммоли вазият туғдириб, уни ечимини ҳам бажаришдан иборат бўлади.

8. Педагогик хаёл - бу кишиниг талаба шахсини тарбиявий томондан лойиҳалаштиришда ўз иш-ҳаракатларининг натижасини олдиндан кўра билишда намоён бўладиган қобилиятдир. Бу қобилиятдаги ўқитувчи маълум ўқувчидан келгусида ким

чиқишини кўз олдига келтиришда, болаларда у ёки бу хислат ўсиб ривожланишини олдиндан кўра билиш - оптимизмидир. "Каромат опамлар, чамаси ичимиздаги энг ярамасларга ҳам ишончларини йўқотмасдилар, шунинг учун ҳам биз уларни ҳурмат қилардик", - деб ўз фикрини изҳор этади ўқувчи.

9. Диққатни тақсимлаб олиш - бу қобилият бир вақтнинг ўзида диққатни бир қанча фаолиятга қарата олишда намоён бўлиб, ўқитувчи ишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Қобилиятли, тажрибали ўқитувчи ўзининг диққат эътиборини ўқув материали қандай баён этилишига, унинг мазмунига, ўз фикрларини атрофлича қилиб қандай очиб беришга ёки ўқувчи фикрига баралла қаратади ва шу билан бир вақтда барча ўқувчиларни кузатиб, уларни толиққан-толиқмаганлигини, эътиборли-эътиборсизлиги, тушунган ёки тушунмаганлигини ва ҳоказоларга эътибор беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, ўқитувчининг барча ижобий, касбий, умуминсоний хислатлари катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эга У ўзини-ўзи тарбиялаб боришга одатланган бўлиши лозим.

Ўқитувчининг касбга хос психологик, физиологик, гигиеник талаблар:

Ўқитувчининг меҳнат жараёни. Педагоглик касби бошқа касблардан характерли белгилари билан фарқ қилади. Педагогнинг меҳнат предмети одам, меҳнатининг мақсади инсонни қайта ўзгартириш, унинг меҳнат қуроллари - нутқи, тафаккури, иродаси ва ҳоказо.

Педогоглик касб қийин соҳа. Қийинчиликларидан бири тарбияга доир иш натижалари дарҳол кўзга кўринмайди. Бу иш катта сабот-матонат, чидамни талаб этади. Унинг ҳал этадиган вазифалари жуда ранг баранг, меҳнат шароитлари эса мураккаб.

Меҳнатнинг санитария-гигиеник шартлари. Профессионал педагог фаолияти қуйидаги уч вазифани бажаради: а) таълим (ўқитувчилар), ишлаб чиқариш таълими (ўқитувчи мастерлар), ижтимоий ҳаёти (мактабдан ташқари педагогик ишлар);

б) таълимни ташкил этиш ва бошқариш; в) шахсий сифатлари тарбияланганлик, характер мўтадиллиги ва ҳоказо.

Педагогик ишга эркак ҳам аёл ҳам ишлаши мумкин. Фақат махсус маълумоти, юксак маданият, мутахассис бўлиши талаб этилади. Педагог А.Х.Чехов айтганидек "кийим-кечаги ҳам, сўзи ҳам, фикри ҳам, қалби ҳам тоза бўлиши зарур". Озода ва соф фикр педагогга хос.

Касбга психофизиологик талаблар. Педагог мустаҳкам соғлиққа эга бўлиши зарур. Айниқса, физиологик, психологик соғлом бўлиши болалар жамоасида, ҳар хил характерли болалар билан ишлашига керак. Унинг эшитиш, кўриш фикрлаш ва муоммоли ҳолатни тез, ирода куч сарфлаб, чарчаш, хориш, ҳамда зерикиш, билмаслиги керак. У ўз ҳатти ҳаракатларини доими назорат қилиб, ўзига ўзи таъсир этмоғи керак. Ўқитувчининг овози жарангдорлик, кенг диапозонлик (пастликдан юқоригача бўлган даражаси), яхши эшитиладиган, ихчамлик, ҳаракатчанлик, чидамлилик, мослашувчанлик, қарши шовқинларга нисбатан барқарорлик, овозни ҳаяжон билан ифодали каби хусусиятлари, ундан катта куч, соғлиқ талаб этади. Мутахассисликка оид тушунча атамалар лексика асосида бўлиши асосий ўрин эгаллайди. Демак, фикрни, сўзни, товушни ифодали чиқиши учун тиш, тил, оғиз бўшлиғи каби органлари соғ бўлиши лозим. Хуллас ўқитувчи соғлом бўлса, ўқитувчилик касбига лаёқатлилиги ошади.

Кассбий тайёргарликка доир талаблар. Ҳар бир соҳага зарур бўлганидек, ўқитувчилик касбига ҳам ўз фаолиятини онгли, фаол ва самарали бошқара оладидиган шахсий, ижтимоий, табиий, илмий асосга эга бўлиши шарт. У аудитория, синф ҳолатини, тингловчи ёши, психо-физиологик ҳолати, қизиқиши, интилиши, машғулотга тайёрлиги ва ҳоказоларни ўткир, зукко психолог, педагог сифатида аниқлаб билиши лозим. Ўз иш жойини тартибли, озода, зарур қурол ва воситалар жойлаштирилган ҳолатда сақлай олиши ҳам шарт.

6. ҲОЗИРГИ ДАВРДА КАСБИЙ ТАЪЛИМ ПЕДАГОГИНИ ТАРБИЯЛАШ ВА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Режа:

1. Шарқда ўкитувчи тайёрлаш, тарбиялаш тарихига доир мулоҳазалар.
2. Ҳозирги давр Олий ўқув юртларида ўқитувчи кадрлар тайёрлаш.
3. Ўқитувчининг ўз устида ишлаши, малака ошириши.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунда (1997 йил 5-модда) "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга" деб қайд этилган.

Демак, жамият ўқитувчидан чуқур ва кенг маълумот, юксак ва пок ахлоқий фазилатлар, ўқитувчилик касбига тайёр бўлишдек улуғ вазифаларни талаб этади ва талаб этиб келган. Ҳақиқатда, ўқитувчининг давлат ва халқ олдидаги ижтимоий вазифалари кенг ва заруриятдандир.

Хўш! Ўқитувчи қадимда қандай тайёрланган? Тарбиялаш бошлангандан устозга эҳтиёж туғилган. Мактаб пайдо бўлиши билан мударрис-муаллимга эҳтиёж туғилган.

Инсон ер юзидаги энг мукаммал, буюк зот бўлиши учун аввало тарбияланиши, билим ва касбли бўлиши зарур. Абу Лайс Самарқандий (X аср олими) "Бўстонил орифин" асарида тарбия ва унинг мазмуни ҳақида: "Эй ўғил, фарзандларингни тарбиялашдан олдин, ўзингни тарбияла, тарбия кўрган оилада баодоб, яхши фазилатли, билимли одам вояга етади", деб ёзганда тарбиячи -ўқитувчи ким бўлиши ҳақида фикр билдирган.

Қадимда қулдорлик замонларидаёқ ўқув, ёзув, илм тизимлаштирилиб, мактаблар (ўқув жойлари) вужудга кела бошлади. Дастлаб мактаб тарихи "Авесто"да учрайди. Зардуштийликнинг

маънавий асоси бўлган "Авесто" мактабларида "ипак йўли" ёзуви, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, ҳунар-касбга, диний илмларни ўрганиш, халқ оғзаки ижодини ўрганиш йўлга қўйилганлиги, улардаги педагогик, таълимий жараёнлар ўқитувчи орқали амалга ошгани қайд этилган.

Юнонистон ва Рим педагоглари, файласуф мутафаккирлари бўлмиш, Демокрит (460-370) Суқрот (469-339) Афлотун (Платон) (427-347), Арасту-Аристотел (383-322) шунингдек Римлик буюк нотиқшуноси Марк Фабий Квинтилиан (42-118) ва бошқалар ўз асарларида таълим-тарбия ўқитувчи ва ўқувчи одоби каби педагогик назарияга бой мерос қолдирганлар.

Буюк олим **Демокрит** тарбиянинг табиатга мослиги масаласини олға сурган. Ўқитиш жараёнида болаларнинг қизиқувчанлигини ҳисобга олган. Таълим киши шахси ва табиатини ривожлантириш, ўзгартириши ўқитишда мажбур қилишдан кўра ишонтириш воситаларидан фойдаланиш ҳақида фикр билдиради. У тарбияда меҳнатнинг ролига алоҳида аҳамият берган. Бу қарашларининг марказида ўқитувчи тургани сир эмас албатта.

Афлотун, "...бола тарбиячига итоат қилиши зарур эканлигини айтиб", болани педагог мунтазам назорат қилиб бориши, ўқитувчининг яхши хулқи болани итоаткорлигини рағбатлантиришга, итоатсизликда тўғри йўлга солишда муҳим деб билган. "Агар педагог ёки ота-она деган эди Афлотун,- болага "мана бу адолатли, бу эса адолатсиз, бу ишни қилиш яхши, бу эса уят, бу нарса муқаддас, бу эса нопоклик, бу ишни қилиш керак, ундай ишни қилмаслик керак деб айтмаса, кўрсатмаса, болани тарбиялай олмайди" ("Хрестоматия по истории зарубежной педагогики" М.1981, 19-бет)

Арастунинг "Искандарга насиҳати" ("Ўзбек педагогикаси антологияси" I қисм, 1995, 39-46-бетлар) да баён этилган педагогик одоб, тарбия, таълим назариялари ҳамон ўз кучини йўқотмагандан далолатдир. Унинг "Афина сиёсати" асарида ўқитувчи ўқувчи маданияти, муаллимни синфий бурчга садоқати, интизоми, диди, давлатни бошқара олиши (ўқувчи жамоасини бошқарув санъати) каби фазилатлари таъкидланган.

Квинтилиан "Нотиқ тарбиялаш тўғрисида" ги асарида педагогика муаммолари, ўқитувчи нутқ маданияти, муаллим одоб-ахлоқи ҳақида қимматли фикрлар билдиради. Унинг фикрича, бола мактабда таълим-тарбия олиши лозим. Ўқитувчи эса ўзи таълим-тарбия бераётган ҳар бир болага эҳтиётлик, ҳурматли муомала қилиши керак. Ҳар бир ўқитувчи ўқитишнинг ҳамма босқичларини ўтиши керак. Ўқитувчи ўқимишли бўлиши, болаларни севиши, ўзини тута билиши, болаларни бўлар-бўлмаса мақтайвермаслиги ёки жазолайвермаслиги, ўз шогирдлари учун ўрнак бўлиши ва ёшларни синчиклаб ўрганиши керак деган хулосада эди.

Маълумки, Марказий Осиё Озарбайжон, Эрон, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари энг қадимги даврларда, эрамизнинг VII асрларига қадар Зардуштийлик (Оташпарастлик), ғоялари асосидаги мафкурага асланиб, яшаб келишган. Зардуштийлик маънавий-мафкуравий асослари ва илмий асоси "Авесто" номли китобда жамланган. "Авесто" нинг муаллифи Хоразмлик Спитама Зарадуштра деб тан олинган. Зардуштийлик дастлаб Эрон халқлари диний эътиқодига, кейинчалик Шарқдаги бошқа халқлар диний қарашларининг асосига айланган.

"Авесто"нинг педагогик қиммати шундаки, у кўп асрлар давомида ёшларга илму-маърифат ўргатиш, ахлоқ одоб фазилатларини тарбиялашда дастуруламал вазифасини бажарган. "Хар бир кишини шундай тарбиялаш зарурки, - дейилади "Авесто"да у аввало яхши ўқишни ва сўнгра ёзишни ўрганиб, энг юксак поғонага кўтарилсин".[1]

Болаларга бериладиган таълим-тарбия қуйидагиларни ўз ичига олади: диний ва ахлоқий, жисмоний тарбия, ўқиш ва ёзишга ўргатишдан иборат. Ўғил болалар етти ёшга етганда, уларга махсус "Муқаддас кўйлак" кийдирилган ва улар муаллим билан ёнма-ён қуёшга қараб туришган. Муаллимга қўшилиб, "Авесто"дан эзгулик ва яхшилик маъбудасига мададкор кучлар-

---

[1] Педагогические мысли Азербайджана. М.Педагогика, 1989-10-б. А.Н.Макавельский мақоласи

ни улуғловчи дуоларни айтишган. "Мен Зардуштийлик динига содиқ бўлишга ваъда бераман, мен яхши фикрлар, яхши сўзлар, яхши ишларга ишонаман". Бундай машғулотлар бир кунда беш марта такрорланган. Ундан мақсад, болалар қалбида дунёда барча яхшилик ва эзгуликларнинг бунёдкори илоҳий Ахурамаздага эътиқодни мустаҳкамлаш, инсонлар бошига ёвузлик ва ёмонликлар олиб келадиган Анхура Манудан эса нафратланиш, яъни яхшиликка эътиқод, ёмонликдан қочиб, ҳимояланиш, нафратли бўлиш, тарбиялаш амалда бўлган. Зардуштийлик таълимотида одоблилик, меҳнатсеварлик, ростгўёлик, саховатлилик фазилатларини тарбиялашда катта ёшлилар, айниқса, муаллимлар намунаси ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга бўлгани таъкидланган.

Бу даврда ўқитувчилар уламо, коҳинлар жамият маънавий ҳаётида муҳим мавқега эга эдилар. Мактабда кичик ёшдаги болаларни ўқитиш жараёнида кўргазмалар, нарса ва ҳодисалар табиий ва моделли- сунъий шакллари орқали суҳбат, ҳикоя, айтишув, савол-жавоб ва турли-туман ўйинларни мавзуга доир ташкил этиб, бориши орқали таълим берилган.

Дарсда ўқувчилардан ўтилган мавзуни шовқинсиз такрорлаш талаб қилинар эди. Болалар ёшликдан ҳаётга тайёрланиб, меҳнат ва касб-корга доир илмлар пухта қилиб берилган. Масалан, булар - уй-жой юритиш, ерга ишлов бериш, дарахтларни парваришлаш, ҳайвонларни боқиш, кўпайтириш ва бошқа меҳнат касбга ўргатилган.

Зардуштийлик таълимотига кўра, яхши ният, латиф сўз, эзгу ишнинг бирлиги - фақирларга меҳрибонлик мусофирларга ғамхўрлик маъқулланиб ёки кишига иснод келтирадиган одат ишлардан - бировга ҳасад қилиш, ўғрилик, талончилик, ўзгалар молига кўз ташлаш, бировнинг дилини оғритиш каби ёмонликларни қоралаган.

Шубҳасиз бундай ғоялар исломий манбааларда VII асрларда Марказий Осиёга кириб келганда, унинг ғоявий пойдевори бўлган "Қуръон" "Ҳадис" илмларида янада ривожланган.

Ислом таълимоти ўтмишда яратилган барча илоҳий илм-

ларни инсоний тажриба ва фазилатларни умуминсоний қадрият сифатида ўзида мужассамлантиради. Шунинг учун "Қуръон"ни барча мавжуд илмларнинг, ҳатто таълим-тарбиянинг ҳам мажмуи деб тан олинмоқда. "Қуръон"да Аллоҳ маъқуллаган билим, илмлар, таҳрир (худо маъқуллаган) деб номланиши ҳам бунга далилдир.

Ислом таълимотида яхшилик қилиш, инсоннинг табиий вожиботи (вазифаси) бўлиши кераклиги тушунтирилган. "Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам (ўзгаларга) яхшилик қил" (қасос сураси 77-оят). «Агар чиройли амалларни қилсангизлар, ўзингизга яхшилик қилган бўлурсизлар». Биргина шу икки таълимотни мактаб, ўқитувчи, ўқувчи, педагогик фаолият, педагогик жараёнлар билан боғлаб олиб боришни ўзи ҳам муаллим обрўси, одоби ва хулқ-маданияти масалаларини яхшироқ тушуниб олишга хизмат қилади.

Биз Ислом таълимоти асосида мударрис профессиограммаси берилиб, уларни "Қуръони Карим" ва "Ҳадис" китобларидан мактаб, мадраса, ўқитувчиси, ўқувчи ёшларни педагогик маҳорат, одоб ва маданият ғояларини, қуйидагича хулосалаб ўқиш мумкин деб ҳисоблаймиз улар:

1. Илм берувчининг (муаллимнинг) овози тингловчиларнинг ҳаммасига эшитарли, тушунарли, меъёрида, (ўртача меъёрда бўлиши).

2. Таълим жараёнида, яъни илм мазмунини тушунтирганда "айтган эдилар", "хабар бердилар", "тувоҳлик бердилар" каби самимий, ёқимли сўзлар билан ифодалаш.

3. Бирор таълимни ёки тарбиявий масалани ўргатганда, ўртага ташлаб, муҳокама, мунозара йўли билан ўргатиш.

4. Илм ўрганиш ва ўргатиш учун маълум кунларни (вақтни) қатъий белгилаб қўйиш.

5. Илмни фаҳмлаб, теран тушуниб, англаб ўрганиш, эсда-хотирада мустаҳкам сақлаш.

6. Теран тушунилган, яхши англаб олинган илмларни ёд олиш, ёддан айтиб бериш.

7. Илм ўргатиш жараёнида болага лозим ҳолларда танбеҳ

бериш, огоҳлантириб туриш, назорат қилиб туриш мумкинлиги.

8. Илмни ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатиш. Ўрганган илмга ўзи амал қилиши зарурлиги.

9. Илм олишни сусайиши, илмга эътиборсизлик, жамиятни муқаррар инқирозга етаклашини тушуниши.

10. Илмни осон, енгил қилиб, одамларни бездирмай ўргатиш.

11. Илмни сўраб билиб олиш, илм ўрганишда уялмаслик, ўзи уялса, бошқа биров орқали сўраб билиб олиш лозимлиги.

12. Илмга доир савол берган одамга (ўқувчига) сўраганидан кўра, кўпроқ жавоб қайтариш.

13. Илм тушунарли бўлиши учун уни қайтариб айтиб туриш, такрорлаш лозимлиги, қайта сўраб туриш.

14. Аёлларга ҳам илм ўргатиш зарурлиги.

15. Илмни билган киши, билмаганга, эшитганлар эшитмаганларга етказиши лозимлиги.

16. Илм бераётган уламонинг (муаллимнинг) сўзларига жим туриб, диққат билан қулоқ солишнинг маъқуллиги.

17. Илмни тушунишни, илм олишни истамаган киши ўрнига илмни тушунадиган қавмга (кишиларга) ўргатиш жоизлиги.

Ўқитувчи, ўқувчи илм толибларига хос ва мос бу дидактик ғоялар мусулмон мактабларида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот ва педагогик маҳоратни тартибга солувчи қоидалар сифатида амалиётда бўлган.

Шубҳасиз, булар Шарқ алломаарининг тарбияшуносликка доир таълимотлари учун иллмий-маънавий манба бўлаб хизмат қилган.

Мутаффакир Абу Насир Форобий инсон бахт-саодатга эришуви учун, - назарий фазилатлар (илмлар) тафаккур фазилатлари, ҳаёт жараёнида вужудга келувчи (яралма фазилатлар) ва амалий (меҳнат жараёнида ҳосил бўлган) санъат – касб-ҳунар фазилатларга эга бўлиши лозим, дейди.

Назарий билимлардан ҳосил қилинадиган, тушунчалар узоқ ва чуқур тушуниш (нарсаларнинг моҳияти, умумий қоидалари

ва қонунлари – Э.Т.), текшириш (амалиётда) кашф, ижод, таълим олиш ва бошқаларга таълим бериш йўли билан қўлга киритилади» (Форобий, Т., 1963, 252 бет) Унинг бу фикрида биз учун энг муҳими назарий илмларни фақат «таълим олиш ва бошқаларга таълим бериш йўли билан» ўзлаштириш мумкин деганда ўқитувчи-устознинг ўрни янада ёрқин кўринади.

Хўш! Шарқда ўқитувчига бўлган талаб ҳам энг қадимги замонлар билан боғлиқ. Қадимги турк ёзма ёдгорликлари берган маълумотларга таяниб, эрамизгача ёзув таълими шоҳ саройи қулдорлар ҳовлисида хат ёзув мактаблари бўлган. Эрамизнинг бошларида ҳаттотлик, оммавий мактаблар бўлган. Маҳаллий тушунчада улар – Дабиристон (ёзув билан машғул жой) арабчага мактаб (ёзув жойи) фаолиятда бўлган. Буни Самарқанд, Далварзин тепа, Хоразмдаги археологик манзиллар ва бошқалар мисолида исботланди. Кейинчалик бу ёзувлар бутун «Ипак йўли» бўйлаб тарқалган.

Юнонистон, Рим мисолида кўрган ҳарбий жисмоний тайёргарлик мактаблари, ҳунарманд, деҳқан, савдогарларнинг болалари учун бошланғич қулдор, феодал болаларига кенг, чуқурроқ билим берадиган «Савод ва ҳисоб» мактаблари ишлаб турган.

Араблар босқинидан сўнг эса Мавораннуҳрда масжит, мадраса, донолар уйи каби олий, ўрта, бошланғич мактаблар пайдо бўлади. Уларда билимдон мударрис (ўқитувчи)лар муаллимлик қилган. Бу ҳақда биз «Қобуснома», «Шоҳнома», «Жангнома» (ойнома) «Сиёсатнома», «Авесто», «Қуръон» каби ёзма манбаълардан ҳам ўқиб оламиз. Ана шу асарларда ва мутафаккирлар қолдирган китобларда ўқитувчи ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам батафсил маълумотлар сақланиб қолган.

Форобий дейди: "Санъатни (касб-ҳунар, билимни) ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатиладиган усул, тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатиладиган усул орқали олиб борилади. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у (болаларга) тарбия беришда турли тарбия усулларидан фойдаланади." (Форобий. Т., 1963. 270-бет).

Улуғ олим Давоний (XV аср) "Агар ота боланинг жисмоний

жиҳатдан тарбиялашга сабабчи бўлса, муаллим болани маънавий тарбияси, камолотга етишувига сабабчидир ёки агар кишининг руҳи ўз баданига қанчалик яқин бўлса, муаллим ҳам тарбия соҳасида болага шунчалик яқин туради". Хўш, Давоний фикрича, бола камолотида кимнинг хизмати катта деган саволга жавоб бериб, ота хизмати камситилмаган ҳолда, муаллим меҳнати катта эканлиги ўқиб олинади. Бу фикрни тўлароқ англашда: "Искандардан сўрабдилар, отани яхши кўрасанми ёки устозни? У жавоб бериб, Устозни деган экан.

Буюк файласуф Рудакий ҳаёт, билим, малака ва кўникма берса, ана шу ҳаёт гўзаллигини, маънавий гўзалликни муаллимдан, устоздан олишликни таъкидлаган. "Ўқитувчи ҳаёт одами" деган гапни у ҳали X асрдаёқ таъкидлаган эди.

Чех педагоги Ян Амос Коменский деган эди: "Уларга (педагогларга) жуда ажойиб вазифа топширилган. Ана шу қуёш остида ундан юқорироқ вазифа бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун у (ўқитувчи) соф виждонли, фаол, ўз касбини севадиган ва узлуксиз ўзини такомиллаштириб борадиган кишиларгина ўқитувчи бўлиши зарур" деб уқтирган эди.

Ҳа, ҳақиқатда "муаллим кимни ўстирса, ўшалар билан ўзи ҳам ўсади" деган қоида ўқитувчилик қоидасидир.

IX асрнинг бошлардан мадрасалар (арабча дарс ўқиладиган жойлар) мусулмон таълим-тарбия тизимида асосий таянч мактабга айланади. Уларда: мусулмон ҳуқуқи, табиий, диний, дунёвий фанлардан билимлар берилган. Аввалларн маълум бўлган "қуттаб" "Дабристон" деган номдаги мактаблардан мадрасалар шуниси билан фарқ қилган-ки, мадрасаларда таълим-тарбия ишида бош-қош мударрис (ўқитувчи) бўлган мадрасалардаги асосий кўринишлар:

1. Янгидан ўқишга келган ўқувчи-ўспирин ва ёш ўқиш, ҳисоб илмини билиши;

2. Таълим-тайёрлов машғулотлари билан боғланиши, (бошланғич, ўрта, олий маълумот кўринишида ва касбий тайёргарлик билан ўқув якунланиши;

3. Ўқувчилар мадраса ҳовлисида яшаши, мадраса хўжали-

гида ишлаш, чекка ва тоғ қишлоқларига бориб "қурьон" ўқиб беришлари йўлга қўйилганлиги.

Мадрасалардан ташқари хусуий мактаблар, ҳаттот (чиройли ёзув) мактаблари, касб-ҳунар, шогирдлик мактаблар, ҳарбий-жисмоний тайёргарлик мактаблар, китоб ёзиш, безаш, таржимачилар мактаби ва ҳоказо кўринишдаги ўқув юртларида мадрасани тугатганлар педагоглик қилишган.

Мадрасалар, Улуғбек мирзо Самарқандни бошқарган йилларда, тубдан ислоҳ қилиииб 20-15 йиллик ўқув муддат 8 йилга келтирилган.

Улуғбек ўқитувчи тайёрлашга ҳам эътибор бериб, ёш авлоднинг эркин ва ҳар томонлама камол топиш ҳуқуқини ҳимоя қилар экан, мударрисларни ҳам талабаларни онгли ва саводли қилиб етиштиришга даъват этади. У Самарқанд мадрасаси талабалари кўз ўнгида ўзида ана шундай фазилатларни намоён этиб етук ўқитувчи- устоз эканини кўрсатган.

Улуғбек мадраса муаллимлари ва бошқа ходимларни танлашни ўз зиммасига олган. Мадраса таълимига йирик файласуф, доно олимларни таклиф қилган.[22] Мударрислардан таълимда мавзунинг мазмун ва моҳияти ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан очиб берилишини талаб қилган. У ўқитувчи ва талабаларнинг мустақил таълимига катта эътибор билан қараб, талаба ёшлардаги инсонпарварлик фазилатларининг шакллантириш ва қадрлашга алоҳида аҳамият берган.

Буюк қомусчи олим Насриддин Тусий ўзининг "Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида" деган асарида: "Ўқитувчи мунозараларни олиб боришни рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилишни билиши, ўз фикрларининг тўғрилигига ишониши, нутқи эса мутлақо тоза, жумлалари мантиқий ифодаланган бўлиши лозим... Ўқитувчи нутқи ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заҳархандали, қўпол ёки қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўқитувчи ўзини тута олмаслиги ишни бузиши мумкин",- деб ёзган.

---

[22] Т.Н.Кори Ниёзов. Улуғбекнинг астрономия мактаби. М: 1960, 64-бет.

Демак, ислом мамлакатларида мактабнинг асосий вазифаси инсон асослари (қуръон илми, Ҳадис, фиқх (ҳуқуқ) мероснинг бўлиши, тафсир, Калом, тасаввуф илмлари) ва бошқа фанлар (фалсафа, мантиқ, тил, табиатшунослик, Риёзиёт, сонлар ҳақида, мусиқа, астрономия) ёки тарихдан бошланғич маълумотлар бериш бўлган. Лекин... таасуфки, XVI асрдан бошлаб феодализм инқирози туфайли, мадрасаларда дунёвий илмлардан кўра, диний илмларга, хусусан шариат ақидаларига кенг ўрин берила борди. Ислом асосларини, шариатни, фиқҳни билишнинг ўзи етарли, деган чекланган қараш мадрасалардан кенг ўрин ола бошлайди. Бу ҳол XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача ҳукм суради.

Мактабга, Фанга бўлган бундай қарашлар маърифатчи-педагог (ўқитувчи) ларни ҳам четлаб ўтмади. Ўқитувчининг педагогик жараёнига нисбатан чекланган қарашлар юз беради.

Бу ҳолни олдини олиш, мавжуд кризисдан қутулиш йўли фақат XIX асрнинг 80-йилларида вужудга келган миллий озодлик курашларининг илк босқичи замонавий маърифат ва мактабга эга бўлиш билан, бартараф этилиши мумкинлиги ҳақида ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ана шу маърифатчилик тепасида,ўз даврининг буюк мутафаккирлари, олим, адиб педагог - ўқитувчилар туради. Улар моҳир педагог Исмоил Гаспринский, Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулло Авлоний ва бошқалар мактаб, таълим ва тарбия бериш бир низом остига олиниши лозим. "... яхши муаллимлар вазифасини лозиминча адо қилурлик мувофиқдир" деган таклифлар билан чиқдилар. Улар "янги усул", "жадид" (янги) номларда мактаблар ташкил этиб ўқувчи шахс ақл ва тафаккурини ривожлантириш, фалсафий мантиқий фикрлай оладиган ўзлаштирган билимларини ҳаётга тадбиқ эта оладиган қилиб ўстиришни биринчи бор таълим-тарбия жараёнига олиб кирдилар. Ана шу қоидаларга асосан ўқитувчи тайёрлаш тизимини ҳам ишлаб чиқдилар.

Кишилик тарихи тажрибасидан маълум бўлдики, таълим тизими ва кадрларнинг савияси жамиятнинг тараққиёт даражасига

ҳамиша боғлиқ бўлиб келади.

Бу принципни яхши англаган жадид маърифатчилар мактаб ва мадрасаларни, умуман маорифни ислоҳ қилишда фуқароларга, бутун миллатга таянмоқчи бўлдилар. Бу йўл ўша даврда энг тўғри йўл эди, чунки бу масала учун на уламо, на қози, на руҳонийлар ислоҳотни амалга оширувчилар бўла олмас эди. Маорифга миллат болаларини ўқитишга бойлар пул бермас эди. Бунинг устига рус мустамлакачилари ҳам жадидчиликка қарши бўлиб, тараққиётга тўсқинлик қилар эди.

XX аср бошларида шўролар ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг ҳам жадидлар барча тўсиқларга қарамай маориф соҳасидаги ишларни давом эттирдилар. Шўролар 1921-37 йиллар давомида жадидчилик ҳаракатини бостириб, жадидчиларни "миллатчи" тамғасида қатоғон қилиб борди. Ниҳоят 1937-38 йилларда уларни қаттиқ, оммавий қувғинликка, жисмонан йўқ қилинишга ҳукум қилинди.

Шунга қарамай, жадид ва жадид мактаблари, матбуоти, жадид арбобларнинг фан ва маданият соҳасидаги ишлари мактаб, маорифга янги миллий зиёлиларни, ўқитувчиларни тарбиялашга эришди. Улардан Ф.Хўжаев, Акмал Икромов, Т.Рисқулов, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода, Шакурий, Абдулло Қодирий, С.Айний ва бошқа ўнлаб педагоглар янги мактаб тараққиётида муносиб ўрин олган эди.

1917-1991 йилларда педагогика фани, мактаб тараққиёти, фанда бир қатор ўзига хос хусусиятлар юзага келган эди. Энг аввало, асрлар оша ўлкамизда мавжуд бўлиб келган мактаб тизими тугатилиб, янги "Совет" мактаби ташкил этилди. Коммунистик мафкурани руслаштириш сиёсати узлуксиз давом этди. Ерли халқ фани, маданияти тарихи, ҳисобга олинмай, барча халқ миллатлар учун ягона ўқув дарслик, дастур, ўқув режа жорий этилди. Ўзбек педагогикаси совет педагогикаси билан алмаштирилган давр бўлди.

Фақат 1970 йиллар бошига келиб барча республикалардаги каби Ўзбекистонда сиёсий аҳвол бирмунча мўътадиллашди. Миллий адабиёт, фан маданият, қадриятлар кам бўлсада, ўқиб

ўрганишга йўл берила бошланди.

Шу йилларда мактаб маорифда ўтмишга нисбатан янги поғонага чиқилди, фидоий педагоглар армияси кўпайди. Халқ фарзандларини она Ватанга, халққа, миллатга, миллий қадриятларга муҳаббат ҳиссиётларни ўзларида асраб ўрганиш амалга оша борди.

Кейинги даврда ҳам олий ва ўрта махсус мактабларда ўқитувчи тайёрлашга эътибор ошди.

Ўқув юртларга кираётган абитурпентларни касбига қараб лаёқатлилисин танлаш методикасини такомиллаштириши, шахснинг шу касбга қизиқишининг нақадар шаклланганлик даражасини, бўлажак муаллимни шахсига хос муҳим хислатларини, фазилатларини аниқлаб олиш йўли билан муносиб кадрлар тайёрлаш имкони туғилади.

Ўқув юртига қабул қилинган бўлажак педагоглар билан ўтказиладиган дарс ва дарсдан ташқари таълимий, тарбиявий тадбирларни, билим ва касбни аҳамиятини бойитиш мазмунида ташкил этиб бориш ҳам ижобий аҳамиятга эга. Машғулотларда муаммоли маърузалар ишбилармонлик ўйинларини, турли бахсларни, педагогик ва психологик мунозараларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилмоғи зарур.

Талабани илмий методик ва техник адабиётлар билан ишлаш методикасининг мунтазам ошириб боришга эришиш бу соҳада уларга яқиндан ёрдам, ҳамкорлик қилиш, уларда касбга бўлган мойилликни оширади.

Талаба ёшларнинг илмий касбий билимларни севишга, ўрганишга, мустақил тафаккурни шакллантиришга, ўз ишончэътиқодини ҳимоя қила билишга, ҳамда ўзлаштирган билимларини амалда қўллай олишга ўргатиш - бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда муҳим иш ҳисобланади.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2005 йилгача бўлган кенг кўламдаги вазифаларидан янги тур ўқув юртлар сонининг янада оргириш ва уларда ишлайдиган кадрларни ҳам сон ва сифат жиҳатдан ўсиб бориши таъкидланган.

Демак, бугун ушбу вазифаларни рўёбга чиқариш, айниқса

академик лицей ва касб ҳунар коллежлар учун иқтидорли, маълумотли, малакали, юксак гуманистик ғояларга садоқатли, ўз фанини ва ўқувчиларини сева оладиган, шогирдларга "Жон фидо" эта оладиган педагоглар тайёрлаш энг долзабр масала бўлиб турибди.

Касбий таълим ўқитувчиси, ҳозиргача ишлаб келган ўқитувчилар армиясидан туб сифат кўрсаткичда фарқ қилиши керак. Бу ўқитувчи фақат мутахассислик фаннигина эмас, балки янги тур мактабда ўрганиладиган барча фанлар назарияси ва амалиётидан яхши маълумотга эришган бўлсин. Мавжуд ўқув юртининг битирувчиси бориб фаолиятда бўладиган ишлаб чиқариш муассасида учрайдиган техналогик жараёнларни яхши ўрганган бўлсин. Ҳозирги давр ахборот тизимидан энг зарурларини ажрата олиб ўқувчиларга ўрни билан етказа олувчи, ижодкор педагогик касбий таълим йўналишида муваффақиятли ишлаши мумкин.

Шундай экан, мамлакатимиздаги янги тур мактаблар учун педагоглар тайёрлаш масаласи қандай? Ўқитувчиларда барча фанларга доир билимлар етарли-ми? Уларнинг сифат таркиби қониқарлими?, Тайёрланаётган кадрлар маориф ислоҳати талабларига жавоб бера оладими? Кимлар ва қандай йўл билан педагогика ўқув юртларига қабул қилинаётир? Шу каби бир қатор саволлар ҳамон узил-кесил ечимига эга эмас.

Шу нарса муҳимки инсоншунослик ва инсонлараро мулоқотлар жамият тараққиётида муҳим бўлиб, барча қуйи, ўрта, юқори поғона раҳбарлар, техник муҳандислар, қурувчи-яратувчилар, меҳнаткашлар бугун педагогика ва психология билимларига катта эҳтиёж билан қарамоқда, уни ўрганмоқда, барча олий мактабларда бу фанларни ўрганиш ва ўргатиш дастур - режа асосида йўлга қўйилди. Шубҳасиз бу вазият педагог-психолог муаллимдан кўп маъсуят талаб этади.

Педагог ва психолог ўқитувчилар зиммасида жамият талабларини, таълим олувчи ёшлар маънавий эҳтиёжларини қондиришлари учун таълим-тарбиявий соҳанинг устаси, барча фанлар асосини яхши билиши ўқувчининг ички дунёсига кира

олиши, унинг обрў, иззат нафс, шахс ҳурматга эга бўлиши, болалар ва катталар билан тўғри ширинсуҳан мулоқатда бўлиши, ўз диққатини тақсимлай олиш каби бир қатор қобилиятларга эга бўлиши заруриятга айланди.

Ўқитувчининг малакасини ошириб бориши ҳам бугун долзарб вазифалардан. "Ўкитувчи ўз устида ишлаб, ўқиб турар экан, ўқитувчилик ўлмайди", - дейди. Илғор педагоглар, ҳақиқатдан ҳам шундай.

Ҳозирги жамиятимизда ўқитувчининг мустақил равишда билимларни эгаллаб, ўз малака ва кўникмасини ошириб бориши, бир томондан унинг фаолиятини муваффаққияти, иккинчи томондан муҳим вазифа билиб шахсни интелектуал қобилиятини ошириш манбаи ҳам.

Ўқитувчи мустақил таълимни мустақил равишда ўқиб, ўрганиб, тадқиқот қилиб, махсус курсларда ўқувни давом эттириб бориш орқали амалга оширади.

Демак, ёши қанча бўлиши, педагогик маҳоратидан, қатъий назар барча ўқитувчилар ўз билимларни ошириб боришларини жамият талаб этади. Қолаверса бу талаблар шогирдлар талаби, бу талаблар ўз азиз фарзандларини ўқитувчига ишониб топширган ота-оналар талаби ҳамдир.

7. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИ ДАРСДА. ПЕДАГОГИК ҲАМКОРЛИК

Режа:

1. Ўқитиш ва касбга тайёрлаш - жамият талаби.
2. Касбий таълимда дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар
3. Ўқитувчи педагогнинг дарсга тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиши, аҳамияти.

Ўқитишни ўргатишда - дарсга тайёргарлик кўришда педагогнинг бутун ижтимоий-сиёсий, психологик, педагогик тажри-

баси, бутун зеҳни, билими, вақти ишга солинди.

Ўқитувчи қанчалик моҳир бўлмасин ҳар бир дарс учун ўқув дастурга, ўқув манбага, воситаларга режалар асосида қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур. Шунинг учун ҳам ундан дарсга қандай тайёрланасиз деб савол берилса, жавоб бериб: "бутун умр ва бир соат" деган фикр билдиради, ижодкор муаллим.

Дарс таълим-тарбия жараёнининг мантиқий тугал бир бутун, муайян вақт доираси билан чекланган энг муҳим элементидир. Ҳар бир дарс, мавзу, бўлим, курснинг бир қисми, мантиқий бир бўлаги.

Дарснинг тузилишини ўқитувчи ўзи белгилайди. Уларга доир асосий талабларни, унинг компонентларига, қисмларига ўз маҳоратини, ўз методтк усул ва услубларни қўшади.

Ўқитувчи ҳар бир дарсни ўқитиш методлари ва шакллари асосида олиб боришга, дарсга замонавий техника восита ҳамда кунлик ахборотларни ўрни билан қўллашга, дарсда ёшларнинг маданий ва касбий ривожланишини ўстиришга қаратилган йўл тутади.

Ҳар бир дарснинг хилма-хил имкониятлари бор, уларни қидириб топа билиш ва унига интилиш керак.

Дарс ўқитадиган машиналарга, техник васиталарга асосан қуйидагилар киради:

- ахборотлар берувчи механизациялаштирилган қурилмалар, китоблар, хариталар, схемалар, магнитафон, радио ва ҳоказолар.

- тринажёр машиналар, автотринажер, бетон тайёрлагич, сувоқ қилишда қоришмани деворга пургагич.

- назорат қиладиган ва ўқитадиган машиналар ("Ласточка", "Иктисодчи репититор", "Эра" ва бошқалар) киради.

- ўқитувчи столидан пульт билан бошқариладиган система.

Дарс вақти - ҳеч бир даҳлсиз олтин фонддир, ундан фақат таълим-тарбия мақсадида фойдаланилади.

Вақтдан унумли фойдаланиладиган дарсда интизомсизлик асло бўлмайди.

Дарсга тайёргарлик кўришдаги муайян тизим унинг сифатини оширишга ёрдам беради. Дарсга тайёргарлик тизимига ўқув

йилига ҳозирлик кўриш, мавзуга доир дарсни режалаштириш, айрим дарсларга тайёрланиш кабилардир.

Ўқитувчининг вазифаси айрим дарсларга ҳозирлик кўришдан, ўқув йилига, бутун курсга тайёргарликка ўтишидир.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўришда: "Бу дарсда мен нималар қилишим керак ва мендан ҳам кўра кўпроқ талаба ўқувчилар нима қилишлари керак?" деган муҳим талаб олға сурилиши керак. Ана шундай режалаштириб ўтилган дарс ўқитувчига ҳам тингловчи талабаларга ҳам ижобий куч бағишлайди.

Касбий таълим ўқитувчиси коллеж талабасига ҳам назарий, амалий, ҳам китобий, ҳам ишлаб чиқариш таълим-тарбиясини беришга мутасадди кишидир.

Касбий таълим ўқитувчиси дарсларга миллий мафкуравий пухта билими ва касб муҳорати асосида тайёргарлик кўради.

Жадвал 4

Ўқув йилига ва ярим йилликка тайёргарлик	Навбатдаги мавзуни ўтишга тайёргарлик	Навбатдаги дарсга тайёргарлик
Ихтисос тавсифномаси ва ўқув дастурини ўрганиш	Мавзу материалини таҳлил қилиш ва уни дарслар бўйича тақсимлаб чиқиш	Навбатдаги дарсга тайёргарлик дидактикаси
Моддий ўқув техник база тайёрлаш	Мавзуни ўрганиш давомида ўқувчиларнинг бажарадиган ўқув ишларининг мазмуни, миқдори, ҳисоби	Кўргазмали жиҳозлар, техник воситалар тайёрлаш
Ўқув ишлар, воситалар, рўйхатини тузиб чиқиш	Ўқув жиҳозлар, ёрдамчи адабиётлар, тажрибалар мажмуасини тайёрлаш	Метод ва методик ишланма режасини тайёрлаш
Ҳар бир гуруҳга оид ишлаб чиқаришдан назарий ва амалий билим бериш режасини тузиш	Муайян мавзуни ўрганишга оид саволлар, муаммоли вазиятлар, жавоблар жамланмасини тайёрлаб қўйиш	Машғулот учун мавзу матнини режа асосида тузиб, таянч иборалар асосида муаммо саволлар ва жавоблар тайёрлаш

Ҳар бир дарсга кириш сўз, якунловчи матн, хулоса ва амалда қўллаш манзилгоҳ режалар тузилади. Ҳар бир дарс ўқувчи-талаба ташаббуси билан илмий хулосага келиниши лозим. Ўқитувчи ҳар бир дарсдан сўнг уни ютуқ ва камчиликларини ўзича таҳлил қилиб, келгусида тузатиш чорасини кўради.

8. КАСБИЙ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИ ИШ ФАОЛИЯТИНИ БОҲОЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ

Режа:

1. Ўқитувчи иш фаолиятини баҳолаш
2. Баҳонинг рағбатлантирувчи мезонлари.

Қадимги донишмандлар айтганидек, ўқитувчининг ҳаёти иккита: бири - ўзининг ҳаёти ва иккинчиси - ўқувчиларининг ҳаётидир. Ўқувчиларнинг ҳаёти - ўқитувчи фаолияти муваффақиятининг мезонидир. Ҳақиқий педагог кашфиётлар йўлидан борувчи ўқувчисининг доно раҳномаси бўла оладиган шахсдир, Шахс заруриятдир.

Ўқитувчи педагогликка ҳавас қўйиш биланоқ ажойиб инсон ролини ўйнашига тўғри келади, унинг ўзи танлаб олган касб унинг характери моҳиятига айланиб қолиши лозим, акс ҳолда у чинакам ўқитувчи, ҳамкор, мураббий бўла олмайди.

Ҳаётда ўқитувчи билан бирга яшайдиган ўқувчилар - болаларнинг зийрак кўзлари мактабни тамомлагунча ўтаётган ҳамма йилларда ўқитувчисига қараган бўлади.

Ўқитувчилик - мард, виждонли, ижодкор кишиларнинг касбидир. Атроф муҳитнинг ёшларга таъсири нақадар кучли бўлмасин, бироқ ўқитувчининг шахси унга зўр таъсир ўтказади. Ҳа, фақат шундай шахсгина ўзга шахсни ривожлантириш ва камол топтиришга таъсир қилиши мумкин, фақат характерга ўзга характерни вужудга келтириб, тарбиялаши мумкин.

Ўзбекистон ўз ўқитувчилари армиясини малакали педагоглар, моҳир тарбиячилар "Бахтли Ўзбекистон келажаги" учун жўшқин курашчиларни вояга етказишдаги муваффақиятларга катта эътибор қаратмоқда. Ўқитувчига: "Халқ қаҳрамони", "Халқ ўқитувчиси", "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, "Хизмат кўрсатган фан арбоби", "Халқ таълими аълочиси" унвонлар, нишонларни Олий, 1, 2, тоифали деган фахрли ўринлар, моддий ва маънавий рағбатлантирувлар, ғамхўрликлар мисолида ҳам кўрамиз.

Ўқитувчи-педагогнинг иш фаолиятига керакли шарт-шароитлар яратиш, улар меҳнати самарадорлигига қай даражада одилона баҳо бериш ва ўз вақтида рағбатлантириб бориш таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини ошириш гарови ҳисобланади.

Шу йўналиш бўйича биз қуйидаги тажриба ва мулоҳазаларни тавсия этамиз.

Энг аввало нималарга ва қандай нуқтаи назарга асосланмоқ керак, Булар ҳақида тўхталганимизда:

1. Қолиплаштириш;
2. Мунтазамлилик;
3. Холислик;
4. Шахс ва фаолият бирлиги;
5. Очиқ-ошкоролик.

Ҳар бир педагог фаолиятида энг ривожланган ёки сусайган пайтлар бўлади. Бу ҳолни улар иш вазифаси бўйича очиқ дарслар, синфдан ташқари тадбирлар ҳамда илмий амалий конференцияларда педагогик ўқиш ва ўйинларда матбуотда методик мақолалар билан чиқишларида аниқлаш мумкин. Ана шулар асосида ўқитувчининг ютуқ ёки заиф томонлари аниқланиб, улар ҳақида маълумотлар йиғиб борилади.

Энг муҳими педагог ижтимоий келиб чиқиши, оилавий шароити, миллати, иш лавомизи, мақсадидан қатъий назар тўпланган иш тажрибалари, илмийлик ва ижобий томонларига таянган ҳолда улар меҳнатини баҳолаш лозим.

Ўқитувчиларнинг ўз касби маҳорати қай даражада эканлиги,

ўз устидан ишлашини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволларни тарқатиш мумкин. Улар муаммоли:

1. Ўқувчи - талабаларни билим олишга қизиқтириш, ўқишга ижобий муносабатини таркиб топшириш;

2. Ўқитишда табақалаштириш яккама-якка муносабат бўлиш;

3. Муаммоли ва истиқболли ўқитиш;

4. Ўқувчилар билимини мавзули ҳисобга олиш;

5. Дарсларда техник ва кўргазмали воситалардан фойдаланиш;

6. Ўқувчилар билими, қобилияти ва кўникмасини энг мувафиқ доираси;

7. Ўқувчилар мустақил фаолиятини ташкил этиш;

8. Дарсларда дарслик билан ишлаш;

9. Хатолар устида ишлаш тизими;

10. Дарсларда хатолар билан ишлаш;

11. Янги материалларни мустаҳкамлаш;

12. Ўқувчилар билимини баҳолаш;

13. Уй вазифаларни топшириш характери;

14. Дарснинг фойдаси, унинг натижаси;

15. Ўқувчи талабанинг ёш хусусияти ҳамда руҳиятини ўрганиш ва бошқалар.

Жавоблар жамланиб, ҳозирги замон дарслари бўйича ўқитувчининг диогнастик харитаси тузилади. Намуна келтирсак:

Ўқитувчи исми фамилияси	Педагогик стажи	Фани	Муаммолар												
			1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Тўрақулов Ғ.	13	математика	+	-	-	+	-	-	-	+	+	+	+	-	+
Тўрақулов З.	10	тарих	+	-	+	+	-	+	-	+	+	+	+	+	+
Тўрақулова Ш.	14	биология	+	+	+	+	-	-	-	-	+	+	+	-	-
Тўрақулова Н.	20	рус тили	-	-	-	+	+	+	+	+	+	+	-	-	-

Бу харита асосида ҳар бир ўқитувчининг қайси муаммони ҳал қилгани ва қай бирида оқсаши аниқланади. Сўнг шу ҳақда ҳар бири билан суҳбат ўтказилиб муаммони ҳал этиш тавсиялари берилади. харита бутун ўқув йилида ҳаракатда бўлиб ўқитувчи ҳал этгани + плюс ишора билан назоратга олинади.

1. Методик ишлар бўйича сўроқнома:

а) Қандай методлар бўйича дарс ўтяпсиз?

б) Ўқитишда сиз қандай тажрибалар орттирдингиз?

с) Ўқитувчилик фаолиятингизда қандай қийинчиликка дуч келяпсиз?

г) Ўзаро тажриба айирбошлашга тайёрмисиз?

д) Дарс фаолиятингизда қандай методик қўлланмалардан фойдаланяпсиз?

е) Мактабдаги методик янгиликларни қабул қилишга тайёрмисиз? Ҳозирча бирортасидан фойдаланяпсизми?

2. Тарбиявий ишлар бўйича сўроқнома:

а) Тарбиявий ишлар қайси вақтда амалга ошириш лозим деб биласиз?

б) Сиз тарбиявий ишларда, маънавият соатларида қандай тажриба тўпладингиз? Қайсиларини ҳам касбларингиз билан баҳам кўряпсиз?

с) Тарбиявий ишларни ташкил этишдаги қийинчиликлар нимадан иборат?

г) Сизни ўқувчилар билан муносабатингиз қандай ?

д) Тарбияга оид қандай адабиётлар ўқидингиз?

Сўровда саволлар бир хил бўлса ҳам, жавоблар ҳар хил бўлиши мумкин. Бу ҳар бир педагогнинг даражасини кўришга имкон беради.

Сўровлар асосидаги жавоблар балли тизимда ҳисобга олиб борилади.

1. Олий тоифа 57-61 балл
2. I тоифа 50-56 балл

3. 2 тоифа 40-49

4. Тоифасиз 31-39

5. Ўтмади - баҳо, балл олмаганлар билан эса жиддий шуғлланиб борилади.

Ушбу натижа педагогик кенгашда тасдиқланиб ва натижаси юқори ташкилотга тақдим этилади.

Бу соҳадаги ҳужжатлар илмий бўлимда сақланади:

1. Ўқитувчининг методик ва тарбия ишборасидаги билим ва тушунчаларни ўрганиш варақаси;

2. Ўқитувчи фаолияти ҳақидаги фикрлар;

3. Ўқитувчи фаолиятини баҳолаш мезони;

4. Ўқитувчи шахси хусусиятларини аниқлаш учун сўроқномалар:

а) Педагогик маҳорати;

б) Педагогик муаммо бўйича ишлаш;

в) Янгиликни ҳис қилиши;

г) Ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги...

Сўров натижалари:

5. Асосий муносабатларини аниқлаш учун саволлар ва жавоб натижаси;

6. Мактаб ишчи комиссиясининг хулоса ва таклифлари;

7. Мактаб ишчи комиссияси қарори;

8. Мактаб ишчи комиссияси аъзолари рўйхати (5 киши).

Бундай сўроқномалар билан ўқитувчи фаолияти ўз вақтида тизимли назорат қилиниб ҳисобга олинса, муаллимларнинг фаоллигини ошириш имконини кенгаяди.

Мактаб олдида турган таълим-тарбиядек ососий вазифалар муваффақиятли бажарилиб борилади.

10. ПЕДАГОГИК ОДОБИ, ЭТИКАСИ. У ҚАЛБ МЕЪМОРИ

Режа:

1. Педагогик одоб, этика ҳақида мулоҳазалар.
2. *Педагогик одоб қирралари ва хусусиятлари.*

Дунёда энг нуфузли, энг улуғ мўътабар ихтисос касб-ҳунар эгалари фаолиятидан баҳс этадиган илм-педагогик этика фанидир. Бу ишга қатъий бел боғлаб киришган муаллим борлиғи билан ўсиб келаётган авлод билан тақдирини боғлайди. Педагогга хос одоб, аҳлоқ хулқ (этика) илмларини ўрганади билади. Педагогик фаолият мураккаб ва кўп қиррали бўлиб, унинг ўз машаққатлари, баъзан муваффақиятсизликлари, умидсизланиш ҳоллари ҳам бўлади.

Ҳар бир киши педагог бўлиб туғилмайди. Фақат мутахассис фаолият давомида шахс педагогга айланиши мумкин.

Педагог болалар билан муамалада маълум одоб қоидаларга риоя қилиши керак. Ўқитувчи ўқувчилар билан муомалада одобли, ростгўй, ўқувчига ишонч ва эътиқодли бўлиши, заррача сунъийликка, сохталикка, йўл қўймайдиган инсон.

Педагогик одоб - ўқитувчи, тарбиячидан алоҳида меҳнат, диққат, этибор, юксак тарбияланганлик даражаси асосида қурилмоғи керак. Педагогик аҳлоқ ўқитувчилар хулқини адолати, инсонпарвар, демократик аҳамият ахлоқ талабларига мослашиш, одатланиш заруратидан келиб чиқади.

Педагогик аҳлоқ принциплари - аҳлоқий онгнинг шакллари бўлиб, уларда ахлоқий талаблар, сиёсий маданиятлилик ғоявий эътиқод, ватанпарварлик, байналминаллик фуқаролилик асосидаги қоида-талаблардир.

Ватанпарварлик - ватанга, туғилган жойга муҳаббат, унга садоқат, унинг манфаатлари йўлида ҳалол-пок хизмат қилишга тайёр бўлиш.

Байнаминаллик - инсонпарвар ахлоқнинг энг муҳим қоидаси

бўлиб, жаҳоншумил демократик жамият барпо этиш йўлида ахлоқий принцип тариқасида намоён бўлади ва ҳар бир кишининг хулқида кўринадиган юксак ахлоқий талабдир.

Фуқароликни тарбиялашнинг туб маъноси ёшларда шахсга ижтимоий ва шахсий англаш, онгли равишда ахлоқий-сиёсий фазилатлари илмий дунёқарашини таркиб топганлиги билан белгиланади.

Арманистоннинг Спитак шаҳридаги 7-мактаб ўқитувчиси Каренэ Шарманзян - зилзила бошланганда барча ўқувчиларни тинчлик, бирлик ва осойишталикка чақириб ўз ёнига тўплайди. Шу пайт 3 қаватли синф поли очилиб, улар ҳаммаси биринчи қаватга қулайди.

Бир қизчани шкаф босиб қолади, ўқитувчи уни ҳам қутқариб ўлимдан олиб қолади. Оқибатда бутун синф соғ-саломат, бу 700 нафарли мактаб ўқувчисидан соғ қолганлари шу 80 нафар бола ва Каренэ эди.

Каренэ ҳақиқий армон халқ фуқароси, муаллимаси эканини исботлайди.

Педагогик этика тушунчаларига - касбий бурчи, адолатлилик, ор-номус, қадр-қиммат, виждон ва шахсий обрўйни киритиш мумкин.

Бурч - бу маъсулиятга кўпайтирилган мажбуриятдир. Бурчни англаб ишлайдиган киши ўз мажбуриятларини шунчаки бажариб қўймай, уларни энг яхши тарзда бажаришга, янги касбни шунчаки ўзлаштириб қўймай, жуда яхши ўзлаштиришга, режа топшириғини шунчаки бажариб қўймасдан аъло даражада бажаришга интилади.

Адолатлилик бу - тенгликни ҳаққоний ва тақдирлашнинг зарурий ўлчовидир. Юнон олими Соқрат адолатни "Қонунга мувофиқ хулқ" деб атаган.

Адолатлилик яхшилик тушунчаси каби ижтимоий муносабатларнинг ҳамма томонларига дахилдордир, лекин яхшилик, ёмонликдан фарқ қилиб, у кишиларнинг кундалик амалий ишлари билан янада конкретроқ, янада мустаҳкамроқ боғланган. У баҳо тушунчаси бўлиб, текшириш ва талаб қилишнинг мик-

дорий ўлчовидир. "Адолатли педагог" деб аташ - бу ҳар қандай яхши мақтовдан ҳам кучли рағбатлантиришдир.

Ор-номус ва қадр-қиммат бошқа ахлоқий тушунчалар билан бир қаторда шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, кишиларнинг хулқига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Ор-номус тушунчаси инсоннинг жамиятдаги қимматини англашини ҳамда бу қимматнинг жамият томонидан тан олинишни ифодалайди.

Ор-номус тушунчаси қадр-қимматни англашни ўз ичига олади. бу ахлоқий тушунчалар бир-бири билан узвий алоқада ва кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди.

Ўз қадрини эъзозлайдиган кишиларда эътироф, ҳурмат, обрўга эҳтиёж мавжуд бўлади. Инсон шахси аҳамияти белгиси қадр-қимматдир. "Ор-номусингни ёшликдан сақла" деган ҳикматга доимо амал қилиниши ҳам бунинг исботидир.

Виждон - инсоннинг ўз хулқини муайян жамият ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан туриб баҳолаш ва назорат қилиш, таҳлил қилишдир. Виждон ахлоқий тушунча сифатида абадий мавжуд бўлади, чунки инсон ўз-ўзига баҳо бериш, ўз-ўзини қадрлаш қобилиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Ўқитувчи ўзига ва ўқувчиларига нисбатан талабчан бўлса, ўз кучини ҳушёрлик билан баҳолайди, ўзидаги ҳеч қандай алоҳида қадр-қиммат ва ҳуқуқий хокимлик бор деб қарамайди, ишдаги муваффақиятлардан гердаймайди, ўз хизматларига ҳам, нуқсонларига танқидий ёндошади.

Ўқитувчининг ахлоқий фикри ва ҳулқи билимлари ўзининг тўлиқлиги ва мустаҳкамлиги билан характерланади. Маълумки ҳар бир ёш ўқитувчилик касбини эгаллар экан, шу соҳага тааллуқли бўлган нормалар ва қоидалар билан танишади. Бу қоидалар таълим, тарбия ва меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилади. "Бошқалар учун яшамоқчи бўлган инсон (ўқитувчи) ўз ҳаётига бефарқ бўлмайди", албатта.

X асрда яшаб ижод қилган олим-педагог Абу Наср Форобий. "дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг (энг аввало ўқитувчининг) етуклиги барча хислатлари

каби ахлоқ-одоби билан якунланади. Билим, маърифат албатта яхши ахлоқ билан белгиланмоғи лозим", - деб ёзган эди.

Олим Ибн Сино "Ҳикмат булоқлари" деб номланган фалсафий асарида этика фанига ажойиб таъриф берган. У бугун ҳам ўз маъносини инкор этган эмас. Бу фан кишининг ҳулқи, феълатвори устидан раҳбарлик қилади. Яъни бу фан шундай одамларни тайёрлаб бориши керак-ки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилувчи бўлиши керак.

Маълумки, педагогнинг бутун фаолияти ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ўқитувчи юксак илмий сиёсий маданий, маърифий, маънавий мафкуравий савияда ҳам ўткир эеҳн, иқтидорли идрок, ақл-одобда ҳам барчага ибрат бўлмоғи лозим.

Шубҳасиз ёш авлодга тарбиявий таъсир уларнинг ақлий – интелектуал қувватини ошириб мукаммал касб-кор сари бориш, ҳаётий маълумотли бўлиш соҳаларда ибрат-намуна бўла олиш қувватга эга бўлмоғи ўқитувчи тарбиячи зиммасидадир. Бундай ахлоқий ишончдан кишилар намуна олади.

Ахлоқий онг элементларидан бири - ахлоқий туйғулар ҳиссиётлардир. Улар борлиқни акс эттириш ва хулқ мотивининг тўғри даражалари тарзида доимо диалектик боғлангандир.

Ахлоқий ҳиссиётлар ўз мазмунига кўра ижтимоий борлиқ, меҳнат, турмушнинг инъикосидир. Очлиқ, тўқлик, меҳнатдан қониқиш, тежамкорлик, маъсулият ҳисссётларига мисол бўлади.

Шахснинг фаолиятини, унинг маъсулиятини ва айбини тўғри баҳолаш учун шу шахсни фаолиятга ундаган мотивларни, ниятлар йиғиндисини аниқлаш лозим. Шуларга қараб биз шахс ўз фаолиятида, қандай принципларга амал қилганлигини биламиз, тор эгоистик мақсадларни кўзлаганми ёки бошқа кишилар манфатини ўйлаганми, бу шахс жамият, халқ манфаатлари учун ўзини фидо қила олишга қодирми йўқми деган саволларга жавоб топамиз. Мотив кишининг ахлоқий онг даражаси кўрсаткичи ва у бошқа кишиларга муносабатларда амал қиладиган принцирлар мақсад характерининг ифодаси бўлиб хизмат

қилади.

Педагогик назоратнинг ахлоқи асослари. Ўқитувчи умумий маълумот ва миллий мафкуравий билим, фан-техника янгликлари, жаҳон ахборот тизимидаги зарурий манбалардан яхши хабардор бўлиб, билим доирасини тинмай ошириб бориши, ҳар бир дарс машғулотга нисбатан ижобий ва ноанъанавий усулларни жорий этиб бориш билан ўз маҳоратини юксалтира боради. Агар педагог шундай йўл тутмаса, у педагоглик ишига ярамай қолади.

Педагогик фаолиятда ўқитувчи меҳнатининг кўп қиррали ва такрорланмаслиги учун аниқ мезон йўқ. Бу эса ўқитувчидан ахлоқий онгни, тартиб-интизомни, ростгўйликни қатъий ахлоқий билимни талаб этади.

Педагогик назоратнинг ахлоқий томони яна шунинг учун зарурки, унда ўқитувчиларнинг интеллектуал имкониятлари, қобилиятлари баҳоланади.

Назорат органлари ўқитувчиларнинг ўқувчилар фаолиятини, унинг натижаларини баҳолашга объектив ёндашиш учун барча зарурий шароитларни яратишлари ва бунда ўқувчилар билимидаги жиддий нуқсонларни тез фурсат ичида тугатиш мумкин эмаслик ҳолатларини ҳисобга олишлари лозим.

Методик адабиётларга ва амалий кузатишларга кўра таҳлил қилиш, кузатиш учун қуйидагиларга эътибор қилиш лозим:

- ўтган ўқув йилининг асосий масалаларни ва уларнинг бажарилиши;
- ўқитиш тарбиялаш ва методик сифати;
- ота - оналар билан амалга ошириладиган ишлар натижалари;
- ўқувчи талабаларнинг соғлиғи, жисмоний маданият ва спорт ишлари;
- ўқув-моддий базанинг аҳволи, ривожланиши;
- ўқитувчини жамоа ишидаги самарадорлик;
- мактабда психологик муҳит ва оқим;
- мактабнинг атроф-мухит билан алоқадорлиги ва ҳоказо.

Буларни касб ахлоқ талаб этади.

Инсон меҳнати ва фаолиятининг маълум бир соҳаси билан машғул бўлган кишиларга тегишли ахлоқ мезонлари касб ахлоқ дейилади.

Ахлоқий тажриба – ахлоқий онг ходисалари (мотивлар, ниятлар, дунёқараш, ғоялар ва ҳоказолар)да намоён бўладиган, амалга ошадиган ҳулқни, сон-саноқсиз ҳатти-ҳаракатлар алоқа-муносабатларни ахлоқий мақсадларга онгли бўйсундиришидир.

Бошқача айтганда, ахлоқий тажриба – амалда намоён бўладиган алоқадир. Унда шахснинг жамиятга муносабатигина эмас, балки жамиятнинг шахсга, шунингдек, шахснинг табиатга ва ўз-ўзига муносабати ҳам ўз ифодасини топади.

Шахснинг ҳулқида ҳам унинг ўз-ўзини ахлоқий англаш, унинг мавжуд ижтимоий муҳитнинг ахлоқий талаблари ҳақидаги тасаввурлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо ҳулқ нормалари ҳақидаги тасаввурлар, билимлар билангина кишилар хуш ахлоқли бўлиб қолавермайди.

Ахлоқ нормаларини ёддан билиш билан иш битмайди. Балку уларга чуқур ишонч ва назарий, амалий ифодасини топиши ҳам керак. Демак, шу ҳулқ шахснинг характерида доимий белгига айланган чоғдагина фазилатли бўлади.

Ахлоқнинг учинчи бир кўриниши – **ахлоқий муносабатлар элементидир**. Ахлоқий муносабатлар - устқурма тартибидаги ҳодиса ва ахлоқий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Кишилар, шахслар тизими ва жамият ўртасидаги муайян вужудга келади, ҳамда у мустақилдир.

Педагогик муҳитдаги ахлоқий муносабатларнинг субъекти ўқитувчи-педагогдир. У ўқув, тарбия жараёнини асосий сифатида ўқувчилар, ота-оналар, ҳамкасблари билан ўзаро муносабатларга киришади.

Қуйидагиларни педагог ахлоқининг асосий касбий хусусиятлари жумласига киритиш мумкин:

- ўргатиш, насиҳат қилиш мақсадида муносабатда бўлиш;
- фикрларни аниқ ифодалаш;
- билимга доим билим қўшиш ва уни болаларга бериш эҳтиёжи;

- ўз хулқ-атворини қаттиқ назорат қилиш ва туйғуларда тераплик.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, педагогик амалиётда "педагог одоби" тушунчаси тор маънода - муаллим амалий жиҳатини; кенгроқ маънода - ўқитувчининг касб ахлоқи тушунтирилади. Ўқитувчи одобининг асосий белгилари: умуминсоний ва илмий ахлоқнинг қонуниятлари, тамойиллари, тушунчалари, мезонлари, талабларга амал қилиши, педагогик жараён ва педагогик фаолиятнинг ўзигигина хос бўлган хусусиятларга биноан уларни ойдинлаштириш, аниқлаштириш, умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, муаллимининг барча билан муомаласидан муносабатларидан намоён бўлиши.

Демак ўқитувчи одоби умуминсоний ва миллий ахлоқнинг қонуниятлари, вазифалари, тамойиллари тушунчалари талаблари мезонларини таълим-тарбия жараёнида ойдинлаштириб, муаллимнинг ўқувчилар, ўз касбдошлари, ота-оналар, мактаб раҳбарлари билан муомала-муносабатларида ифодаланадиган профессионал ахлоқий хусусиятдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун муаммоли саволлар?

1. Педагогик этика нима? Ўқитувчи одоби-этикасининг асосий вазифаларини санаб ўтинг?
2. Педагогик этика, одобига хос тамойилларни эсланг?
3. Педагог одобига хос асосий тушунчаларга нималар киради?
4. Ахлоқий онг фоалият, муносабатлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Педагогик назоратнинг ахлоқий асослари қандай?
6. Сизнингча "ўқитувчи одоби" тушунчасини қандай таъриф бериш мумкин?

11. ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИНИ ТАНЛАШ ВА УНГА ТАРБИЯЛАШ БЎЙИЧА МУАММОЛИ САВОЛЛАР

1. Сиз нима учун ўқитувчи бўлмоқчисиз?
2. Ўқитувчи одобномаси ҳақида нима биласиз?
3. Ўқитувчи одобномасининт объектини биласизми?
4. Ўқитувчи одобининг назарий асослари ҳақида нима биласиз?
5. Ўқитувчининг юксак маънавий ахлоқий сифатлари нимадан далолат беради?
6. Қандай касб эгалари ахлоқий нормаларга қатъий амал қилиши зарурлигини айтинг?
7. Ким ўқитувчи бўлиб ишлаши мумкин?
8. Ўқитувчи одобининг таърифини айтинг?
9. Ўқитувчи маҳорати ҳақида нима биласиз?
10. Сизга таълим-тарбия берган ўқитувчилардан кимни моҳир деб ҳисоблайсиз ва қайси хусусиятлари учун?
11. Ўқитувчилик касбини танлаб, сўнг пушаймон емайсизми?
12. Ўқитувчилик касбида нималарни қийин вазифа деб биласиз?
13. Сиз ўқитувчи касбига зарур масалалар ҳақида билимингизни синаб кўрганмисиз? Масалан:
    - умуминсоний ва миллий ахлоқнинг моҳияти, мақсади;
    - касб ахлоқининг мазмуни;
    - ўқитувчи одобномасини ўрганиш фани, мақсади, вазифалари;
    - ўқитувчи одобининг таърифи, қонуниятлари, манбалари.
14. Ўқитувчилик касбини осон, қийин томонлари ҳақида билимингиз қандай?
15. Сиз ёшларни ўқувчи-талабаларни сева оласизми?
16. Янгиланаётган педагогиканинг таянч нуқтаси тўла маънода қандай?
17. Ўқитувчи - адолат ташкилотчиси ва посбони тушунчасини тавсиф этинг?
18. Қонун тўғрисидаги қонунда кимга педагог бўлиб ишлашга рухсат этилган?
19. Шу қонунда ўқитувчининг вазифалари ва бурчлари қандай ифодаланган?

ИЛОВА

"Ўқитувчилик касбига кириш" (мутахассисликка) фанига доир муаммоли дарс

Мавзу: Ўқитувчи меҳнатининг баҳолаш мезонлари

Режа:

1. Ўқитувчи меҳнатини баҳолаш педагогик таҳлил эканлиги.
2. Ўқитувчи меҳнатининг натижаларини баҳолашдаги расмиятчиликлар.
3. Ўқитувчи ва дарс таҳлили, назорат ва баҳо.

Таълим тарбия жараёнини самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим вазифалардан бири - педагогик таҳлил яъни ўқитувчи меҳнатини, фаолиятини одилона, тўғри асосли баҳолашдан иборат. Ўқитувчи меҳнати маҳияти, мазмуни ва аҳамиятини тўғри баҳолаш бутун педагогик жараён муваффақиятига хизмат қилади.

Хўш булар ҳаммага маълум. Аммо қандай текшириш ва нима? Қайси соҳаларини текшириш, аниқлаш муаммо ҳисобланади.

Баъзан ўқитувчи фаолиятини текшириш ва баҳолаш имтиҳон даражасида олиб борилади. Бунда махсус комиссия аъзолари ўқитувчига саволлар беради, конспект иш режаларини кўради. Ҳатто муаммоли масалалар ечиб беришни талаб этади. Бу билан текширувчи ҳуқуқи бурчи ҳаддан ташқари ошириб юборилади, педагогик этика хусусиятлари бузилади.

Амалдаги бундай назорат мактаб ва ўқитувчи фаолиятига фойда келтирмай ҳатто зарар келтиради. Кўнгилсиз воқеаларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ўқитувчи фаолиятини демократик ва педагогик асосли баҳолаш учун аввало унинг ишининг моҳияти унинг муваффақияти нималарга боғлиқлигини аниқлаш зарур.

Ўқитувчи ишининг муваффақияти энг аввало, унинг ғоявий-маънавий, маданий ва касбий тайёргарлигига боғлиқдир. Ўзи дарс берадиган фанга доир ижодкорлиги, педагогик ва психологик тадқиқотларни ўрганиб, ўз фаолиятида самарали методларни амалга ошира бориши, янгликлар яратиши ва ҳоказоларга боғлиқдир.

Ўқитувчи меҳнатини баҳолашга киришганда, ана шу юқорида айтилган сифатлари унинг ўзига сездирмасдан астасекин қаралади. Бунда айрим кишилар фикрига эмас, балки мактаб жамоаси ва жамоатчиликнинг фикри асосида, ота-оналар ва ўқувчиларнинг муносабатлари ҳисобга олиниб хулоса чиқариш керак. Бунда махсус анкеталар, айниқса ота-оналар ва ўқитувчилар билан (оғзаки, ёзма) савол-жавоблар ўтказишга ҳожат йўқ.

Чунки, бундай текширишлар ўқитувчилик касбининг шаънини кескин пасайтирищи, пухта билим ва тажрибага эга бўлмаган айрим кишиларнинг фикри ўқитувчининг обрўйига путур етказищи мумкин.

Ўқитувчиликнинг умумий ва касбий лайёқатлиликка тайёргарлик ишларини баҳолашда эмас, балки ўз хатосини тузатиш истагини ва ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштира олиш қобилиятини ҳам аниқлаш керак.

Маълумки, камчиликлардан бутунлай холис касиб эгаси бўлмайди. Шундай экан бекаму кўст ўқитувчи ҳам бўлмаслиги мумкин. Аммо ўқитувчи ўз ишида янгликка доимо интилса, касбига оид ёзма манбаларни режали ўрганиб борса, ўз фаолиятида тадқиқот-синов ўтказса ўқитувчининг билим, малака ва кўникмаларини мунтазам оширишга интилса, шубҳасизки, у айрим камчиликларидан қатъий назар ўқитувчилика ва мактаб жамоасига қадирлидир.

Ўқитувчининг ишини, меҳнатини натижалари: ўқувчилар билими ва камолоти, савияси, уларнинг фаоллиги, мустақиллиги ҳамда тарбияланганлиги каби муҳим белгилар асосида баҳолаш анъанага айланган.

Шубҳа йўқ-ки ўқитувчининг меҳнати натижаларини аниқ-

лаш бундан ҳам мураккабдир.

Ўқитувчи меҳнатининг натижаларини расмиятчилик нималарда кўринади? Бу расмиятчилик, энг аввало, ана шу мураккаб ишнинг бош таркибий қисмларини ажрата билмасликдадир.

Масалан: Мактаб раҳбарлиги, туман ва шаҳар таълим бўлими методист-инспекторлари мактабларининг бирида ўзбек тили ва адабиётини ўқитишнинг аҳволини ўрганди, деяйлик. Текшириш давомида 30 тадан кўп дарс кузатилди, дафтарлар, гуруҳ журналлари кўрилди. фан кабинетларининг жиҳозланиши ва методик бирлашмаларнинг аҳволи билан танишиб чиқилди.

Ўқитувчиларнинг ўзбек тили ва адабиёти бўйича билим дарражалари - ўзбек тилидан 99,7 фоиз адабиётдан 100 фоиз ўзлаштирилгани қайд этилди. Шу билан текширув якунланди. Лекин ўқитувчилар меҳнатини баҳолашга юзаки ёндашиб фақатгина зарар келтириши, ўзлаштирмаслик сабабларини ва муаллимлар ишидаги тафавутларни аниқлашга монелик қилиниши иккинчи марта синчиклаб текширишда яққол кўринди, масалан у синфда ўтказилган диктант-ёзма ишдан ўқувчиларнинг билим ва малакасини жиддий камчиликлар борлиги маълум бўлди; ўқувчиларнинг 32 фоизи ёзма ишида кўпол хатоларга йўл қўйдилар.

Бундай муаммони ечими ҳақида фикр юритганда, текширувчилар, комиссия ўқувчилар билим, малакаси савиясини аниқлашда асосан қуйдаги ҳолларга эътибор қаратишлари лозимлиги кўринди. Бу шартлар:

- ўқитувчилар давлат таълим стандартининг ўрганилган қисми бўйича нималарни билиши ва нималарни билмаслиги, фактли материалларни қанчасини ўзлаштирганлигинги;

- ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллай олишини, масала, мисолларни еча олиши ёзиши, географик хариталарни, схема ва чизмаларни, техникани билиши;

- ўқувчиларнинг мустақиллик даражасини, уларнинг фаол ишлай олишини, билимларни ўзлаштиришини, воқеаларга тўғри, ҳаётий йўналишда туриб баҳо беришини, мушоҳада юритишини, тафаккур қувватини, ҳисобга олмоқ керак бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки мактаб маъмурияти, юқори ташкилот текширувчилари ўқитувчи меҳнатини ўрганишда фақат ютуқ ва камчиликларни қайд этиб қўя қолмай, балки унинг фаолиятини илмий асосда, педагогик таҳлил қилишлари лозим. Улар ўқитувчининг таълимий меҳнат натижаларини ўрганиш ва баҳолашда ўқувчилар дастур материалларни қанчалик чуқур ўзлаштирганини, уларнинг ўз билимларини ўзгартириш ва ижобий қўллаш қобилиятини аниқлашлари керак.

Ўқитувчи меҳнатининг натижалари ҳар қанча муҳим бўлсада фақат сўнгги ютуқларини ҳисобга олиш билан чегараланмаслик керак. Чунки бундай қилиш педагогик меҳнатнинг хусусиятлари нуқтаи назардан нотўғри хулоса бўлади. Шуни назарда тутиш лозимки, болаларнинг қобилияти ҳам ўсаётган муҳити ва тайёргарлиги ҳам турлича бўлади.

Яна бир муҳим масала, ўқитувчи мехнатини баҳолашда, у дарсларни қандай ташкил этиши ва ўтказишини аниқлаш зарур. Бунда асосан машғулотларга тайёрланишдаги, дарснинг мақсадини, унга эришишнинг метод ва воситаларини аниқ белгилашдаги, дарснинг юксак илмий, ғоявий ва амалий савияда ўтилишини, ўқувчиларнинг фаоллиги, мустақиллиги, тафаккурини ўстиришдаги ўқув меҳнатини уюштириш ва бошқа хусусиятлардаги маҳорати кузатилади. Ҳозирги замон дарсига қўйиладиган талаблар вақтли матбуотда махсус китоблар ва рисолаларда ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида кенг тарғиб қилинса-да, таълимий машғулотларни қониқарсиз ташкил этилиши ҳамон тез-тез учраб турмоқда. Дарс тузилишидаги ўрганилган назорий материаллар амалда мустаҳкамлаш, ўқувчиларда тегишли ўқув ва малакаларни такомиллаштириш назарда тутилмайди.

Айрим ҳолларда уй вазифалари, қўнғироқдан сал вақт олдин ёки дарсдан чиқиб кетиш арафасида ҳеч қандай тушунтириш бермай ноаниқ холда топширилган бўлади. Ҳатто синфда ўрганиш қийин бўлган материал ҳам уй вазифаси қилиб берилади.

Булардан ташқари дарсда вақтдан унумли фойдаланилмай-

ди, қоида тушунчалар амалий асосга таянмаган ҳолда тушунтирилади, таърифлар дафтарга кўчириб ёздирилади ва ҳоказо. Ўқитувчи меҳнатининг тизимли ҳолати ўрганилмайди.

Ўқитувчи ишидаги камчиликларнинг сабаби айнан дарсда, ўқув жараёнини ташкил этишдаги жиддий хатолар билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи фаолиятини баҳолашда унинг педагогик маҳоратига, дарсни юксак, илмий, амалий ва методик савияда олиб боришга алоҳида эътибор бермоғимиз лозим.

Текширувчи ва назоратчилар дарсларни таҳлил қилишда ўқитувчининг ўқув материалини қанча аниқ ва муаммоли йўсинда, фаол савол-жавоб йўлида баён эта олишига, ўқувчилар учун таянч сигналларни ажратиб ифодалашига, мустақил ишларни бошқариш ва фаоллаштиришга техник воситалардан, кўрсатмали қуроллардан фойдаланишига, ўқувчиларни узлуксиз тарбиясига доир намунавий мисолларга катта аҳамият берадилар. Ўқитувчининг меҳнат маданияти, иш услуби, муомаласи, ўқувчиларни билишга қизиқтириши ва жалб этишини алоҳида ҳисобга оладилар. Лекин текширувчи ҳеч қачон ўз қарашлари ва фикрларини ўқитувчига "Сингдириш" дек ҳаракат қилмаслиги керак.

Шу ўринда яна бир муаммо, ўқувчилар ва оиланинг бир хил ёндашувини амалга ошириш зарур, айни вақтда бу мураккаб муаммодир. Ота-оналар ҳар хил мулоқотга бўлиши сизга маълум. Ўқитувчи ота-оналарни тарбиявий ишларга жалб этиш ўқувчига оиланинг катта ёшли аъзолари томонидан педагогик мақсадли мазмунли таъсир кўрсатиши, йўл қўйилган хатоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Педагог меҳнатини баҳолашда унинг жамоатчилик ишларидаги иштирокига эътибор бермаслик мумкин эмас. Кўпчилик ўқитувчилар юқори ташкилотларнинг топшириқларни ва аҳоли орасида олиб борадиган маънавий, маданий, мафкуравий ва ғоявий тарбиявий ишларга анча куч ҳамда вақт сарфлайдалар. Улар ўзларининг ижтимоий бурчларини тўлиқ англаган ҳолда мактаб жамоасини жипслаштириш, жамоани обрўйини мус-

таҳкамлаш, педагогик ўқувларни кенгайтириш, ёш ва кам тажрибали ўқитувчиларга ёрдам кўрсатиш каби жуда кўп ишларни амалга оширадилар.

Ўқитувчи шахсини баҳолашда аввало, унинг болалар билан муносабатига эътибор берилади. Болаларда ўқитувчига муҳаббат орқали у ўқитадиган фанга ҳам муҳаббат уйғонади.

Педагог, тарбиячига хурмат унинг айтганларини сўз сиз бажариш, ундан намуна -ўрнак олиш истагини вужудга келтиради.

Ўқитувчиларнинг қандай сифатлари болаларни кўпроқ жалб этади? - деган муаммоли савол қўйиб, унга жавоб берамиз. Бу сифатларига:

- ўқув материалини қизиқарли ва кенг мазмунда тушунтириб беришлари;
- ўқувчилар билимини тўғри, педагогик талабларда баҳолаши;
- ўқувчилар билан қўшимча дарслар, суҳбатлар ўтказиши
- ўқувчилар сирларни сақлашига эътибор бериши;
- ўқувчиларни тинглай олишдаги эътиборлилик;
- ўз қиёфаси, сўзи ва ишида эътиборли бўлгани;
- ваъда бердингми уни бажар деган усуллари;
- ўқувчилар билимини адолатли ва демократик баҳолаш ва ҳоказо

Ўқитувчига баҳо беришда унинг маъмурият ва касбдошлари билан муносабатини, жамоатчиликдаги обрўсини ҳам ҳисобга олиш зарур. Улар орасида ҳам табиатан хушчақчақ-одамови, серғайрат ва эринчоқ, ўқитувчиликни эрмак деб билувчи кишилар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бунинг аҳамияти йўқ асосий гап муносабатнинг характеридадир.

Масалани ойдинлаштириш мақсадида ушбу муаммоли педагогик масалага эътибор қаратайлик.

1. Вовочка мактабга бир-икки кун келмай қўйган экан, ўқитувчиси унинг уйига бориб ота-онасига ёмонлаб, адабини бериб қўйишга қарор қилибди. Топган манзили бўйича борганда жуда ҳам ҳайбатли қасрга дуч келибди. Эшикни хизматкор очибди. Ўқитувчи мақсадини айтибди. Хизматкор уни уйга

бошлабди... Уйнинг деворида Репин, Гоген каби рассомларнинг хақиқий асарлар илинган бутун поллар олий сифатли мармарлардан ясалган.

Вавочка турадиган хонага етиб келгач хизматкор эшикни секин тақиллатибди:

- Волдемар, сизнинг ҳузурингизга бир хоним ташриф буюрди:

- Тезак ебсан!

Хизматкор капалак нусҳа галстугини тўғрилар экан, дебди:

- Алдасам, эшак бўлай!

2. Вовочка мактаб ўқитувчисига қараб "боринг ишингизни қилинг" деб гап қайтарибди. Ўқитувчиси директорига шикоят қилибди. Директор Вовочкани чақиртирибди:

- Нега ўқитувчингга гап қайтардинг?

Вавочка:

- Сизни пайпоғингиз сасияпти?

- Нима??! Эртага отангсиз мактабга келма!!

- Отам эртага келмайди. Йиғилиши бор.

Директор ўйланиб:

- Вовочка бор, синфингга боравер.

Вовочка чиқиб кетгач, директор ўқитувчига дебди:

- Биласизми Марья Ивановна, сиз ишингизни қилаверинг, мен эса пайпоғимни ювaман!

Ушбу манзарага талабалар диққатини қаратиб, мустақил фикр билдиришларини ва кўпчилик овоз билан кимни қараши, хулосаси тўғрилигини аниқлаш орқали муаммога тўғри жавоб излаб топилади.

Шундай қилиб, ўқитувчининг меҳнат фаолиятини баҳолаш ҳақида мулоҳаза юритганда, биринчи галда у қандай шахс, у қандай ўқитиш ва тарбиялашга уста- моҳир ўқувчиларнинг маънавий-мафкуравий дунё қараши ва тарбиянинг таркибий қисмларини уларга сингдириб бориши, камолатли ёшларни шакллантиришга оид хизматлари ва эришган натижаларга қараб хулоса чиқариш шарт бўлади.

Хуллас; Маъмурият барча катта кичик таълим соҳаси раҳбарлари яхши билиши керак-ки ўқитувчи обрусини химоя қилиш, унинг моҳирлигига йўл очади. Маҳорат эса осонгина қўлга киритиладиган манба эмас. Унга узлуксиз ўқиш, ўрганиш изланиш ижобий меҳнат қилиш, кураш орқали, муҳитни яхшилаш орқали муяссар бўлади. Ана шу йўлда жон фидо қилган ўқитувчи меҳнатини адолатли баҳолаб бориш, ҳисобга олиш кўп қиррали педагогик маҳоратга асос бўлади. Охир ўқитувчи қўлидан жамият учун керак бўлган яхши инсонлар камол топиб кўпаяди, ўсаверади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. VII жилдлик. 2002-2003.

2. "Таълим тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

3. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"

4. Абдулина А. "Общепедагогическая подготовка учителя. Москва 1990.

5. М.Очилов. Муаллим - қалб меъмори. Тошкент «Ўқитувчи». 2000.

6. Азаров П. Оила педагогикаси. Тошкент. 1998.

7. Грехнев В.С. Культура педагогического общения. Москва. 1990.

8. Лешинский В.И. ва бошқ. Всегда-ли прав учитель? Москва. 1990.

9. Шакуров Р.Х. Директор школы и педогогический коллектив. Киев. 1975.

10. Сухомлинский В.И. Ёш директор билан суҳбат. Тошкент. 1989.

11. Зуннун М. Ўқитувчининг педагогик одоби. Совет мактаби журнали. №7. 1972. 61-64 б.

12. Якубсон Я.Г. Союз этики и педагогики в воспитании личности. Москва. 1976.

13. Ильин Ф. Руководитель школы – молодому учитулью. Народное образование. №1, 1985.

14. Чернокозова В.Н., Чернакозов Н.И. Ўқитувчи этикаси. Киев. 1979.

15. Тўрақулов Э. Педагогик этика (дарслик). Самарқанд. 1991.

16. Тўрақулов Э. Мутафакирлар ўқитувчи ҳақида. Самарқанд. 2000.

17. Тўрақулов Э. Мутафакирлар ўқитувчи ҳақида. Самарқанд. 2000

18. Тўрақулов Э., Рахимов С. Абу Райҳон Беруний таълим тарбия ва руҳият тўғрисида. Тошкент "Ўқутувчи". 1992.

19. Тўрақулов Э. Педагогик маҳорат. Самарқанд. 2003

20. Собелев А.Я. Ота-оналар учун таълим-тарбияга доир масалалар тўплами. Тошкент. 1972.

21. Ҳасанбоева О. ва бошқ. Педагогика тарихи. Дарслик. Тошкент. 1988.

22. Мунавваров А. Педагогика. Дарслик. Тошкент. 1997.

23. Файбуллаев Н. Педагогика. Дарслик. Тошкент. 2000.

24. Каримова В. Психология. Дарслик. Тошкент. 2000.

25. Фозиев Э. Психология. Тошкент. 1999.

26. Зуннунов А. Педагогика тарихи. Дарслик. Тошкент. 1989.

27. Ўзбек педагогикаси антологияси. 2 жилдли.тўплам. китоб 1 жилди – 1995 й., 2 жилди 1999 й.

Мундарижа

Кириш сўз 3

1. Талабанинг олий матаб шароитига мослашуви ва ақлий-касбий меҳнатга тайёрлаш 6

2. Мутафаккирлар касб-ҳунар аҳамияти ва мезонлари ҳақида 14

3. Мактаб ва ўқитувчилик тарихидан 32

4. Ўқитувчи педагогнинг умумий техник ва касбий таълимга хос профессиограммаси 48

5. Ўқитувчи касбига хос педагогик-психологик ташҳис 53

6. Ҳозирги даврда касбий таълим педагогини тарбиялаш ва тайёрлашнинг педагогик психологик асослари 62

7. Касбий таълим ўқитувчиси дарсда. Педагогик ҳамкорлик 75

8. Касбий таълим ўқитувчиси иш фаолиятини боҳолаш ва рағбатлантириш мезонлари 78

10. Педагогик одоби, этикаси. У қалб меъмори 83

11. Ўқитувчилик касбини танлаш ва унга тарбиялаш бўйича муаммоли саволлар 90

Илова "Ўқитувчилик касбига кириш" (мутахассисликка) фанига доир муаммоли дарс 91

Адабиётлар 99